

Т. Жумаев

ТУРКИЙ ТИЛЛАРИНИНГ
ҚИЁСИЙ-ТАРИХИЙ
ТАҲЛИЛИ

НАСАФ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Т. ЖУМАЕВ

**ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ-
ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ**

(ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА)

Қарши
«Насаф» нашриёти
2005

ининг
атдан
иллар
ўлиши
ҳамда
стрик
рихий
и кўп
ерувчи
авжуд
ратиш

жаҳон
Малов,
манов,
Иванов,
ларига

ирасига
чунки
акалавр

ларнинг
ларини,
к, улар
бағиш-
и янада
о, икки
кичик
ҳозирги
чун ҳар
қисман,
ий тили

академик
ва барча
ланди.
и-туркий
тилидаги
оша фикр
ди.

Ушбу ўқув қўлланма туркий тилларнинг энг умумий хусусиятларини қиёсий-тарихий жиҳатдан ўрганишга бағишланган бўлиб, унда дунёдаги деярли барча туркий тилларнинг фонетик, лексик ва морфологик хусусиятлари қисқача мужас-самлаштирилган. Бир бобо тилнинг авлодлари ҳисобланган туркий тиллар генетик ва морфологик жиҳатдан бирларига ўхшайдилар ва шунингдек, қайсидир аниқ белгиларига кўра фарқланадилар. Мазкур ўқув қўлланма бундай ўхшашлик ва фарқларнинг сабаблари тарихий, ҳудудий ҳамда қон-қардошлик тамойиллари асосида очиб берилади.

Туркий тилларнинг сатҳларини ҳар томонлама ўрганиш ҳозирги ўзбек тилининг мунозарали жиҳатларининг ойдинлашишига ёрдам бериши шубҳасиз. Чунки бир гуруҳга кирувчи тиллар энг қадимги белгиларни у ёки бу тарзда ўзида сақлаб қолади. Талабаларга тилимизнинг сирларини қардош тиллар билан чоғиштирув асосида етказиш ўз самарасини бериши аниқ.

Ўқув қўлланмаси мактаб ўқувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларининг бакалаврият босқичидаги талабаларга мўлжалланган.

**Қарши Давлат университети Илмий Кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган.**

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори,
профессор **Ҳ.Ф.Неъматов.**

Тақризчилар: филология фанлари доктори
А. Абдусайдов,
филология фанлари номзоли,
доцент **Й. Бобожо**

T 4702620201- 55 55-2005 © Т. Жумаев, 2005 й.
376(10)2005
ISBN 5-7323-0506-0

Сўз боши

Маълумки, ўзбек тили олтой тиллар оиласининг туркий тиллар гуруҳига мансуб. Шу жиҳатдан кўришда шундан иборатки, ўзбек тили билан бошқа туркий тиллар орасида кўпгина лисоний умумийликлар бўлиши табиий. Бироқ, бугунги кунда академик лицей ҳамда олий ўқув юртларининг бакалавр ва магистрлик талабаларида туркий тилларни қиёсий-тарихий жиҳатдан ўрганишга мўлжалланган дарс соатлари кўп бўлса-да, бу умумийликнинг моҳиятини очиб берувчи ўзбек тилидаги бирор дарслик ёки қўлланма мавжуд эмас. Шу боисдан ҳам мазкур қўлланмани яратиш эҳтиёжи бисёр.

Қўлланмани юзага келтириш учун рус ва жаҳон туркийшунослари Н.А. Баскаков, В. Котвич, С.Е. Малов, Г. И. Рамстедт, А. Н. Кононов, И. А. Батманов, В. М. Насилов, А. К. Боровков, С. Н. Иванов, Э.Р. Тенешев, Ҳ.Ф. Неъматовларнинг илмий ишларига таянилди.

Китобни яратишда туркий тиллар сирасига кирувчи ўзбек тилига диққат жалб қилинмади, чунки ўрта мактаб ҳамда олий таълимнинг бакалавр босқичларида она тили агрофлича ўрганилади.

Қўлланманинг мақсади туркий тилли халқларнинг жаҳон бўйлаб ҳудудий тарқалиш ўринларини, ривожланиш ва шаклланиш тарихи, шунингдек, улар орасидаги алоқадорликларни очиб беришга бағишланган. Туркий халқлар орасидаги умумийликни янада яққолроқ намоён этиш мақсадида улар, аввало, икки тармоққа, кейин, гуруҳларга, ундан кейин, кичик гуруҳларга, ва энг сўнгида, қадимги ҳамда ҳозирги тилларга ажратилиб талқин қилинди. Бунинг учун ҳар бир тилнинг фонетик, морфологик ва лексик, қисман, синтактик хусусиятлари ҳозирги ўзбек адабий тили мезонларига чоғиштирилди.

Китоб ўрта умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ва барча туркийшунослик билан қизиқувчиларга мўлжалланди.

Муаллиф ушбу қўлланма ўзбек тилидаги туркий тилларнинг хусусиятларини ўрганувчи ўзбек тилидаги дастлабки уринишлардан бўлганлиги учун барча фикр ва мўлоҳазаларни мамнуният билан қабул қилади.

Кириш

ТУРКИЙ ТИЛЛИ ХАЛҚЛАРНИНГ ЖОЙЛАШИШ ЎРНИГА КЎРА ТАСНИФИ

Туркий халқларнинг жойлашишини МДХ мамлакатларида қуйидагича белгилаш мумкин:

- 1) Ғарбий Литва, Қрим, Украина, Молдавия турклари;
- 2) Кавказ ва Доғистон турклари;
- 3) Волга бўйи турклари;
- 4) Ўрта Осиё ва Қозоғистон турклари;
- 5) Ғарбий ва Шарқий Сибир турклари.

Биринчи гуруҳ туркларига литва ва белорус татарлари, қараимлар, қримчоқлар, урумлар, қримтатарлар ва гагаузлар киради. Бу гуруҳ туркларини тарихан иккига бўлиш мумкин: а) қипчоқлар (унинг асосий қисмини собиқ Қрим хонлиги турклари ташкил қилади), бунга қараим татарлари ва литва татарлари, қараимлар ва қримчоқлар мансуб; б) ўғузлар (бунга печенеглар, болқон турклари, урумлар киради).

Литва ва белорус татарлари ўз тилларини йўқотиб, маҳаллий халқлар таркибига сингиб кетишган. Ҳозирги пайтда уларнинг тили ҳақида айрим ёдгорликлар ва матнлар гувоҳлик беради, холос.

Қараимлар (10 м. к.) Литванинг Тракай, Паневежис, Вильнюс ва Украинанинг Галич, Луцк, Евпатория, Боғчасарой шаҳарларида яшашади. Унчалик катта бўлмаган туркий халқлар гуруҳига кирувчи қримчоқлар (1,5 м. к.) ва урумлар (150 м. к.) Украинада яшашади. Урумлар келиб чиқиши жиҳатидан грекларга бориб тақалади. Улар ҳозиргача ўз тилларини йўқотишмаган. Қримтатарлар сон жиҳатидан кўпчилик бўлиб, улар ҳозир Ўзбекистон ва Қозоғистонда ҳам яшашади.

Гагаузлар (200 м. к.) Молдавия ва Украинада (150 м. к.) истиқомат қилишади, 10 минг кишидан иборат гагаузлар Болгария ҳудудида турадилар. Улар бессарабия, дунай орти, приморья, греция ва македония гагаузлари каби гуруҳларга бўлинади.

Иккинчи гуруҳ турклари Кавказ ва Доғистонда жойлашган. Улар озарбайжонлар, қўмиқлар, қорачой-балқарлар, нўғайлар, Ставропол трухманларидир. Бу халқлар ҳам этник жиҳатдан икки гуруҳга — ўғузлар

ҳамда қипчоқларга бўлинади.

Ўғуз гуруҳига озарбайжонлар, шимолий кавказ туркманлари (трухманлар), қипчоқ гуруҳига қорачой-балқарлар, қўмиқлар, нўғайлар киради.

Озарбайжонлар (7,2 млн. к.) Озарбайжон ва Нахичиванда (3,5 млн. к.) яшашади, уларнинг таркибига, асосан, ўғузлар мансуб бўлиб, қисман қипчоқ гуруҳига мансуб халқлар ҳам киради. Озарбайжонлар Грузияда (200 м. к.) (2 м. к.), Арманистонда (1,0 м. к.), Дарбантда (1, м. к.) Эронда (3,2 млн. к.) яшашади. Озарбайжон тилининг қуйидаги лаҳжалари мавжуд: мугаллар, қозоҳ татарлари, қашқайлар, қизилбошлар, терекемлар, қорапапахлар каби. Озарбайжон тилида гаплашувчи бир қанча этник гуруҳлар ҳам бор бўлиб, Эронда қўним топишган. Улар — шоҳсувонлар (150 м. к.), қашқайлар (300 м.к.), кожарлар (20 м.к.) дир. Жанубий Эронда эса нараф, баҳарлу, инанлу, хуросоний (200 м. к.) дан иборат озарбайжон уруғлари истиқомат қилишади. Бундан ташқари, афшорлар Эронда (300 м.к.), Афғонистонда (30 м. к.), қорапапахлар Туркияда (40 м. к.), Эронда (20 м. к.) яшашади.

Қўмиқлар (200 м. к.) сон жиҳатидан иккинчи ўринда туради ва Доғистонда истиқомат қилишади.

Қорачой-балқарлар (123 м. к.) Кабарда-Балқар республикаси ҳудудида яшашади, келиб чиқиш жиҳатидан, улар жанубий рус чўлли қипчоқлардир. Печенеглар қора булғорлар ҳисобланадилар ва тарихан печенег-булғорлар билан ассимиляциялашган ҳамда ўз тилларида ўғуз диалекти элементларини сақлаб қолганлар.

Нўғайлар (70 м. к.) Ставрополь ўлкасида ва Доғистонда яшашади, улар Кубан дарёси бўйларида, Қорачой-Черкасда ҳам истиқомат қилишади; тилларида қипчоқ унсурлари мавжуд.

Трухманлар (200 м. к.) Ставрополь ўлкасида жойлашишган, уларнинг тили туркман тилининг чойдор диалектига яқин, иккинчи томондан, қўшни нўғай тилининг унсурлари ҳам трухман тилида учрайди.

Учинчи гуруҳ туркий тилларига чувашлар, бошқирдлар ҳамда татарлар киради.

Чувашлар (2 млн. к.) қадимги булғор халқининг авлодлари бўлиб, улар собиқ Чувашияда, Татаристон, Бошқирдистон, Мари ва Россияда яшашади. Чуваш тилининг шаклланишига, дастлаб, скиф-сармат, славян,

фин-угор тиллари, кейин эса қипчоқ тиллари таъсир кўрсатган.

Бошқирдлар (2 млн. к.) келиб чиқиш жиҳатидан қипчоқлар бўлиб, булғорлар билан аралашини натижасида ҳосил бўлган. Бошқирдлар РФда (1 млн. к.), Қозоғистон ва бошқа республикаларда (35 м. к.) яшайди.

Татарлар ҳаммаси бўлиб 5,015 м. к.ни ташкил қилиб, Ўзбекистонда (245 м. к.), Қозоғистонда (192 м. к.), Тожикистонда (57 м. к.), Қирғизистонда (56 м. к.), Туркменистонда (30 м. к.), бошқа республикаларда (113 м. к.), чет элларда эса (47 м. к.) яшайдилар.

Тўртинчи туркий халқлар гуруҳига Марказий Осиё ва Қозоғистон турклари - ўзбеклар, уйғурлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, туркманлар, қирғизлар киради. Бу халқлар тиллари этник-генетик жиҳатидан қарлуқлар (ўзбеклар, уйғурлар), қипчоқлар (қозоқлар, қорақалпоқлар), ўғузлар (туркманлар), қипчоқ-қирғиз (қирғизлар)ни ташкил этади. Бу тилларга қадимдан эроний тилларнинг, хитой тилининг, кейинги даврларда араб, форс ва рус тилларининг субстрати юз берган.

Ўзбеклар (18 млн. к.)

Уйғурлар (7 млн. к.) 200 м. к. киши МДХ мамлакатларида яшайди, улар жаркент диалектида гаплашишади. Уйғур тилида бошқа лаҳжалар ҳам мавжуд: кошғар, турфон, ёркент, хўтан, ҳамий, оқсуи, салар, сариуйғур, лобнор, хотон каби лаҳжаларда сўзлашувчи уйғурлар Синциян миллий автоном районида (ХХР) яшашади. Уйғур тилида гаплашувчи хотонлар (200 м. к.), саларлар (350 м. к.) сариуйғурлар (4 м. к.) кишини ташкил қилади.

Уйғур тилида сўзлашувчи халқларнинг асосий қисми қарлуқлардир, аммо саларлар тилида қадимги ўғуз тилининг, сариуйғурлар тилида қадимги уйғур тилининг, лобнорлар тилида қадимги қирғизлар тилининг таъсири кучли.

Қозоқлар дастлаб қирғизлар ёки қирғиз-қайсоқлар деб аталган. Улар Қозоғистоннинг асосий халқи ҳисобланади (3 млн. к.). Қозоқ тили XV-XVI. асрларда ўзига яқин тиллар — қадимги нўғай ва қорақалпоқ тиллари билан биргаликда шаклланди. Бу тиллар учун эрон, қадимги ҳинд ва хитой тиллари субстрати мавжуд бўлган бўлса, кейинроқ эса рус тилининг таъсири кучли

бўлди.

Қозоқ халқининг баъзи қисмлари бошқа республика ва чет элларда яшашади. Ўзбекистонда (400 м. к.), РФда (400 м. к.), Туркменистонда (1,0 м. к.), Қирғизистонда (0,4 м. к.), Тожикистонда (02 м. к.), Мугилистонда (6 м. к.), Афғонистонда (3 м. к.), ХХРда (600 м. к.) Қозоқларнинг умумий сони ≈ (7 млн. к.)

Қорақалпоқлар (700 м. к.) қипчоқ диалектида сўзловчи халқ бўлиб, уларнинг таркибида мюnten уруғлари ҳам бор. Қорақалпоқ тилига қадимда сўғд ва парфия тилларининг таъсири мавжуд бўлган бўлса, кейинги даврларда унга туркман ва хоразм ўзбекларининг субстрати сезиларли даражада сингди. Қорақалпоқлар Хоразм, Фарғона, Наманган, Андижон, Вухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ҳамда Афғонистонда (03 м. к.) ҳам яшайди.

Туркманлар (3 млн. к.) тили ўғуз тиллари сирасига кириб, энг қадимги тиллардан ҳисобланади. Унинг таркибига кирувчи ёмут, така, гўклан, салир, сариқ, эрсарин уруғлари ҳозиргача мавжуд. Туркман тилига қадимдан эрон, парфия, сўғд, кейинроқ форс тили субстрати синган. Туркманлар Ўзбекистонда (55 м. к.) ва бошқа республикаларда (23 м. к.), Эронда (400 м.к.), Афғонистонда (300 м. к.), Ироқда (1,5 м. к.), Туркияда (100 м. к.), Сурияда (05 м. к.), Иорданияда (03 м. к.) яшайдилар. МДХда (200 м. к.), чет эллардаги билан (300 м. к.) ни ташкил этади.

Қирғизлар (2 млн. к.) қадимги Енисей қирғизларининг авлодларидир. Енисей ёдгорликларининг маълумот беришича, улар қадимги ўғуз ва қадимги уйғур қабилаларига тегишли бўлган. Қипчоқ уруғлари билан уларнинг ёнма-ён яшаши натижасида қирғизларнинг тили қипчоқ тилларига мойиллаша борди. Бу тил шарқий туркий тиллар, хусусан, олтой тилига яқинликни ҳам ўзига мужассам этган. Қирғизлар Ўзбекистонда (1,5 м. к.), Тожикистонда (40 м. к.) бошқа республикаларда (13 м. к.), ХХРда (1 м. к.), Афғонистонда (04 м. к.) яшашади.

Бешинчи туркий тиллар гуруҳини Сибир турклари ташкил қилади. Бу гуруҳ туркларига тувалар билан тоғалар, ёқутлар билан долғанлар, хакаслар, шорлар, чўлимлар, қамасилар, олтойлар киради. Сибир

турклари этно-генетик жиҳатдан ҳам турли-туманлик касб этади. Шу жиҳатдан уларни 2 гуруҳга бўлиш мумкин: а) уйгур-ўғуз гуруҳи. Бунда қуйидаги кичик гуруҳлар мавжуд: уйгур-тукю (тува, тофа, карагас), ёқут (ёқутлар ва долганлар), хакас (хакас, шор, олтой тилининг шимолий диалекти, чўлимлар, қамасилар); б) қирғиз-қипчоқ гуруҳига қирғиз тили ва олтой тилининг жанубий диалекти киради.

Ёқутлар ва долганлар (300 м. к.) этник жиҳатдан уйгур-тукю уруғларидан келиб чиққан, лекин уларнинг тилига кўшни тунгус ҳамда мўғул тиллари ўз таъсирини ўтказган. Ёқут тили бошқа туркий тиллардан лексик жиҳатдан ҳам, фонетик ва грамматик томонидан ҳам фарқ қилади.

• **Тувалар** (150 м. к.) ва тофалар ёки карагаслар ёқутлар билан этник жиҳатдан уйгур-тукю уруғларидан келиб чиққанлиги билан бир асосни ташкил қилади. Бироқ самодий ва мўғул қабилалари билан аралашшиш натижасида улар тилининг лексик ва грамматик таркибига самодий ва мўғул тилларининг таъсири сезиларли. Тувалар (18 м. к.) ва уларнинг уруғи бўлган урянхай-мончаклар (2 м. к.) Мўғулистонда яшашади.

Хакаслар (07 м. к.), шорлар (02 м. к.), чулимлар (7 м. к.) ва қамасилар (2 м. к.) Жанубий Сибирда яшовчи этник жиҳатдан аралаш халқлардир. Келиб чиқишига кўра улар қадимги уйгур ва қирғиз, келт, селкуп, самодий ва мўғул уруғларидан ташкил топган.

Олтойлар (60 м. к.) келиб чиқиши жиҳатидан уйгур-ўғуз ва қирғиз қабилаларига бориб тақалади, кейинроқ эса қипчоқ диалектининг таъсири бу тилга синган. Олтой тилида икки диалект мавжуд: а) жанубий олтой тили. Бунга олтой, телеут, теленгит шевалари мансуб бўлиб, бу диалектга олтой ва қадимги ва ҳозирги қирғиз тиллари ўз таъсирини ўтказган; б) шимолий олтой тили. Бунга туба, кумандин, чалкан шевалари мансуб, унда қадимги уйгур ва ўғуз тилларининг кучли таъсири сезиларли. Олтой тилига энг яқин бўлган тил ҳозирги қирғиз тилидир. Бу икки тил туркий тилларнинг шарқий, яъни қирғиз-қипчоқ тармоғини ташкил қилади.

Туркий тилларнинг миллий тилларга ажралиши XIII-XIV асрларда - мўғиллар босқинидан кейин тезлашди. Шунга кўра, бу тиллар орасида ўхшашлик ва

фарқлар қадимда мавжуд бўлганидек, ҳозирги кунда ҳам яшаб келмоқда.

Бундан ташқари, болқон турклари ва усмонли турклар ҳам мавжуд бўлиб, улар МДХ мамлакатларидан ташқарида яшайдилар ва олтинчи гуруҳни ташкил қилишади.

Болқон туркларига македония гагаузлари (6 м. к.) ҳамда сурғучлар (9 м. к.) киради. Уларнинг тилида ўғуз тили унсурлари сақланган бўлиб, ҳозирги гагауз тилига бир оз яқин туради.

Турклар (50 млн. к.) ҳозирги Туркия давлатининг маҳаллий аҳолиси бўлиб, улар Болгария, Славения, Кипр, Греция, Эрон, Сурия каби мамлакатларда ҳам истиқомат қилишади. Уларнинг тили ўғуз тилининг ўғуз-салжук кичик гуруҳига мансуб.

Биз мазкур ўқув қўлланмада Шарқий Хунн ва Ғарбий Хунн тармоқларига кирувчи ва, айни пайтда, энг қадимги туркий тил белгиларини то ҳануз ўзида сақлаб келаётган туркий тилларнинг лисоний белгиларини ёритишга ҳаркат қиламиз.

I БОБ

ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ

Тилларнинг ривожланиши ва такомиллашуви халқ тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Тиллар жамият ривожини билан биргаликда тараққий қилиб боради.

Қабила иттифоқининг юзага келиш жараёни ва турли уруғ-қабилаларнинг бирлашиши, уларнинг парчаланиши ва бирикиши, шунингдек, тилларининг бир-бири билан алоқаси натижасида лаҳжалар, шевалар битта қабила тилига бирлашган. Бу шева, лаҳжалар умумий лугат бойлигига ва грамматик қурилишга эга бўлди. Оқибатда бу ўзгаришлар асосий лаҳжа элат тили ёки миллий тилни юзага келтирди.

Уруғ ва қабила тилларининг, шунингдек, миллий тилларнинг ривожланиши туркий тиллар учун ҳам характерли. Туркий уруғ ва қабилаларининг бирлашиши ва парчаланиши III асрдан ва аниқ маълумотларга таянадиган бўлсак, VI асрдан XV-XVI асрларгача давом этди ва ниҳоят, миллий тиллар вужудга келди.

Шундай қилиб, муайян халқнинг юзага келиши, биринчидан, уруғ-қабила тузилишининг, иккинчидан, шу уруғ ёки қабила тилининг мерос бўлиб қолиши билан боғлиқ. Бироқ муайян қабила ва элатнинг аралашиб ёки чатишиб кетишига, унинг тилида субстратнинг мавжуд бўлиши унчалик катта таъсир кўрсатмайди (масалан, карагаслар ёки тувалар тили).

Ҳар бир тил учун асос бўлган тил ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, қорақалпоқ тили учун асос (ўзак) тил қипчоқ-нўғай тили бирлиги бўлган, XIV-XVI асрдан бошлаб асос тил қипчоқ тилига айланган, XIV-XV асрларда эса Фарбий Хунн тили асос бўлган, бу тилни синчиклаб ўрганиш, унда мўғул, тунгус-манчжур, ҳатто, олтой тилининг белгилари борлигини ҳам кўрсатади.

Шуниси характерлики, муайян қабила иттифоқи ёки элат тили билан ишлаб чиқариш орасида узвий алоқадорлик мавжуд. Масалан, кўчманчи турк халқлари чорвачилик билан шугулланишган ва улар тилида шевалар орасидаги фарқлар анча кам. Ўтроқ туркий халқлар эса қишлоқ хўжалиги билан шугулланишган ва

уларнинг тилида ички фарқ жуда катта. Масалан, қозоқ тилида ички фарқ анча кам, ўзбек тилида эса бу хусусият жуда катта. Қозоқ халқи XX аср бошларигача уруғ-қабилачилик хусусиятларини яхши сақлаган эди. Ўзбек ва уйғур халқлари эса уруғ-қабилачиликни унутишган. Шунинг учун ҳам уйғурлар одамларни яшаш жойи билан аташади, яъни, қашқарликлар, турфонликлар, ёркентликлар каби.

Шу билан бирга, баъзи бир туркий тиллар гуруҳи ривожини учун уларнинг диалектик қурилиши муҳим омил бўлган. Уларнинг диалектик асосининг шаклланишида ички имкониятлардан ташқари, ташқи факторлар ҳам таъсир этган.

1. Бир-бирига яқин лаҳжали тиллар тизими.
Биринчидан, туркий халқларнинг айрим гуруҳлари ўз тилларида, қабила-уруғ тиллари хусусиятларини феодалистик тузумнинг охиригача ё унутишган ёки сақлаб қолишган. Туркий тилларнинг энг қадимги диалектик қурилишини ижтимоий ўзгаришлар юзага келтирди.

Иккинчидан, шу халқ диалектик қурилиши унинг уруғ-қабила таркибининг бир-бирига ўхшаш ёки ўхшамаслигига боғлиқ. Масалан, туркманлар уруғ-қабила тузимига кўра бир-бирига яқин, улар келиб чиқишига кўра ўғузлардир. Ўзбеклар эса учта катта қабила гуруҳидан келиб чиққан: қарлуқ, ўғуз, қипчоқ.

Учинчидан, айрим халқларнинг диалектик қурилишида уруғчилик тузимининг қолдиқлари сақланмаган ёки мазкур халқлар шеваси шу ҳудудда яшовчи бошқа шевалар билан тўғри келмайди. Бироқ ривожланиш жиҳатидан шу ҳудудда яшовчи бошқа халқлар тиллари билан ҳамкорликда, алоқадорликда олдинга силжишди. Масалан, уйғур халқлари тили феодализм давридаёқ элат тили сифатида ривожланган ва уруғчилик қолдиқларини унутган. Қорақалпоқ тили уруғ-қабила тузилиши жиҳатдан бир-бирига яқин таркибида бир қанча шевалар бор, бироқ бошқа қўшни тиллар билан биргаликда ривожланган.

Тўртинчидан, ҳар бир тилнинг диалектик тузилиши турли хил субстратларнинг таъсири билан характерланади:

а) халқнинг уруғ-қабилачилик хусусиятларини

яхши сақлаган лаҳжалар. Бундай лаҳжалар иккига бўлинади: а) хакас тилининг шевалари (бу лаҳжа ўзида соғай (балтир), қочин, қизил, шор лаҳжа ва шевалари билан) уйғур уруғлари ва қабилаларининг бир-бирига яқин диалектлари асосида 1917 йилдан кейин ягона хакас элат тилини ташкил қилди.

б) туркман тилининг шевалар тизими. Бу тизим ўғуз лаҳжасининг бир-бирига яқин йомуд, така, гўклан, салир, сариқ, эрсари каби шевалари асосида туркман халқ тилини шакллантирган. Бироқ бу тилнинг шаклланишида ташқи факторларнинг, хусусан, Эрон диалектларидан нохурли, анаули, ҳасарлиларнинг таъсири ҳам мавжуд.

2. Бир-бирига яқин бўлмаган қабил диалектларидан тузилган тиллар тизими:

а) тоғли олтой тили, бу бир-бирига яқин бўлмаган икки лаҳжани ўз ичига олади: 1) шимолий гуруҳ шевалари (қадимги уйғур қабилалари асосида шаклланган туба, куманди, гуклан шевалари); 2) жанубий гуруҳ шевалари (келиб чиқиш жиҳатидан қадимги қирғиз қабилалари шевалари бўлмиш олтой (уйрот), телеут, теленгит шевалари). б) ўзбек тилининг диалектлар тизими: 1) ўғуз; 2) қарлук; 3) қипчоқ.

Айрим халқнинг этник тузилишида уруғ-қабил излари сақланган бўлса-да, шева ва лаҳжалари ҳудудий белгиларига қараб белгиланади. Бу ҳам турлича бўлади.

1. Шева ва лаҳжалари бир-бирига яқин қабил хусусиятлари асосида тузилган, асосий фарқлари ҳудудий белгилари деб белгиланадиган тиллар:

а) қирғиз тили тарихан қадимги қирғиз тили икки асосий диалект билан боғлиқ: 1) қабил тилининг айрим хусусиятларини сақлаб қолган шимолий лаҳжа; 2) ўзбек тили билан алоқадорликда вужудга келган жанубий лаҳжа; б) ўзида уруғ-қабил белгиларини яхши сақлаб қолган, аммо дифференцияси уруғ-қабил белгилари асосида эмас, балки ҳудудий белгилари асосида ривожланган шевалар тизими: бундай ривожланишни қозоқ, қорақалпоқ ёки нўғай тиллари мисолида кўриш мумкин. Масалан, қозоқ тили уч асосий ҳудудий диалектга эга: 1) шимолий-шарқий; 2) жанубий; 3) ғарбий;

2. Халқ тилларининг уруғ-қабил белгиларини

сақлаган бўлса ҳам, бир хил бўлмаган уруғ-қабил белгиларига асосланадиган шевалар тизими.

3. Уруғ-қабил белгиларини сақлаган бўлса ҳам, шева ва лаҳжалари бир-бирига яқин бўлмаган халқлар тилининг диалектик тизими. Бундай тиллар тизимига ҳудудий белгилар асос қилиниб олинади. Бу хусусият тува тилининг диалектик тизимига хос:

1) марказий шева (адабий тил учун асос бўлган шева); 2) ғарбий шева (олтой тилининг таъсири мавжуд); 3) шимолий-шарқий шева (овчилик лексикаси билан характерли); 4) жанубий-шарқий шева (мўғул тилининг таъсири кучли); 5) кахема шеваси (жанубий ва шарқий шевалари ўртасида туради). Бу шевалар тизимининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар: биринчидан, тува халқининг этник жиҳатдан бир-бирига яқин бўлмаган этник составнинг турли-туманлиги; иккинчидан, марказий шевалар учун характерли белгиларнинг мавжуд эмаслиги.

Айрим туркий тиллар уруғ-қабилчилик белгиларини ва номланишини тўлиқ йўқотишди. Бу процесс туркий тиллар тараққиётида ўтган аср охирида юз берди. Мазкур халқлар (қипчоқлар ва ўғузлар) нинг қадимги уруғ-қабил иттифоқидан олдинги белги хусусиятлари уларнинг тилларининг умумий белгиларидан аниқланади. Бу тилларнинг лаҳжалари ҳудудий алоқадорлик туфайли бир-бирига яқинлашади. Шева ва лаҳжалар тизимининг шу хусусияти ўзида икки хусусиятни жам этади.

1. Халқларнинг этник тизими бир-бирига яқин шевалардан иборат бўлади. Мазкур тиллар шева ва лаҳжа белгиларининг бир-бирига сингиб кетиши халқлар тарихининг кейинги даврларига тегишли бўлиб, у ҳудудий алоқадорлик асосида юзага келган. Бундай хусусият қуйидаги тилларга хос:

а) қўмиқ тили (келиб чиқиши жиҳатдан қипчоқ) бўйноқ (адабий тил учун асос бўлган) қайтоқ, хасавюрт шеваларидан ва женгутал лаҳжасидан иборат бўлиб, уларнинг бўлиниб кетишига ҳудудий тарқоқлик сабаб бўлган; б) тилларнинг этник асоси бир-бирига яқин бўлган ҳамда мазкур халқлар тарихининг кейинги даврларида ривожланган ва миллийлик кашф этган шева ва лаҳжалар тизимига эга тиллар. Масалан, татар тили

(келиб чиқиши қипчоқ)нинг лаҳжалари *ўрта* татар тили (адабий тил учун асос бўлган) *ғарбий* (мишар) татар тили, *шимолий* татар тили (сибир татарлари тили)ларининг ҳудудий фарқлари катта, шунинг учун бир-бирига тўғри келмаслиги билан характерлидир.

2. Этник тузилиш бўйича бир-бирига яқин бўлмаган туркий тилларнинг шева ва лаҳжалари тизими. Бундай халқлар тилларидаги лаҳжаларнинг фарқли белгилари икки хил: *биринчидан*, уларнинг келиб чиқиши шу тиллар таркибига кирувчи баъзи этник гуруҳларига хос, *иккинчидан*, тиллар ҳамкорлигининг кейинги, яъни иқтисодий марказларнинг юзага келиши даврида юзага келган лаҳжалар асосида пайдо бўлган. Бу хусусиятни қуйидаги тиллар мисолида кўриш мумкин:

а) *чуваш тили* (фин тили субстратига эга бўлган булғор) *юқори* (вирыял), *қуйи* (анатри) лаҳжаларига эга. Бу лаҳжаларнинг ҳудудий белгилари этногенетик таркиб жиҳатидан бир-бирига яқин эмас, улар (булғор қабилалари ва булғорлашган қипчоқлар ва угор-фин этник гуруҳлари) ҳисобланади. Ёки ёқут тилининг (мўғул ва эвенк тилларини таъсирига учраган) лаҳжалари қуйидагилар: 1) марказий гуруҳ шевалари (о лашган ва а лашган); 2) вилюй гуруҳи шевалари (олектмен лаҳжаси билан); 3) юқори лаҳжалар; 4) долган этник гуруҳидаги долган лаҳжаси;

б) феодализм тузуми даврида миллий тил даражасига етган халқларнинг тиллари. Масалан, *озарбайжон тили* қуйидаги шевалари билан ушбу гуруҳга мансуб: 1) шарқий гуруҳ (кубан, боку, шамохин шевалари ва муғон ҳамда ленқоран шевалари); 2) ғарбий гуруҳ (қозоҳ, ганжа, қарабоғ ва айрум шеваси); 3) шимолий гуруҳ (нуҳин шевалари ва зақатал қозоҳ шевалари); 4) жанубий гуруҳ (нахчиван, урдубод, табриз ва ереван шеваси); 5) алмашиниб турувчи (геокчой, агдаш, жаброил шевалари.) Бу гуруҳга янги уйғур тили ҳам мисол бўла олади.

Тилларнинг тараққиёти ва шаклланишида ўзига хос хусусиятларидан бири, айниқса, лексика соҳасида айрим тиллар ёки тиллар гуруҳи учун диннинг таъсири кучли бўлганлигидир. Сибир татарларигача ислом дини етиб бормаган, бироқ уларнинг тилида мўғул тилининг

ўнсурлари ўз аксини топган: Бу хусусиятни Марказий Осиё туркий халқларининг тилида араб ва форс тилларининг кучли таъсирида ҳам кўриш мумкин.

Тиллар тарихини ўрганишда қардош тилларнинг лексикасида ёки грамматикасида умумийликнинг бор бўлиши бу халқларнинг узоқ тарихида боғлиқлик мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Жамиятнинг ривожланиши билан уруғ ва қabila муносабатлари ҳам ривожланиб борди, натижада элат ва халқ тиллари юзага келди. Бу тилларнинг луғат бойлиги, грамматик қурилиши асосан сақланган бўлса-да, қabila ва уруғларнинг ўзаро алоқалари натижасида бу жабҳа бир қанча ички ўзгаришларга юз тута борди. Масалан, олтой, туркман, яна ҳам қадимийроқ тил ҳисобланган чуваш, ёқут тиллари турли генетик ва ҳудудий алоқаларга қарамай, ўзининг луғат бойлиги ва грамматик қурилишни сақлаб қолдилар. Аммо бу тилларда фонетик ўзгаришлар ҳам юз берган. Бундай далиллар туркий тилларнинг бир-бирига қардош эканлигидан гувоҳлик беради.

Туркий тилларнинг грамматик қурилиши ҳамда асосий луғат бойлиги умумий бўлиб, улар қардош, ягона қabila тили замирида шаклланган, янада аниқроқ қилиб айтганда, ягона уруғ тили бу тилларнинг асосини ташкил этади. Бироқ бу тилларнинг юзага келишига қардош ва қардош бўлмаган тилларнинг (олтой — мўғул, туркман — эрон, чуваш — угор-фин, ёқут — мўғул ёки тунгус — манчжур) ўзаро алоқаси бир қанча турли-туманликларни келтириб чиқарди.

Туркий тиллар гуруҳининг лингвистик асослари XIX асрнинг бошларига қадар кам ўрганилган эди. Вунга сабаб, биринчидан, туркий тилларнинг кам ўрганилганлиги, далилларнинг етарли бўлмаганлиги бўлса, иккинчи томондан; бу тилларга оид манбаларнинг камлиги эди. Кейинги пайтларда бу бўшлиқни тўлдириш учун туркий тиллар тарихини мазкур халқларнинг тарихи билан алоқадорликда ўрганиш юзага келди. Туркий тилларда битилган ёдгорликларни текширишлар нафақат бу тиллар тарихи ва ривожланишини, балки кўп йиллар мобайнида юзага келган фонетик ўзгаришлар сабабини аниқлаш имкониятини берди.

Турк, мўғул, тунгус-манчжур тиллари тарихини

тарихий чогиштирув асосида ўрганиш (М. А. Кастрен, В. В. Бартольд, В. В. Радлов, П. М. Мелиоранский, С. Е. Малов, Б. Я. Владимирцов, Г. Рамстедт, В. Котвич, К. Грэнбах, А. Жаъфарўгли каби олимларнинг фикрига таяниб, туркий тиллар тарихини қуйидаги олти даврга бўлиш мумкин: 1) Олтой даври (эрадан олдинги III асргача); 2) Хунн даври (эрадан олдинги III асрдан эрамининг V асригача); 3) Қадимги турк даври (X-XV асрлар); 4) Янги турк даври ёки миллий тилларнинг ривожланиши ва шаклланиши даври (XV-XX асрлар); 5) Энг янги турк тили даври ёки туркий тилларнинг 1917 йилдан кейинги ривожланиши даври.

II БОБ

ОЛТОЙ ДАВРИ

Туркий тиллар тараққиётининг энг қадимги даври олтой тили давридир. Бу давр илмий жиҳатдан ҳам тўлиқ асосланмаган. Олтой тили даврида туркий тиллар мўғул ва тунгус-манчжур тилларидан ажралиб чиқмаган эди. «...мўғул тили туркий ва тунгус тиллар билан,— деб ёзган эди академик Б. Я. Владимирцов, — биз шартли олтой деб атайдиган бобо тилнинг бир шахобчасидир. Олтой тили маълум эмас, аммо олтой тиллар маълум, яъни мўғул, турк ва тунгус тиллари шу олтой тилидан ривожланган»¹.

Энг қадимги тил ҳисобланмиш олтой тилининг фонетик, лексик ва грамматик белгилари ҳозирги туркий, мўғул ва тунгус манчжур тилларида сақланиб қолган.

Олтой даври фанда на тарихий, на лисоний ёдгорликлар билан асосланган. Мавжуд маълумотлар ҳам ўша даврнинг тил қонуниятлари ҳақида аниқ маълумот бермайди. Олтой тили хусусиятлари борасидаги барча ҳукмлар тахминий бўлиб, улар қадимги ўлик тилларни ҳамда ҳозир истеъмолда бўлган тилларни тарихий-қийсий метод асосида чогиштириш билан келтириб чиқарилган. Бундай ҳукм ва хулосалар, бир томондан, тунгус-манчжур тилларини, иккинчи томондан, турк-мўғул тилларининг кейинги даврда юзага келган дифференцияси асосида пайдо бўлган. Бу тиллар дифференциал белгиларининг энг қадимги ва характерлиси ундошларнинг мувофиқ келишидир (ҳозирги тиллар мисолида). Тунгус тилидаги *m* манчжур тилидаги *s* турк ва мўғул тилларида *u* дан олдин қўлланадиган *ч-ш* га мос келади. Баъзи туркий тилларда олтой тилининг қадимги белгилари сақланиб қолган. Масалан, ёқут, хакас (сағай ва балтир шеваларида) ва бошқирда, тунгус тилларидаги *m* манчжур тилидаги *s* ундошига мувофиқ келади. Яъни тунгус тилида *гутин* ва манчжур тилида *гусин* сўзлари

¹ Б. Я. Владимирцов. Сравнительная граматика монгольского письменного языка халхаского наречия. -Л. 1929, с. 45.

тарихий чогиштирув асосида ўрганиш (М. А. Кастрен, В. В. Бартольд, В. В. Радлов, П. М. Мелиоранский, С. Е. Малов, Б. Я. Владимирцов, Г. Рамстедт, В. Котвич, К. Грэнбах, А. Жаъфарўгли каби олимларнинг фикрига таяниб, туркий тиллар тарихини қуйидаги олти даврга бўлиш мумкин: 1) Олтой даври (эрадан олдинги III асргача); 2) Хунн даври (эрадан олдинги III асрдан эрамизнинг V асригача); 3) Қадимги турк даври (X-XV асрлар); 4) Янги турк даври ёки миллий тилларнинг ривожланиши ва шаклланиши даври (XV-XX асрлар); 5) Янги турк тили даври ёки туркий тилларнинг 1917 йилдан кейинги ривожи даври.

II БОБ

ОЛТОЙ ДАВРИ

Туркий тиллар тараққиётининг энг қадимги даври олтой тили давридир. Бу давр илмий жиҳатдан ҳам тўлиқ асосланмаган. Олтой тили даврида туркий тиллар мўғул ва тунгус-манчжур тилларидан ажралиб чиқмаган эди. «...мўғул тили туркий ва тунгус тиллар билан,— деб ёзган эди академик Б. Я. Владимирцов, — биз шартли олтой деб атайдиган бобо тилнинг бир шахобчасидир. Олтой тили маълум эмас, аммо олтой тиллар маълум, яъни мўғул, турк ва тунгус тиллари шу олтой тилидан ривожланган»¹.

Энг қадимги тил ҳисобланмиш олтой тилининг фонетик, лексик ва грамматик белгилари ҳозирги туркий, мўғул ва тунгус манчжур тилларида сақланиб қолган.

Олтой даври фанда на тарихий, на лисоний ёдгорликлар билан асосланган. Мавжуд маълумотлар ҳам ўша даврнинг тил қонуниятлари ҳақида аниқ маълумот бермайди. Олтой тили хусусиялари борасидаги барча ҳукмлар тахминий бўлиб, улар қадимги ўлик тилларни ҳамда ҳозир истеъмолда бўлган тилларни тарихий- қиёсий метод асосида чогиштириш билан келтириб чиқарилган. Бундай ҳукм ва хулосалар, бир томондан, тунгус-манчжур тилларини, иккинчи томондан, турк-мўғул тилларининг кейинги даврда юзага келган дифференцияси асосида пайдо бўлган. Бу тиллар дифференциал белгиларининг энг қадимги ва характерлиси ундошларнинг мувофиқ келишидир (ҳозирги тиллар мисолида). Тунгус тилидаги *m* манчжур тилидаги *s* турк ва мўғул тилларида *u* дан олдин қўлланадиган *ч-ш* га мос келади. Баъзи туркий тилларда олтой тилининг қадимги белгилари сақланиб қолган. Масалан, ёқут, хакас (сағай ва балтир шеваларида) ва бошқирд, тунгус тилларидаги *m* манчжур тилидаги *s* ундошига мувофиқ келади. Яъни тунгус тилида *гутин* ва манчжур тилида *гусин* сўзлари

¹ Б.Я. Владимирцов. Сравнительная граматика монгольского письменного языка халхаского наречия. -Л. 1929, с. 45.

мўгул тилидаги *гучин* сўзига тўғри келади; манчжур тилидаги *хусун* мўгул тилида *кучин*, ҳозирги олтой тилида *куч* «куч» (сила) сўзига шаклан ўхшаш, (қиёсланг хакас тилида *күс* ёқут тилида *күүс*, бошқирд тилида *кос* (күс) «куч». Бу маълумотлар ёқут, хакас ва бошқирд тиллари билан тўнгул-манчжур тиллари орасида қадимдан генетик алоқа мавжудлигидан далолат беради.

Шу билан бирга, Олтой даври туркий тиллар тараққиётида, бир томондан, турк, мўгул, тунгул-манчжур тилларига бўлинган умумий тил бўлганлиги билан, иккинчи томондан, бир умумий тилнинг иккига: 1) турк, мўгул; 2) тунгул-манчжур тилларига бўлиниши билан характерланади. Бу тиллар ажралиш жараёнида ўзига хос фонетик, лексик ва грамматик белгиларга эга бўлишиди.

Фонетика соҳасида юқоридаги ҳолатларни назарда тутиб тилларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) *ч-ш* (*с*) ловчи турк-мўгул тиллари; б) *т* ловчи тунгул-манчжур тиллари.

Кўринадики, Олтой даврида нафақат тунгул-манчжур гуруҳининг тўлиқ гуруҳга ажралиши ниҳоясига етди, ҳатто турк ва мўгул тилларининг фарқланиши ҳам шаклланиб бўлди.

Юқорида келтирилган далиллар, бир томондан, ҳозирги мўгул тиллари, иккинчи томондан, барча туркий тиллар ўзига хос фонетик белгиларга эга бўлганлигини кўрсатади. Мўгул тилларидаги *р* ва *л* ундошлари туркий тиллардаги *з* ва *ш* алмашиниши бу тиллар орасида яқинликни кўрсатади; *р* ва *л* ундошларининг қўлланиши баъзи бир туркий тилларда, хусусан, қадимги булгор ва ҳозирги чуваш тилида сақланиб қолган. Шунингдек, ҳозирги туркий ёқут, хакас ва бошқирд тилларида *т-с* ундоши мувофиқлиги сақланган ва ҳамон мавжуд. Масалан: *күүч*, *күс*, *кос* «куч».

Қадимги умумфонетик белгилар *р-з* ва *л-ш/с* тунгул-манчжур тилларида бўлгани каби мўгул тилларида ишлатилади. Бу ҳолат ҳозирги чуваш тилида ҳозир ҳам истеъмолда. Масалан:

Чуваш тилидаги *р*

вѣрѣм
вѣрах
ѣѣр
кѣр
пѣр
тѣр
хѣр
хур
хўран
чѣр
1) «*тизза/тиз*»
2) «*сизмоқ*»
сѣр
шур
сѣр

Бошқа туркий тиллардаги *з*

«узун» узун
«узоқ» узақ
«из» из
«куз» куз
«муз» буз
«тизмоқ» гиз
«қиз» қыз
«гоз» қаз
«қозон» қазан

гиз
сыз-
«сузиб ўтмоқ» суз
«ботқоқ» саз
«юз» ўуз

Чуваш тилидаги *л*

сул
пилек
тѣл

тѣлѣк
хѣл
чул
шѣл
алѣк
илт

Бошқа туркий тиллардаги *ш/с*

«йил» йаш / жас
«беш» беш / бес
«вақт» туш / тус
«жой»
«мақсағ»
«туш» туш / тус
«қиш» қыш / қыс
«тош» таш / тас
«тиш» тиш / тил
«эшик» ешик / есик
«эшит» ешит / есит

Шу билан бирга, *р-з* ва *л-ш/с* мослиги нафақат чуваш тилида, балки бошқа туркий тилларда ҳам бу мосликнинг излари синонимлар сифатида бошқа сема қабул қилган бошқа сўз сифатида яшаб келади. Бу алоқадорликни тиклаш ҳозир анча мураккаблик касб этади. Фикримизнинг исботи учун *р-з* ва *л-ш/с* ундошларининг алмашиниши келишини олиб кўрайлик. Мисоллар: чуваш. ул — умумтурк йаш 1) «йил» «ёш»; 2) «кўз ёши»; умумтуркий тилларда, биринчидан; йаш «йил», «ёш» ва иккинчидан, «йил»; чуваш. пилек умум-

туркий тилларда *беш* «беш»; биринчидан, умумтуркий тилларда *беш* «беш» ва иккинчидан, *билек* «билак» шунингдек, қадимги *көр* «кўрмоқ» ва *көз* «кўз», *йерт* «издан юрмоқ», «из олиш» ва *из* «из».

Қадимги *p* (мўғул тиллари ва туркий тилларнинг булғор гуруҳи тиллари учун характерли) чуваш тили каби бошқа туркий тиллардаги *з* га тўғри келади ҳамда *g* ва *й* ундошларининг мослиги туркий тиллардаги *p-з/с/g/m/й* қадимги даврдан сақланган мерос бўлиб, бу туркий тилларнинг фарқланиши асосида бир неча гуруҳ тилларининг шаклланишига асос бўлди. Мисол қилиб, чуваш тили билан бошқа туркий тиллардаги *p-й* мослигини олиб кўрайлик: *шар-* (*сий-*) «сиймоқ», *ура*, (*айақ*) «оёқ»; *керу* (*куйев*) «куёв»; *сар* (*йай*) «ёймоқ»; *хўран* (*қазан*) «қозон», *ыра* (*уйи/уйгу*) «яхши», шунингдек, *p-g/m* мослигига мисоллар: *арак* (*-етек*) «этак»; *вар* (*-ат*) «отмоқ».

Шунингдек, *p-с/з/g/m/й* мослиги нафақат айрим гуруҳларга мансуб бўлган туркий тиллар учун айрим олинган бир тил лексикасининг ички қурилиши учун ҳам характерлидир. Масалан, қиёсланг: *айақ* «қадақ», «сўнг», «тамом», *оёқ* бошқа туркий тилларда *агақ* «охирги» — олтой тилида. Демак, олтой давридаёқ турк-мўғул тиллари *p-л* белгили тиллар билан мўғул қабила тилларига, туркий тиллар *з-ш/с* белгили тил билан туркий қабила тилларига ажралди. Жумладан, ўғурлар, сарағурлар, қотирғурлар туркий қабила сифатида шаклланишди (қиёсланг: булғорлар, уйғурлар). Олтой ва Хунн давларида оғур-уйғур-оғуз атамаларининг фарқланиши юзага келди (мўғул, булғор-турк тиллари учун ротацизм сақланган).

ХУНН ДАВРИ

Хунн даври (эрамизгача III асрдан эрамизнинг IV асригача) қабила иттифоқининг кучли бирлашуви ва ривожланиши билан характерланади ҳамда Хунн Империяси деб юритилади. Бу империянинг ҳудуди Марказий Осиёдан Шарқий Европагача чўзилган эди ва кўп сонли турк мўғул, тунгус, манчжур, энг асосийси, туркий қабилаларни бирлаштирган эди. У Шарқий Европада эрамизнинг биринчи асригача яшади.

Эрамизнинг биринчи асрининг ўрталарига келиб Хунн давлати ўзаро урушлар ва сиянбийликларнинг хужуми таъсири натижасида қулади ҳамда Фарбий ва Шарқий Хунн давлатларига бўлинди. Кейинроқ турклар бошчилигида шарқ ва гарбда бир қанча қабила иттифоқлари вужудга келди.

I-IV асрлардаги Шарқий Осиё халқларининг тили ҳозиргача фан олами учун мавҳум бўлиб қолмоқда. Бизгача етиб келган хитойларнинг айрим сўзларнинг транслитирацияси қадимги туркий халқларнинг тили ҳақида аниқ маълумот бера олмайди. П. Пеллионинг уқтиришича, хитой адабиётларида қайд қилинадик, эрамизнинг бошларида хитойлар томонидан бошқа халқлар тилига оид бир қанча лугатлар тузилган. Келиб чиқиши туркий бўлган сиянбийлар тилидаги лугатлар ҳам шу фикрнинг исботи ҳисобланади. Мазкур фикрга асосланадиган бўлсак, бу лугатлар туркий тилдаги энг қадимги ёзма ёдгорлик ҳисобланади.

В. Б. Бартольднинг фикрига қараганда, туркий тиллар гуруҳидаги тиллар орасида қатъий чегара аниқ бўлмаган пайтда хунн тили генетик жиҳатдан чуваш тилига яқин бўлган, бу фикрни венгер тилида туркий тил элементларининг мавжудлиги ҳам исботлайди.

Хунн даври турли қабила тилларининг шаклланиш ва аралашув процесси бўлди. Яъни, хитой, санскрит, славян, қадимги Эрон лаҳжалари юзага келиши каби туркий, мўғул, тунгус-манчжур гуруҳи тиллари Хунн даврини ташкил қилади. Бу тилда Шарқий Европа, Ўрта ва Марказий Осиёда яшовчи кўплаб қабилалар гаплашган. Шарқда жойлашган туркий қабилалар тилларига хитой ва санскрит тилларининг таъсири катта, гарбда яшовчи турк қабилаларининг тилида энг қадимги Эрон ва славян тилларининг таъсири кучли.

Бу даврда туркий тилларнинг грамматик қурилишида, лугат бойлигида кўшни қабила иттифоқларининг тунгус-манчжур ва мўғул тилларининг таъсири кучли бўлганидек, хитой, санскрит ва қадимги Эрон тилларининг таъсири катта, гарбда яшовчи турк қабилаларининг тилида эса қадимги Эрон ва славян тилларининг таъсири кучли бўлган.

Бу даврда туркий тилларнинг грамматик қурилишида, кўшни қабила иттифоқларининг тунгус-

манчжур ва мўғул тилларининг таъсири кучли бўганидек, Хитой, санскрит ва қадимги Эрон тилларининг таъсири ҳам сезиларли эди. Бу таъсир ҳозирги туркий тилларда ёрқин сақланиб қолган.

Барча турк, мўғул, тунгус-манчжур лаҳжалари лексикасининг энг қадимги қатламида маиший, хўжалик ишлари билан алоқадор бўлган сўзлар сақланиб қолган. Масалан: а) Турк, манчжур тилларидаги лексик умумийликлар: *олт.* буга/бука «буқа» *мўғ.* буха, *манч.* буха/буху «хайвон», «буғу», бука, «қўй», *олт.* бол «бўлмоқ» *мўғ.* бол «бўлмоқ», «қилмоқ», «солиштирмоқ», *манч.* бола «қовурмоқ», *олт.* тала «томон», дъалаң «чўл», *мўғ.* тала «водий», *манч.* тала «чўл», «водий».

Турк, мўғул, тунгус-манчжур тилларининг грамматик қурилишида бундай умумийликлар кам эмас. Масалан, урхун битикларидаги тушум келишиги қўшимчаси *-ығ/-иг* ғарбий мўғул тилларида ҳам мавжуд.

Бу тиллар учун умумий бўлган қуйидаги сўз ясовчи қўшимчалар учрайди:

а) нарса-жисм номини ясовчи қўшимчалар *-гур/гүр*; *-ти* (<турк. *-ма/-ме*); *-г* (турк. *-ық/ик*); *-с* (турк. *-ыш/-иш/-ис/ыс*, ҳаракат номи ясовчи); *-т* (турк. *-ым-им/ -м*);

б) ҳаракатдан белги номини ясовчи: *-п*, (турк. *-ын/-ин*); *-гир* (турк. *-гыр/-гир*);

в) мавҳум от ясовчи: *-лиғ/лиг* (турк. *-лык/-лик*).

г) касб-ҳунар оти ясовчи: *-чи/чин* (турк. *-чи/чы/-шы/-ши*).

Бундан ташқари, бу тиллар учун умумий бўлган санскрит, хитой ва бошқа тиллардаги лексик алмашинувлар туркий тиллар тараққиётининг турли даврларида юзага келган.

Хунн даврида туркий тиллар бир қанча қабила тиллари сифатида мавжуд эди. Бу тилларнинг фарқланиши а) *р-л* белгили тиллар: бунга оғурлар (ўғурлар), нўғурлар, сараўғурлар, сарағурлар/сараўғурлар) қўтурғурлар тиллари бўлиб, улар авар, сабир, булгор ва ҳозирги чувашларнинг аждодлари эди; б) *з-ш* белгили тиллар: бунга ўғузлар (узлар) қадимги қирғизлар, уйғур қабилаларининг бир қисми киради. Шарқда яшайдиган бу қабилалардан ўғузлар қипчоқлар ва қарлуқлар юзага келган. Бу тараққиётнинг белгилари ҳозирги олтой

тилида сақланиб қолган. Олтой тилининг фонетик ва лексик қатламида сақланган *р-с/з* ва *л-ш/ж* мослиги Хунн даврининг хусусияти ҳисобланади. Масалан:

р-с/з

дъас «очмоқ», «ёзмоқ», «ажралмоқ»; *дъазил* «очилмоқ», «ёзилмоқ», «ажратмоқ» ва *дъар* «нифоқ солмоқ», «бирлашмоқ», «ёрмоқ», *дъарыл* нифоқ «солинмоқ», «бирлаштирмоқ», «ёрилмоқ», 1) *бас-* «бормоқ», «юрмоқ», «қадам қўймоқ»; 2) «босмоқ», «оғирлигини ташламоқ» ва *бар-* «кетмоқ», «жўнамоқ», *көз*, «кўз» ва *көр-* «кўрмоқ», *бос* «ранги ўчган», «кул ранг», *бозор* «рангсизланмоқ», «кул ранг қилмоқ»; *боро* «оқиш кулранг», «кул ранг». Бундай ҳолат бошқа туркий тилларда ҳам учрайди. Масалан, қорақалпоқ тилида *тус* «кўриниш» ва *тур* «кўриниш»;

л-ш/ж

беш «беш», *белек* «билак», (қиёсланг: чуваш. *пилек* «беш») *быш-* «халақит бермоқ», «далда бермоқ», «махмаданалик қилмоқ» ва *булга* «халақит бермоқ», «аралаштирмоқ», «далда бермоқ»; *быш* «пишмоқ», «улгурмоқ», «қайнатмоқ», «қовурмоқ», «тайёрламоқ»; *быжыр* «печка», «қайнатмоқ», «қавурмоқ», «пиширмоқ» ва *бол-* «бўлмоқ», «турмоқ», (қиёсланг, мўғул.: *бол-* «қайнатмоқ», «қовурмоқ», «пиширмоқ», «бажартирмоқ», «турмоқ», «бўлмоқ»; манчжур. *бола* «қовурмоқ».

Хунн даврида туркий тиллар фарқланиши ва яқинлашуви юз бериб борди; бу тиллар *з-ш* белгили майдалашган қабила тиллари эди.

Маълумки, М. Кошғарий ўз «Девони»да қипчоқ ва ўғуз тилларининг бир-бирига яқин эканлигини, ва аксинча, уйғур қабилалари тилларининг фарқланишини таъкидлайди:

а) *й>ж* мослиги ёки *й* нинг тушиб қолиши. Масалан, ўғуз, қипч. *синсу* (уйғ. тилидаги *йинсу* ўрнида) ёки ўғуз, қипч. *йилиғ сув* (уйғ. *илиғ сув* ўрнида)

б) *м>б* мослиги, масалан, ўғуз., қипчоқ: *мен бердим*, (уйғ. *бен бердим* ўрнида)

М. Кошғарийнинг, биринчидан, қипчоқ ва ўғуз

тиллари, иккинчидан, ўғуз тилларини солиштириши, Хунн даврида бу тиллар фарқланмаганлиги, балки ўғуз-қарлуқ-кипчоқ умумийлигини ташкил қилганлигини кўрсатади. Бу умумийлик, дастлаб, қарлуқ (уйғур), кейинроқ, ўғуз — кипчоқ, ва ниҳоят, ўғуз ва кипчоқ тилларига ажралди.

Демак, туркий тилларнинг Хунн давридаги ҳолатини тахминан шундай тасаввур қилиш ўринлики, бу даврда барча туркий тиллар бир-бирига яқин гуруҳларга бўлинган, Хунн давлатининг бўлиниб кетиши билан эса туркий тиллар ҳам шарқий ва ғарбий тармоқларга ажралган.

ҚАДИМГИ ТУРК ДАВРИ (V-X)

Қадимги турк даври учга бўлинади: тукю даври (V-VIII), қадимги уйғур даври (VIII-IX) ва қадимги қирғиз даври (IX-X). Бу давр турк ва мўғул тилларининг тўла-тўкис ажралганлиги билан характерланади.

Ғарбий хуннлар IV асргача аста-секинлик билан Ғарбий Европа томон силжидилар, улар қаршилик қилган туркий ва туркий бўлмаган ўзга қабилаларни бўйсундириб бордилар. Хуннлар давлати қулагач, бу халқлар Шарқий Европага қарашли булғорлар ва ҳазарлар иттифоқига қўшилишди. Шарқий хуннлар IV асрга келиб (552 йил) туркий қабилалар бўлмиш тукюларни қулатишади ва хуннлар давлати ўрнида кўчманчи Тукю империясини ўрнатадилар. Бу давлатнинг худуди Амударё, Балх, Марв ва Ҳиндистонгача чўзилган эди. Ўзаро урушлар ва Хитойнинг кучайиб кетиши натижасида 580-584 йилларда Тукю давлати иккига: маркази Еттисувда бўлган Ғарбий Тукю ва маркази Мўғулистонда бўлган Шарқий Тукюларга бўлиниб кетади. Иккига ажралиб кетган бу давлат уйғур қабилалари ҳамда Хитой томонидан берилган зарба туфайли ўз мустақиллигини ҳам йўқотди.

Шарқий Тукю VII асрда Хитойга қўшиб олинган бўлса, Ғарбий Тукю яъни, ҳозирги Ғарбий ва Шарқий Туркистон VII асрда дастлаб Хитойга қўшиб олинади, араблар бостириб келгандан кейин эса, VIII аср ўрталарида, араб халифалигига бўйсундирилади. Ғарбий

Тукюнинг шимолий қисми (Еттисувдаги қисми) тиргешларга бўйсундирилади, VII асрда ўғузлар ва қарлуқлар босқинидан сўнг қарлуқлар қўлига ўтди. Бу давлатнинг маркази Чу дарёси бўйидаги Суёбда эди. Ўғузлар ғарбга силжий бориб, VIII асрда Сирдарё ҳавзасидан Қорақум чўлларигача чўзилган давлатларига асос солдилар.

Тукю давлати VIII асрнинг ўрталаригача (628-745 йиллар) яшади. 745 йилда бу давлат уйғурлар томонидан бутунлай мавҳ қилинди.

Тукю давлатининг тили ҳақидаги маълумотларни рус олимлари томонидан топилиб, анча тўлиқ ва тўғри ўрганилганини Урхун-Енисей ёдгорликлари тадқиқидан билиш мумкин. Айниқса, академик Н.Ядринцев томонидан Мўғулистоннинг Урхун водийсидан топилиб, ўрганиб чиқилган далиллари фанимизга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Тошга ўйиб ёзилган Урхун-Енисей ёдгорликлари бир қанча вақт олимлар орасида муаммо бўлиб турди. Бироқ XIX асрнинг охирида даниялик олим В. Томсон ва рус олими, В. В. Радлов ўзаро ҳамкорлик қилишиб, бу ёзувларни ўқишга муваффақ бўлишди. Бундай ёдгорликларнинг энг катталари қуйидагилар:

1) энг қадимги (692-693) ёдгорлик Гудулухон шарафига қўйилган Онгин тоши; 2) Кул Тегин шарафига қўйилган (ёки Билгахон) ёдгорлиги (732); 3) Е. Клеменц 1897 йилда топган Тунюқуқ шарафига қўйилган ёдгорлик; 4) В. Котвич томонидан асосланган бир оз кичик бўлган Кули Чура ёдгорлиги;

2) уйғурлар иттифоқи 682-745 йилларда бутун Шарқий Тукю давлати қабилаларини бирлаштирди. Ғарбий уйғур давлати туркий қабилалари эса уйғур давлатига ҳужум қилдилар ва 840 йилда уни қулатдилар;

3) 840 йилдан X асргача Мўғулистон қора хитойлар ихтиёрида бўлган ва бу давр қирғизлар даври деб аталади. Уйғур давлатининг катта қисми қирғизлар томонга — ғарбга силжишди ва Жунғористонга янги уйғур давлати бўлмиш давлатларини барпо этдилар, бу давлат туғуз уғурлар давлати деб юритилган, у мўғуллар босқинигача яшаб, ўз маданий ютуқларини юзага келтиради.

Тукюларнинг бевосита авлоди бўлган уйғурлар

ўз тилларини акс эттирувчи бир қанча ёдгорликлар қолдирдилар. Бу ёдгорликлар икки даврга хос.

Биринчиси энг қадимги ёдгорликлар қабртошларига ўйиб ёзилган ёзувлар бўлиб, улар ўрхун ёзувлари билан умумийликларга эга. Бу ёдгорликларни Г. Рамстед иккига бўлиб ўрганган: 1) Селинга тоши деб аталувчи Шенеусу чегарасидан топилган ёдгорлик (VIII). Бу ёзув тукюлар инқирозигача бўлган ёзув; 2) Сужи чегарасидаги ёзув бўлиб, у 840-862 йиллар орасида битилган; уйғурлар инқирозигача бўлган ёзув ҳисобланади.

Иккинчи давр ёдгорликлари ёзуви билан фарқланади. Бу ёдгорлик Селенга тоши номи билан аталиб, сўғдлар томонидан қўйилган, улар эса уйғурлар дини ва диний фалсафий мавзусидаги IX-X асрларга оид манихей ва будда ёдгорликларидир: ўша давр адабий тили ҳақида маълумот беради. Бу давр юридик ҳужжатлари эса адабий тил билан халқ жонли тили орасидаги фарқни белгилаш учун жуда қимматли маълумотларни намоён қилади. Бу ҳужжатлар V асрдан VIII асргача ва X аср ҳамда ундан кейинги даврларга тегишли ёдгорликлардир.

Уйғур тили ва ёзуви кейинги давр адабий тиллари ҳақида ҳам маълумот беради: биринчи навбатда, қорахонийлар даври тили (XI-XII), ундан кейин, ўғуз қипчоқ адабий тили (XII-XIII), чигатой тили (XIII-XIV), Олтин Ўрда адабий тили (XIII-XIV), эски ўзбек тили (XV-XIV), эски туркман тили (XVII-XIX) ҳақидаги маълумотларни бизнинг давримизгача етказиб келган. Бу ёзувни ҳозирги уйғурлар ўзлаштиришган ва бугунги кунда ҳам ундан фойдаланадилар.

IX аср ўрталарида кўпгина туркий қабилалар, баъзи бир уйғур ва қирғиз қабилаларидан ташқари, ғарбга томон силжидилар. Энг шарқдаги туркий давлатлар — Мўғулистондан қирғизлар давлати, Жунғористондаги туғуз ўғурлар давлати ва қарлуқлар давлатилари (чигил ва жикил) Еттисувдаги тўхси, яғмо ва аз қабилаларини бирлаштирган эди.

Ғарб ва жанубда — Жанубий Туркистонда (Бухоро Самарқанд, Хоразм, Фарғона ва Қашқадарё) туркий халқлар (тукю ҳамда тиргешларнинг авлодлари) эроний халқлар билан аралаш яшашар эди. Улар VIII асрда

араблар томонидан истило қилиниб, Аббосийлар халифалигига, IX аср охирида эса Сомонийлар таркибига кирдилар. VIII аср охирига келиб, Сирдарёнинг қуйи оқимидан Каспий денгизгача бўлган ҳуАУА кўчманчи ўғузларнинг (тўғуз гузлар, гузлар, узлар) давлати мавжуд эди. Шимолроқда Ёйиқ дарёсининг (Урал) соҳилларида кўчманчи печенеглар яшар эди. Уларнинг Шарқ ва Шимолий шарқида — Иртишнинг ўрта оқимида кўмиқлар (қипчоқ ва ёмиқ қабилалардан иборат) кўчиб юрарди. Қирғизлар эса Енисейда яшарди.

Волганинг ғарбида ва рус чўлларининг шимолида булғорлар, жанубида булғорлар ва ҳазарлар ҳукмронлик қилишар эди. Булғорлар ва ҳазарларнинг тили бир-бирига яқин, аммо туркийлар ҳамда финлар учун тушунарли эмас эди.

IX асрда печенеглар ўғузлар ҳамда кўмиқлар таъйиқи билан қипчоқлар марказини туздилар ва жанубий ғарбга силжиб мадёр ҳамда булғор қабилаларини орадан суриб чиқаришди. Бунинг таъсирида X асрда энг кучли ҳисобланган Ҳазарлар давлати ўз кучини йўқота бошлади.

Бу даврдаги тукю ва уйғур халқларининг кўп ёдгорликлари бизгача етиб келган, бироқ қадимий туркий халқлар бўлган ҳазарлар, булғорлар ва печенеглар тилларининг IV-X асрлардаги ҳолати ҳақида маълумотлар жуда кам. Бу маълумотлар ҳам айрим топонимик, ономастик номлардагина сақланиб қолган, шунингдек, византия, еврей, арман, араб муаллифларининг эсдаликларида, қабртошларда, сопол идишлар деворларида сақланиб қолган. Ҳазар тилининг хусусиятлари Итил, Семендер, Беленжер, Саркел каби шаҳар номларида ҳам сақланган. Бу уруғ ва қабилаларнинг номлари еврей, араб манбаларида ҳам қайд қилинган.

Бу пайтдаги булғор тилининг хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар жуда кам. Мавжуд маълумотлар ҳам унинг фонетик жиҳатдан ҳозирги чуваш тилига яқин бўлганлигини кўрсатади. Бу тил ҳақидаги энг сўнгги маълумотлар XIV асрга оид қабртошларда, шунингдек, анча кейинги даврларда битилган ёзувлар славян-булғор номлари таркибида сақланиб қолган.

Шундай қилиб, бу даврда энг кучли қабилалар

иттифоқлари гарбда ҳазарлар, печенеглар, шарқда эса тукюлар, қадимги уйғурлар ва қирғизларга тегишли эди.

Қадимги турк даврининг энг характерли фонетик хусусияти $p \sim m/g \sim c/z/z' > \dot{y}$ эканлиги билан характерланади. Маҳмуд Кошғарийнинг гувоҳлик беришича, $\dot{y} \sim c/z$ мослиги IX асрга келиб фақат чигил қабиласи тилида сақланган. Масалан, чигил лаҳжасида қарын тозты (бошқа қабилла тилларида қарын тойды); азақ (бошқа қабилла тилларида айақ). Хунн давригача мўғул тилларида мавжуд бўлганидек, ҳозирги чуваш тилида ҳам бу ҳолат сақланган, Хунн даврига келиб туркий тиллардаги $m/g \sim c/z$ белгиси қадимги ва ўрта турк даврларига келиб \dot{y} белгига алмашди. Ҳозир эса m/g ва c/z белгилари туркий тиллардан ёқут, тува, карагас, хакас, шор тилларида ҳамон истеъмолда, уларнинг тилларида ҳам \dot{y} қўлланиши аста-секин кучаймоқда.

T/g ва c/z нинг \dot{y} га ўтиши ҳозирги олтой тилидаги сўз ўзакларида кўринади. Масалан, қиёсланг: қадимги ҳолат (куй «кутмоқ») олтой тилида, бошқа туркий тиллар қадимдан бошлаб (кут «кутмоқ»); қорақалпоқ тилида соз «сўз» ва сойла- «гапир-» (олтой тилида сос «сўз», состо «сўзла»).

Туркий тиллардан фақат олтой, қирғиз ва ўғуз тиллари унлиларининг қадимги тўрттасини ҳозиргача сақлаб қолган ($a-\dot{a}$, $o-\dot{o}$, $y-i$, $y-i$). Ўғуз тиллари билан олтой ҳамда қирғиз тили орасида фарқлар шундаки, шарқий туркий тиллар мўғул тили билан қўшничиликда яшар экан, ундаги унлилар чўзиқлигини сақлаб қолдилар. Бу хусусият олтой, қирғиз (шу жумладан хакас, тува ҳамда ёқут тилларида ҳам) кўринади.

Қадимги ўғуз (урхун), қадимги уйғур ва қадимги қирғиз (енисей) ёдгорликлари гувоҳлик беришича, туркий тиллар қадимги турк даврида бир қанча умумий ўхшашликларга эга эди. Бундай яқинликлар сўз ўртаси ва охирида g/m нинг $\dot{y}-p$ ўрнида қўлланишида кўринади, шунингдек, улар орасидаги яқинлашиш ҳодисаси $n/\eta \sim \dot{y}$ мослигида ҳам кўзга ташланади.

Бундай ҳолат ҳозирги тилларда ҳам сақланган, масалан, қоң «қўй» баъзи тилларда, қой бошқа тилларда қанга баъзи тилларда, қайда бошқа тилларда,

шунингдек, айрим тилларда аниғ, бошқа тилларда айығ «ёмон».

Қадимги турк тили ёдгорликлари фонетик ҳамда морфологик хусусиятларига кўра икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга қадимги уйғур, ўғуз, яъни урхун-енисей ёдгорликлари мансуб бўлиб, улар қуйидаги хусусиятларга эга эди: а) $n//\eta//\dot{y}$ ундошлари-нинг сўз ўртаси ва охирида кам фарқланиши; масалан, аңығ//айығ//анығ «аҳмоқ», «ёмон»; қоң//қон//қой «қўй»; б) сўз охирида g ўрнида b қўлланганлиги, масалан, суб (суг ўрнида), аб (ав ўрнида); в) сўз бошида $m//b$ нинг тенг қўлланиши, масалан, бэн//мэн «мен»; г) равишдошнинг -пан (-ып/-ип шакллари ўрнида) шаклининг қўлланиши; д) иккинчи шахс кўпликдаги ўтган замон қўшимча -тығ/-тығыз; III шахс буйруқ майли -сун/-чун; ж) истак майли шакли -сығ; юкламанинг модал маъноси эринч орқали ифодаланган.

Иккинчи гуруҳга қадимги уйғур тили киради ва у ҳам икки лаҳжага бўлинади: а) биринчиси, n - белгили бўлиб, қадимги уйғур манихей (ёки будда ёдгорликлари)ни ўз ичига олади; иккинчиси, \dot{y} - белгили лаҳжа ҳисобланади ва унга манихейдан кейинги ёки будда ёдгорликлари деб аталувчи брахма ёзувидаги христиан битиклари киради.

n -лаҳжали ёдгорликлар тили қуйидаги хусусиятларга эга: а) айрим қўшимчаларда $-y/-i$ қисқа унлилари ўрнида a/\dot{a} кенг унлиларининг қўлланиши, масалан, қурол-восита келишиги шакли $-an/-\dot{a}n$ нинг $-yn/-in$ ўрнида, тушум келишиги $-ag/-\dot{a}g$ нинг $-yg/-ig$ ўрнида, мавҳум эгалик қўшимчаси $-lag/-\dot{a}g$ нинг $-lyg/-lig$ ўрнида, кўпликдаги II ва III эгалик қўшимчалари $-amaz/-\dot{a}m\dot{a}z$ нинг $-ymyz/-imyz$ ўрнида ва $-a\dot{a}z/-\dot{a}\dot{a}z$ нинг $-y\dot{y}z/-i\dot{y}z$ ўрнида, I шахс ўтган замон шахс-сон қўшимчаси $-tam/-\dot{t}\dot{a}m$ нинг $-тым/-тим$ ўрнида; II шахс ўтган замон шахс-сон қўшимчаси 2 кўринишда $-тығ/-тығыз$ бўлиши; равишдош қўшимчалари $-пан$ ва $-ып/-ип$; буйруқ майли шакли $-сиг$ шаклида қўлланиши.

\dot{y} лаҳжа, яъни брахма ҳамда будда ва христиан ёзувидаги манихейдан кейинги ёдгорликлар қуйидаги хусусиятларга эга: а) қадимги b ва $g > b'$ га ўтиши, масалан, сув' (суб//суг ўрнида) «сув», ав' (аб ўрнида) «ов»; равишдошнинг янги қўшимчаси $-yn/-in$ (қадимги

-пан ўрнида), истак майли шакли -гулуғ (-сығ ўрнида); д) III шахс буйруқ-истак майли -зун; е) ўтган замон қўшимчаси -тың/-тыңыз (-тығ/-тығиз ўрнида) қўлланган.

Бундан ташқари, брахма ёзувидаги ёзма ёдгорликлар қуйидаги хусусиятларга эга: а) лаб уйғунлигининг иккинчи ва ундан кейинги кенг унлили бўғинларда келиши, масалан: *сүзөк* «тоза»; *көңлөмнөң* «кўнглимининг»; *олороп* «ўтириб», *толо* «тўла»; б) сўз бошида ва охиридаги *қ//г* нинг жарангсиз, сирғалувчи х га ўтиши. Масалан, *хары* «қари», *азых* «қозик тиш» в. б.

й-з-з' мослигининг қорахонийлар давридаги қўлланилишини М. Кошғарий синчковлик билан ўрганганлиги ҳақида гувоҳлик беради: *аз'ақ* «оёқ», қаз'ың «қайин» — чигиллар тилида; *азақ* «оёқ» — булғорлар, суварлар, йомиқлар тилида; *айақ* «оёқ», *қайиң* «қайин» — ўғузлар, яғмолар, тўхсилар, қипчоқлар, татарлар, ябақу қабилалари тилларида.

Ўғуз, уйғур, қирғиз тилларининг кейинги тараққиёти бу тилларнинг анча кеч шакланганлигини кўрсатади; мазкур тиллар грамматик, луғат фонди ва фонетик тизимининг қадимги ҳолатини сақлаш билан бирга, маълум ўзгаришларга ҳам юз тутган.

Қадимги турк даврда тиллар *g/m* белгили, *с/з* белгили ва *й* белгили гуруҳларга бўлинган. Бу гуруҳ тиллари Хунн даврида *р* белгили бўлинганлиги билан ҳам фарқланган; бундай фарқланиш ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

Қадимги ёзма ёдгорликлар тилларининг гувоҳлик беришича, қадимги турк даврида *р* белгили тиллар кўп эди (булғорлар, ҳазарлар ҳамда қадимги уйғурларнинг авлодлари тиллари) ва *g/m* ~ *с/з* белгили тиллар (қадимги қирғизлар тили, қадимги ўғузлар тили ҳамда қадимги уйғурлар тили) ҳам асосий ўринни эгаллар эди, *й* белгили тиллар эса анча кеч, асосан, Ўрта турк даврида, яъни X-XV асрларда шаклланди.

Шундай қилиб, Ўрта турк даврида, яъни X асргача энг катта қабилалар иттифоқлари мавжуд эди, уларнинг тилларини қуйидагича тартибланиш мумкин: а) ғарбда — булғорлар (ҳазарлар билан), қипчоқлар, ўғузлар ҳамда қарлуқлар тили тарқалган. Бу тўрт уруг-қабилалар иттифоқидан ғарбий турк тармоғига кирувчи ҳозирги

тиллар юзага келган; б) шарқда — қадимги уйғур, ўғуз ва қирғизлар тиллари мавжуд эди, бу уч катта уруг-қабилалар иттифоқи тилларидан ҳозирги ғарбий туркий тиллар шаклланди.

ЎРТА ТУРК ЁКИ ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ДАВРИ (X-XV)

Тўртинчи давр ўрта турк даври бўлиб (X-XV), ҳозирги туркий тилларнинг шаклланиб бўлганлиги билан характерланади, яъни X-XV асрларда ҳозирги туркий тилларнинг этник чегараси белгиланди. Бу даврни иккига ажратиш мумкин: қорахонийлар даври (X-XII) ва мўғуллар даври (XIII-XV).

Тарихий ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, X асрга келиб Қорахонийлар династияси ёки Илтиқон давлати ҳимоясида қарлуқ қабилалари иттифоқи кучайиб кетади (Еттисувда). Бу кучли давлатнинг пойтахти олдин Баласоғунда кейин эса Қашқарда эди. Қорахонийларнинг таъсири бутун Сирдарё ҳавзасида, шунингдек, Сомонийлар эгалик қилган Самарқанд ва Бухоронинг ғарбига ҳам ёйилди. Қорахонийлар давлати ўзига майда феодал уйғур князликларини, Амударё-Сирдарё оралиғида яшовчи туркий ва эроний халқларни бирлаштирган эди. У X асрдаги ислом динини қабул қилган Ўрта Осиёда энг маданийлашган турк хоқонлиги эди. Қорахонийларнинг икки маркази бор бўлиб, шарқда — Баласоғун ва Қашқар, ғарбда — Сирдарёнинг ғарбида эди. Бу давлат шарқда — уйғур қабилаларини ва ғарбда — Ўрта Осиёда туркий эроний халқларни бирлаштирган эди. Бу халқларнинг тиллари ўша давр туркий адабий тили характерини белгилар эди. Туркий тилнинг ривожини қорахонийлар давлатида форс адабиётининг кўп тарқалиши учун ёрдам берди. Шарқий адабий тилнинг шаклланиши учун омил бўлди, шунингдек, Хоразмда ўғуз ҳамда қипчоқ диалектининг ривожини учун ҳам муҳим роль ўйнади.

Бу даврнинг асосий адабий ва лисоний ёзма ёдгорлиги буюк филолог-олим М. Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» (1073-74) асари эди. М. Кошга-

рийнинг мазкур асари Ўрта Осиё туркий халқларининг лаҳжаларидаги тил хусусиятларини ўзида мужассам этган. Асарда бой лисоний материаллар мавжуд бўлиши билан бирга, этнографик маълумотлар ҳам кўп. М. Кошғарийнинг шажарасига кўра, барча туркий халқлар шимолий ва жанубий туркий тилларга бўлинади.

Шимолий гуруҳ тиллари ғарбдан шарққа томон жойлашиш ўрнига қараб тартибланади: печенеглар, қипчоқлар, ўғузлар, йомиқлар, бошқирлар, басмиллар, қайлар, ябақлар, татарлар, қирғизлар; жанубий шаҳобчага кирувчи тиллар ҳам ғарбдан шарққа қараб жойлашиш ўрнига кўра белгиланади: чигиллар, тўхсилар, яғмолар, игроқлар, чаруқлар, жумуллар, уйғурлар, хитойлар ва табғачлар. Шулардан соф турклари деб қирғизлар, ўғузлар, қипчоқлар, тўхсилар, яғмолар, чигиллар, игроқлар ва чаруқлар ҳисобланади. Жумул, бисмил, қай, ябақ, татар, хитой, табғачлар эса бошқа тилда гапирдилар дейилади. Ўғузлар ва қипчоқлар тилида *й-ж, м-б, т-ғ* алмашинуви сўз бошида, *қ-х* алмашинуви эса бошқа ҳолатларда содир бўлади, деб кўрсатилади. Қипчоқ, тўхси, яғмо тилларида *ч йўқ*, унинг ўрнида *ш* қўлланади. Бу ҳолат ҳозирги қозоқ, қорақалпоқ, нўғай тилларида мавжуд.

Иккинчи катта ёдгорлик қарлуқ-уйғур диалектида битилган Юсуф Хос Ҳожиб Баласоғунийнинг «Қутадғу билиг» асари бўлиб, бу асар форс фалсафий-ахлоқий руҳидаги пандномадир (1069/70); унинг уч нусхаси бор: Вена, Қоҳира ва Фарғона ёки Наманган нусхалари, уларнинг бири қадимги уйғур, иккитаси араб алифбосида битилган нусхалар ҳисобланади.

Кейинги ёзма ёдгорлик XI асрда қорахонийлар тасарруфига ўтган Сирдарё ҳудудидаги ўғуз ва қипчоқлар тилига мансуб бўлган Хўжа Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» (1166/67) асаридир. XII-XIII асрларда Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳиббатул ҳақойиқ» асари ҳам қипчоқ-ўғуз диалекти асосида битилган, унда уйғур тилининг ҳам таъсири сезилди. Теурийлар салтанати давригача туркий тиллар тарихида икки традиция яшаб келди: биринчиси — шарқий туркий тил (қарлуқ-уйғур), иккинчиси — ғарбий туркий тил (ўғуз, қипчоқ). Шарқий туркий тиллар Рабғузийнинг «Қиссасул анбиё» асарида ўз аксини топди (1310-1311). Ғарбий туркий тил

традициялари эса мўғуллар истилосидан кейин яратилган «Қиссаи Юсуф» (1232) асарида сақланиб қолган.

Оролбўйидаги Қорахонийлар давлати таркибини қарлуқлар ва уйғурлар ташкил этган эди, улар ҳозирги Туркменистон, Ўзбекистон ва Хоразмда яшовчи халқларнинг аجدодлари ҳисобланади.

XI асрга келиб Қорахонийлар давлати ўзаро урушлар натижасида кучсизланди. Бу даврда ўғузлар ва туркман қабилалари кучайиб кетиб, қорахонийлар давлатининг Қашқар ҳудудини ўзларига бўйсундирадидлар.

Шу пайтдан бошлаб Салжуқийлар ҳаракати ҳам аста-секинлик билан зўрая борди ва XII асрдан бошлаб ўз таъсирини Ғарбга ҳамда Жанубга томон ўтказиб берилади. Натижада улар Арманистон, Кичик Осиёни босиб олдилар ва кейинчалик юзага келган Усманийлар давлатига асос солдилар.

Қадимги ўғуз уруғларининг ҳаёти ва уларнинг тили ҳақида «Девону лугатит турк»дан ташқари «Китоби дада Қўрқуд» ҳамда «Ўғузнома» асарлари гувоҳлик беради.

«Китоби дада Қўрқуд» В. В. Бартольднинг фикрича, мўғуллар босқинигача Кавказда яратилган.

Ўғуз тили ёдгорликларига қадимги турк (усмонли турк) адабиётининг намуналаридан Султон Валад (1226-1312) ҳақидаги салжуқийлар қўшиғи, Ошиқ Боши (1271-1332) қўшиғи, насафийлар (1332) қўшиғи, Бурҳониддин Сивосийнинг девони (1345-1391), муаллифи номаълум гўнлам (1451), Ибн Биби йилномаси (1421-1451) ва бошқа кейинги даврларда битилган ёзма ёдгорликлар киради. Бундан ташқари, Махтумқули (1733-1782), Шабанди (1720-1799) ларнинг яратган оғзаки асарлари ҳам ўғуз тили ёдгорликлари ҳисобланиши билан бирга, ҳозирги туркман тили учун ҳақиқий замин бўлиб хизмат қилади.

XI асрда Шарқий рус чўлларида қипчоқларнинг (куманлар ва половецлар) ҳаракати бошланди. Печенегларнинг бир қисми қипчоқлар томонидан тормор қилинди ва ғарбга томон сиқиб чиқарилди. Иккинчи қисми ўз қабиласи номини унутиб, рус ёдномаларида битилганидек, қорақулоқлар деб аталдилар ва шимолга силжишди. Улар дастлаб руслар билан бирлашиб қипчоқларга қарши курашишди, кейин

қипчоқлар тарафига ўтиб, улар билан мустаҳкам итти-
фоқ тузишди ва қипчоқлар таркибига сингиб кетишди.

Қипчоқларнинг мўғуллар босқинигача бўлган
тиллари ҳақидаги маълумотлар жуда кам. Бу ҳақдаги
маълумотларни айрим топонимлардан, сақланиб қолган
айрим сўз ва иборалардан билиб олиш мумкин.

Қипчоқларнинг XI асрдаги тилларининг ҳолати
ҳақида дастлаб М. Кошғарий маълумот беради. Рус
йилномаларида қайд этилган антропоним ва топоним-
лардан ҳам бу ҳақда бир қадар маълумотлар олиш
мумкин. Шунингдек, XIII асрда яратилган венгер йил-
номалари ва афсоналарида ҳам қипчоқларнинг X-XI аср-
лардаги ҳолати ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолган.

Қипчоқларнинг мўғуллар босқинигача бўлган
даврдаги тиллари ҳақидаги айрим далиллар қадимги рус
адабиёти намуналарида, жумладан, «Игорь жангно-
маси»да учрайди.

Мўғул қабилаларининг ҳаракати X асрдаёқ
бошланган эди. Биринчи мўғул қабилалари иттифоқини
қорахитойлар билан гурхон қабилалари тузди. Қорахи-
тойлар, дастлаб, Шимолий Хитойни ўзларига бўйсундир-
дилар, кейин ўғузларни ғарбга суриб, Еттисувга
бостириб киришди. Бу даврда мўғуллар давлатининг
пойтахти Чу дарёсининг бўйидаги Баласоғун эди. Улар
Ўрта Осиёга XII аср ўрталаридан бошлаб юриш
қилдилар. Мўғулларга энг катта қаршиликни Хоразм
хонлиги кўрсатди. Хоразмшоҳлар қисқа вақтга бўлса
ҳам мўғулларни ўз ватанларидан суриб чиқардилар.
Кейинроқ мўғуллар уларни ҳам мавҳ этишди. Умуман,
Ўрта Осиё ва Шарқий Европа тарихида Чингизхон
хукмронлиги янги даврни ташкил этади.

Мўғуллар империясининг энг шарқда яшовчи
халқ — бу қирғизлар эди. Улар Тулуй улуси таркибига
кириб, XV-XVI асрларда Тянь-Шаңда истиқомат
қилишар эдилар. Қирғизлар бу даврда кучайиб кетган
ўйрот (қалмиқ) қабилалари билан кураш олиб бордилар.
Кейинроқ қирғизлар Хитой давлати таркибига
кирдилар. Фарғонада яшовчи қирғизлар, дастлаб, Қўқон
хонлигига бўйсунди, кейинроқ эса Россия фуқаро-
лигини қабул қилишди.

XV асрда Уралда Сибир хонлиги тузилди. Унинг
таркибига Тоболь, Иртиш ва Енисейда яшовчи ўйрот

қабилалари киришган ва династиянинг асосини ташкил
этишган.

XV-XVIII асрлар мўғул феодаллари билан айрим
турк қабилаларининг ўзаро урушлари даври бўлди. Бу
даврда Жунғор хонлиги энг кучли давлат ҳисобланар
эди. Унинг таркибига, Н. А. Аристовнинг фикрига
қараганда, олтой қабилалари, тукю уругларининг
авлодлари (ҳозирги телеутлар), гао-гюй ёки уйғурлар,
теленгитлар, ҳозирги куманлар, чалканлар, тувалар
кирган. Бу хонлик тугагач, барча қабилалар Россия
давлатга бўйсундилар.

Шарқий турк қабилалари тилларининг ривожини,
бир томондан, қирғиз ва олтой тилининг шимолий
лаҳжасига, шор, ҳакас, тува ва ёқут тилларининг лексик
ва морфологик жиҳатларининг шаклланиши учун муҳим
роль ўйнайди. Олтой, турк ва мўғул қабилаларининг
ўзаро яқин алоқалари мўғул эпосларида ҳамда Олтой
туркларининг қаҳрамонлик достонларида куйланган.

Олтой ва Шарқий Сибир туркий халқлари
тилларининг архаик белгилари, шунингдек, қирғиз
тилининг ҳам, уларнинг қаҳрамонлик эпосларида
кўринади. Қирғиз халқининг «Манас» асарида олтой,
ҳакас, тува, ёқут халқларининг қаҳрамонлик
афсоналарида, диний, маросим кўшиқларида шу халқ
тилининг лексик, морфологик, синтактик хусусиятлари
сақланиб қолган.

Бу буюк давлатнинг жанубий-ғарбий ва ғарбий
хулуғида мўғуллар босқинидан кейин — XIII асрда
Чингатой давлати, ундан кейин XIV асрда маркази
Самарқандда бўлган темурийлар давлати юзага келди.

Чингатой давлати тарқоқ феодал уруг-қабилаларни
бирлаштириб, эроний ва туркий халқлар ҳамкорлигида
Ўрта Осиёда марказлашган давлат тузди. Чингатойча
туркийда Алишер Навоий ижод қилган.

Темурийлардан кейин (1370-1405) давлат тепасига
Шайбонийхон бошлиқ кўчманчи ўзбеклар келишди.
Ўзбеклар давлати кейинчалик иккига: маркази Самар-
қандда ҳамда кўхна Урганчда бўлган давлатларга
булинди. Ундан кейин бу давлат уч хонликка: Бухоро
амирлиги, Қўқон ва Хива хонликларига бўлиниб кетди.
Бу хонликлар сўнг Россиянинг вассалига айлантирилди.

Ўзбекларнинг заифлашуви қозоқлар билан доимий

душманликни келтириб чиқарди, натижада XV асрда ўзбек хони Абулхайрхонга қарши қозоқлар ў хонлигини тузишди. Кейинчалик бу хонлик уч ўрдага Катта Ўрда, Урта Ўрда ва Кичик Ўрдага бўлиниб кетди.

Чигатой ва темурийлар даврида машҳур шоирлар етишиб чиқишда ва ўз асарларини яратишди. XV асрда Дурбек, Атоий, Саккокий, Алишер Навоий каби алломаларнинг етишиб чиқиши бу фикрнинг исботидир. Дурбек, Атоий, Саккокий, Лutfийлар шеърляти, Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул лугатайн», Бобурнинг «Бобурнома», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» (XVI), кейинроқ Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк», «Шажараи тарокима» (1603-1664) асарлари, Амир Умархоннинг (1812-1821), Шермуҳаммад Муниснинг (1778-1829), Огаҳийнинг асарлари яратилди.

• Мўғуллар босқинидан кейин туркий тилли давлат бўлмиш қуйи Волгада ёки Олтин Ўрдада Жўжи улуси бўнад бўлди. Олтин Ўрда XIII асрда Россия, булгорлар, Дашти Қипчоқ, Қрим, Шимолий Кавказ, Шимолий Хоразм давлатлари таркибига алмашилиб ўтиб турди. Феодал тузим даврида ҳам адабиёт тўхтаб қолмади. Бу адабиёт дастлаб икки ёзувда — уйгур ва араб ёзувида, XV асрнинг ўрталаридан кейин фақат араб ёзувида битилди.

XV асрда Олтин Ўрда хонлиги уч хонликка: Қрим хонлиги (1420), Қозон хонлиги (1433) ва Астрахан хонлиги (1466)га бўлиниб кетди. Бунгача бу ҳудудда кўчманчи ўзбек, мангит ва нўғай уруғлари яшар эди. XVII аср бошларида турли туркий қабилаларидан иборат Нўғай ўрдаси ҳам уч ўрдага ажралди. Уларнинг бири Орол денгизи яқинидаги чўлларда жойлашган эди. Кейинчалик бу ерларда яшайдиган халқларнинг (дастлаб қорабўрклилар деб номланган) авлодлари қорақалпоқлар деб аталди. Нўғайлар эса Қрим, Шимолий Кавказ чўлларига кўчиб кетишди. Шимолий Кавказда нўғайлар билан бирга кўмиқлар, болқорлар, қорачойлар ва қипчоқ қабилаларининг бир қисми ҳам яшар эди.

Олтин Ўрдада жонли тил билан адабий тил катта тафовутларга эга эди. Хоразмда эса ўғуз-қипчоқ уруғлари яшар, уларнинг адабий тили қарлуқ лаҳжаси асосида ривожланган бўлиб, бу адабий тил ўзида ўғуз унсурларини, оз бўлса-да қипчоқ унсурларини мужас-

сам этган эди. Фарбда — Олтин Ўрда хонлигига яқин ҳудудларда эса қипчоқ қабилалари ҳукмрон эди. Бу ердаги адабий тилга ўғуз лаҳжасининг кучли таъсири синган бўлса-да, адабий тил учун асос қипчоқ лаҳжаси ҳисобланар эди. Бундан ташқари, XVI аср Фарбий Олтин Ўрда адабий тилининг хусусиятларини аниқлаш учун уйгур ёзувида битилган хонлар ва уларнинг амалдорлари томонидан ёзилган расмий ҳужжатларнинг ҳамда ёрликларнинг, шунингдек, кўпгина муҳрлардаги ёзувларнинг аҳамияти салмоқлидир.

Олтин Ўрда таркибига кирувчи маданий ёдгорликлар иккига бўлинади: биринчиси — Шарқий ёдгорликлар, яъни Хоразм ва унга қўшни бўлган вилоятлар ёдгорликлари; иккинчиси — ғарбий ёки жанубий рус чўллари, яъни Қрим ва ундан ҳам ғарбда жойлашган Миср ёдгорликлари. Мўғуллар босқинидан сўнг қипчоқлар жанубий рус чўлларидан Мисрга сургун қилинган эди. У ерда — Миср султонлари ҳудудида мамлук гвардияси Мамлуклар давлатини тузишган эди.

Олтин Ўрда ёзма ёдгорликларининг биринчи гуруҳига «Муҳаббатнома» (1353) асари мансуб. Бу асар Хоразмда ёзилган ва ўзида ўғуз-қипчоқ лаҳжаларининг белгиларини мужассам этган. Ибн Муҳаннанинг «Лугат»и эса П. М. Мелиоранскийнинг фикрича, XIII асрда Шимолий Эронда озарбайжон тилида, С. Е. Маловнинг таъкидлашича эса уйгурлар томонидан Туркистонда битилган.

Қутбнинг «Хусрав ва Ширин» (XIII) асарининг Мисрда XIV-XVI асрларда кўчирилган нусхаси Парижда сақланади. Олтин Ўрда ёдгорликларига тегишли қипчоқ (половец) тилининг ёзма обидаларига арман ёзувида битилган юридик ҳужжатларни ҳам киритиш мумкин. Қипчоқ тилининг энг қадимги ёзма ёдгорлиги деб 1245 йилда Т. Хоутсм томонидан кўчирилган туркча-арабча лугат ҳисобланади.

Қадимги туркий тилнинг мўғуллар даври хусусиятини ўзида акс эттирган энг катта асар — лотин-форс-қипчоқ тиллари лугати ҳисобланмиш «Codex Cumanicus» (XIII) бўлиб, В. Бангнинг фикрига қараганда, бу асар жанубий рус чўлларида Иоанн монастырида, Д. Расовскийнинг фикрича эса Қрим Италиянинг колонияси бўлган даврда Солхат шаҳрида Олтин Ўрда хонининг ноиб томонидан ёзилган.

1313 йилда битилган Абу Ҳайён лугатида ўғуз тилининг унсурлари кучли сингган. Бу асар араб алифбосида XV асрда Жамолиддин ат-Туркий томонидан қайта кўчирилган. Арабча-қипчоқча лугат ҳисобланган бу асар 1928 йилда Килисли Рифат томонидан Стамбулда нашр қилинган.

Ниҳоят, қипчоқ тилининг хусусиятларини ўзида сақлаб қолган сўнги асарлар, XIII-XVIII асрларда рус йилномаларида қайд этилган, қипчоқча(половец)-татарча лугатлар ҳисобланади.

X-XV асрлар туркий халқларнинг майда-майда қабилалар гуруҳларига бўлиниши, тилларининг эса бир қадар ўзгаришларга юз тутиши билан характерланади, яъни: а) ғарбда — қипчоқларга (қипчоқ-булғор, қипчоқ-половец, кейинроқ шаклланган қипчоқ-нўғай қабилалари иттифоқига); ўғузларга (ўғуз-булғор, ўғуз-салжук, ўғуз-туркман қабилалари иттифоқига); шарқда — қирғиз-қипчоқ, хакас, ёқут, тува (тува-карағас) ва олтой қабилаларига бўлинганлиги билан характерлидир.

Туркий тиллар ўзининг узоқ тарихи давомида турли-туман ўзгаришларни бошидан кечирган ҳолда ривожланиб борди. Қадимги туркий тилдаги *q/m* мослиги бу даврга келиб й га ўз ўрнини берди. *q/m* ҳозир Ғарб ва Шарқнинг чекка ўлкаларида сақланиб қолган. Масалан, ёқут, тува, карағас, чуваш тиллари шулар жумласига киради.

Ўрта турк даври туркий тилларнинг ундошлар бирикувининг мослиги, дифтонгларнинг ҳамда чўзиқ унлиларнинг пайдо бўлиш белгисига кўра икки катта гуруҳга бўлинади:

af > av > oo // yu;

of > uv // yiy > yu;

eg > ev // iiy > ee;

og > ü // yj;

ыf > yv // yiy;

yf > yv > yu > y > y;

ig > iy > iu > u;

ig > yv // yiy.

Ғарбда, айниқса булғор ва қипчоқ тилларида, қадимги *af*, *of*, *og*, *uf*, *ig*, *yg* бирикмалари унутилди, бирикмалар *f/g* нинг унлилар орасида чўзиқ унлиларга айланишига ўтди. Шарқда — қирғиз-қипчоқ гуруҳи тилларида (қирғиз ва олтой тилларида) эса бу

бирикмалар қисман ўзгаришга юз тутди.

Ўрта турк даврида ҳозирги туркий тиллар ҳар томонлама шаклланган бўлса ҳам, янгитурк даврида бу тиллар меъёрлашди; уларнинг фонетик, лексик, ва грамматик хусусиятлари мустақкамланди. Бироқ туркий тиллар орасидаги фарқланиш бошқа йўналишларда давом этди. Ғарбда қуйидаги катта ўруғ-қабилалар тиллари: булғорлар, ҳазарлар, қипчоқлар, ўғузлар, қарлуқлар; Шарқда эса: уйғурлар, ёқутлар, хакаслар, қирғизлар тиллари шаклланди. X-XV асрларда қипчоқлар тили иккига бўлинди: 1) қипчоқ-булғор тили: бу тилдан XV асрдан кейин татар ва бошқирд тиллари келиб чиқди; 2) қипчоқ-половец тили: бу тилдан мўғуллар босқинидан кейин икки гуруҳ тиллари пайдо бўлди: а) қипчоқ-половец тиллари (бу тилдан кейинчалик қараим, кўмик, ва қорачой-балқар тиллари келиб чиқди); б) қипчоқ-нўғай тиллари (бу тилдан нўғай, қозоқ, қорақалпоқ тиллари ва ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси шаклланди).

Ўғуз гуруҳи тиллари XV асрда уч тармоққа бўлинди: 1) ўғуз-булғор кичик гуруҳи (бу тилдан гагауз ва болқон турклари тиллари келиб чиқди); 2) ўғуз-туркман кичик гуруҳи ва 3) ўғуз-салжук кичик гуруҳи тиллари.

Қарлуқ гуруҳи тиллар X-XIV асрларда қарлуқ-хоразм ва қарлуқ-уйғур сингари икки катта тилга бўлинди.

Бу даврда шарқий туркий тиллар ва уларнинг тиллари орасида жуда мураккаб жараён юзага келди. Агар уйғур-тукю ва ёқут кичик гуруҳи тиллари ўзининг қадимги ҳолатини сақлаб қолганлиги билан характерланса, хакас гуруҳи тиллари генетик жиҳатдан уйғур-ўғуз ва қирғиз-қипчоқ гуруҳи тиллари билан алоқадорликда ривожланганлиги билан диққатга сазоворлик касб этади. Ҳозирги қирғиз ва олтой тиллари (жанубий лаҳжалари) генетик жиҳатдан қадимги қирғиз тилидан келиб чиққан, улар ўзларининг шаклланиш жараёнида қипчоқ тиллари билан ҳам бевосита алоқада бўлган.

Ўрта турк даврида турли тарихий воқеалар таъсирида туркий тиллар бошқа тиллар билан ҳам аралашиб, қоришиб борди. Ғарбда, бу даврнинг шбгидоси бўлган қорахонийлар даврида, ислом дини қабул қилинди, бунинг оқибатида, биринчидан, ғарбий

туркий тиллар билан, иккинчидан, араб, форс ва сўғд тиллари билан аралашиб жараёни юз берди. Туркий тиллар ўз асосини сақлаган ҳолда араб ва форс тилларидан кўпгина сўзларни ўзлаштириши билан бирга, бу тиллардан бир қанча фонетик, морфологик бирликларни ҳам қабул қилди. Иккинчи босқич (XIII-XV) мўғуллар босқини билан билан боғлиқ бўлиб, ғарбий туркий тилларга мўғул тилининг таъсири кам бўлган бир пайтда, шарқий туркий қабилалар мўғул қабилалари билан аралашиб кетишди.

Шарқий туркий тилларга араб ва форс тилларининг таъсири етиб бормади, бироқ мўғул тилининг кучли таъсири ҳукмрон бўлиб қолди. Бу таъсир XIII-XV асрларгача давом этди. Ғарбий туркий тилларда мавжуд бўлмаган бу алоқадорлик ҳозирги тува, карагас, хакас, шор, олтой ва бир оз қирғиз тилининг лексикасида ўз аксини топган. Ғарбий туркий тилларда бор бўлган бундай унсурлар олтой давридан мерос ҳисобланади. Чунки у пайтда туркий тиллар билан тунгус-манчжур ва мўғул тилларининг лексик қатламлари ҳали ажралмаган эди.

ЯНГИ ТУРК ДАВРИ ЁКИ ХАЛҚ ТИЛЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ (XV-XX)

Янги турк даври ҳозирги туркий халқларнинг ҳамда туркий тилларнинг тўлиқ шаклланиши ва улар орасидаги лисоний тафовутларнинг давом этиши, баъзи ҳолларда уруг-қабила иттифоқи тилларининг яқинлашуви мавжуд бўлганлиги билан характерланади.

Ғарбда бу даврда чуваш уруг-қабилалари иттифоқи битта чуваш тилига бирлашди. Қипчоқ-булғор қабилалари икки катта халққа — татар ва бошқирларга бўлинди. Қипчоқ-половец иттифоқидан, бир томондан, қипчоқ-нўғай тиллари: қозоқ, нўғай, қорақалпоқ (XV) халқларига, иккинчи томондан, қараим, қўмиқ, қорачой-балқар, қрим-татарлари халқларига ажралди. Янги турк даврида халқ тиллари юзага келди. Гагаузлар ва уларга қардош бўлган майда гуруҳ ҳисобланган болқон

турклари ўғуз-булғор элатидан, шунингдек, ўғуз элатидан туркманлар халқ сифатида шу даврда бирлашишди. Ундан кейинроқ озарбайжон ва турк миллатлари халқ сифатида шаклландилар. Қарлуқ уруғларидан XV-XX асрларда икки халқ — ўзбек ва янги уйғур халқлари аста-секинлик билан ташкил топишди.

Бу пайтда Шарқда шарқий туркий қабилалар ва уларнинг тиллари юзага келди. Қадимги уйғурларнинг авлодлари ўғузлар, уйғурлар ва қирғизлар халқ сифатида уч тил бирлиги сифатида пайдо бўлди: 1) уйғур-тукюлар (қадимги уйғур ва қадимги ўғуз тиллари асосидан ташқари тува ҳамда карагас тилларига бўлинади); 2) ёқут тилидан фақат ҳозирги ёқут тили; 3) хакас тилидан ҳозирги хакас тилининг лаҳжалари: шор тили, олтой тилининг шимолий диалекти, баъзи майда тиллар — қамаси, кюэрик, сариқ уйғур тиллари юзага келди. Бу тиллар бошқа катта қабила иттифоқларининг ажралишидан ёки бошқа тилда гапирувчи халқлар ўзга тилни ўзлаштириб олиши натижасида (масалан, қамаси тили) пайдо бўлди. Ниҳоят, қирғиз-қипчоқ тиллари қадимги қирғиз тилидан, кейинроқ эса қирғиз, олтой (олтой тилининг жанубий диалекти) келиб чиқди.

Янги турк даврида туркий тиллар билан рус тилининг алоқадорлиги кучайди. Рус тилининг таъсири натижасида туркий тилларнинг грамматик қурилиши, луғат бойлиги ва фонетик қурилишида бир қанча ўзгаришлар юз берди.

Ғарбий туркий тилларга рус тилининг таъсири ўрта турк давридаёқ бошланган эди. Шарқий туркий тилларга эса бу таъсир анча кеч, тахминан XVII асрдан бошланди.

III БОБ

ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ ҒАРБИЙ ХУНН ТАРМОҒИ

Ғарбий Хунн тармоғи тиллари қадимда шарқдан ғарбга силжиган уруғ-қабила тилларидан таркиб топган бўлиб, бу уруғ-қабила иттифоқи тилларини тўртга бўлиш мумкин: 1) булғорлар ва булғор гуруҳ тиллари; 2) ўғузлар ва ўғуз тиллари гуруҳи; 3) қипчоқлар ва қипчоқ гуруҳи тиллари; 4) қарлуқлар ва қарлуқ гуруҳи тиллари. Ғарбий Хунн тармоғи тиллари Шарқий Хунн тармоғи тилларидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

фонетик жиҳатдан:

а) қадимда қўлланган *з, г, т* ўрнида *й* қўлланиши билан: *айақ* (*адоқ* // *азақ* // *атах ўрнида*) *аяқ*; б) *б-п, г-т, к-г, с-з* унли ва ундошлар ўрни алмашинуви; в) *х, в, х* ундошларининг фарқланиши;

лексика соҳасида — араб ва форсча сўзларнинг кўп ва аксинча, мўғулча сўзларнинг камлиги;

грамматика соҳасида:

а) қўшма гап қолипларининг тараққий қилганлиги, боғловчиларнинг кўплиги ва ўзлашма сўзларнинг мавжудлиги;

б) сўз бирикмалари аниқроғи, отли бирикмаларнинг ҳамда феъл шакллариининг камлиги.

Бу ерда Шарқий ва Ғарбий Хунн тилларининг умумий фарқли томонлари келтирилди. Бундан ташқари, Ғарбий Хунн тармоғига кирувчи ҳар бир гуруҳ тиллари ўзига хос, алоҳида хусусиятларга ҳам эга.

БУЛҒОР ГУРУҲИ ТИЛЛАРИ

Булғорлар ўз тиллари билан бизнинг замонамизга фақат чуваш халқи ва уларнинг тилинигина мерос қилиб қолдирмасдан, балки бошқа оиллага мансуб тиллар ва қабилалар: славян, фин-угор тиллари, шунингдек, бир

қанча туркий қабилалари (ўғузлар, ўзлар, қипчоқлар ёки половецлар) тилларининг шаклланишида ўз таъсирини ўтказганликлари билан ҳам эътиборга лойиқ ҳисобланадилар.

Ҳозирги чуваш тилининг лугат таркиби ва грамматик қурилиши ўзида туркий, славян фин-угор тилларининг хусусиятларини жамлаган. Бу умумийликнинг белгилари генетик жиҳатдан яқин бўлган венгер тилида, татар, бошқирд тилларида сақланиб қолган.

Булғор гуруҳига мансуб қадимги булғор ва ҳазар тиллари ва ҳозирги чуваш тили V-XIV асрларда Волга-бўйида қадимги бўлғор қабилаларининг тиллари асосида шаклланди. Қадимги тиллар бўлмиш булғор ва ҳазар тиллари ҳақидаги маълумотлар жуда кам. Сақланиб қолган маълумотлар ҳам айрим топоним, антропоним ва ойконимларда, шунингдек, Византия, Европа, Араб, Арман йилномаларида кўринади. Булғор тилининг хусусиятлари ҳозирги чуваш тилига яқин келади. Бу яқинлик қабртошларидаги ёзувларни, венгер йилномаларидаги ҳамда славян, булғор номларидаги айрим сўзларни солиштириш орқали аниқланган. Ҳазар тили ҳақида маълумот берувчи манбалар бундан ҳам кам. Бу тил ҳақидаги энг аниқ маълумотлар ҳазар тилида номланган шаҳарлар отларида акс этади. Чунончи: Итил, Семадер, Беленжер, Саркел. Бу ҳақда қадимги араб ва Европа ёзма ёдгорликлари маълумот беради.

Бу тилнинг кўшгина хусусиятлари ҳозирги чуваш тилида ёрқин сақланган. Қипчоқ тилига мансуб бўлган қараим, татар ва бошқирд тилларида, шунингдек, ўғуз тилига мансуб бўлган гагауз тилларида ҳазар тилининг айрим белгилари сақланиб қолган.

Булғор гуруҳига кирувчи тиллар бошқа тиллардан қуйидаги асосий белгилари билан фарқланади:

фонетикага:

а) икки лабланган ва икки лабланмаган унлининг тўлиқ шаклланмаганлиги;

б) сўз бошида жарангли ундошларнинг орттирилиши: *йерт* (*эрт* ўрнида «хайда»), *йекев* (*эгев* ўрнида «эгов»), *йер* (*из* ўрнида); *вут* (*от* ўрнида «олов»), *выран* (*орын* ўрнида «ўрин»);

в) сўз охиридаги з бошқа тиллардаги р билан алмашинади (ротацизм) *сăвар* (оғиз), *пăр* (буз) *хёр* (қиз), *кёр* (куз);

г) с ундошининг мавжудлиги, бу ундош бошига туркий тиллардаги *й-ж-ж-дь-ч* ўрнида қўлланади. Бошқа туркий тилларидаги р нинг алмашилиб қўлланиши: М: *ура* (адақ-азақ- айақ);

е) бошқа туркий тиллардаги ш-с ўрнида л қўлланиши. М.: хёл («қиш» қыс ўрнида, алёк («эшик» (*есик* ўрнида);

л е к с и к а д а :

Бошқа тилларда мавжуд бўлмаган сўзларнинг борлиги: Масалан: *сын* «одам», *сăмса* «бурун», *касан* «бел», *арăм* (аёл), *сёсё* (пичоқ), *тулă* (буғдой).

Грамматик, морфологик, синтактик сатҳларнинг бошқа туркий тиллардан тубдан фарқ қилиши.

ҚАДИМГИ ТИЛЛАР

БУЛҒОР ТИЛИ

Булғор тили Волга ва Кама дарёлари бўйида VI-VIII асрларда мавжуд бўлган Булғор давлатининг тилидир. Бу давлат ўз таркибига уйғур ва бошқа уруғ-қабилаларни бирлаштирган. Хусусан, утурғузлар, қутурғурлар, угурлар, сараугурлар, оноўгурлар. Шунингдек, сабирлар (суварлар), аварлар каби Хунн давлати таркибида бўлган уруғларни бирлаштирган эди.

Булғор тили ҳақидаги маълумотлар айрим сўз шаклида, аниқроғи, баъзи номларда сақланиб қолган. Булғор уруғлари ҳақидаги маълумотлар жуда кам. Ҳозирги чуваш тилининг бир тармоғи бўлган сабирлар (суварлар) тилидан бир неча сўз сақланиб қолган. Масалан, Сабир (қабилла номи), Илигер (*илиг* «хон» + *ер* «одам») Блах ёки Балах = туркча *malak* «бўйвол» ва хонлар номи Болмах, Конулсиз. Аварлар тилида қабилла номидан бошқа охири бир хил тугайдиган қабилла номлари ҳам мавжуд: сувар, ҳазар, татар. Бу ҳақда ҳеч қандай маълумот сақланмаган. Кўпгина сўзлар туркий тиллар гуруҳига хос хусусиятдан ташқари Волга ва Дунай

булғорлари тилига хос жиҳатларга ҳам эга, улар эса ҳозирги чуваш тилига яқин туради.

Қуйида булғор тилининг энг ёрқин намуналари келтирилади. Бу Волга булғорлари тилига хос сўзлар қабртошларида ва бошқа ёдгорликларда сақланиб қолган.

| Оригиналда | Транскрипция | Чуваш тилидаги муқобили | Ўзбек тилида |
|------------|---------------|-------------------------|--------------|
| جال | жал | сул | «йил» |
| جوز | жўр | сўр (сёр) | «юз» |
| جيرم | жёр(ў)м | сирѳм (сирѳм) | «йигирма» |
| حيات | ж(ў)йѳт | сиччў (сиччѳ) | «етти» |
| جيار منشي | ж(ў)йѳрм(ў)нш | сирѳммѳш | «йигирманчи» |
| تمراج | т(ў)м(ў)рѳч | тимѳрсѳ | «темирчи» |

Бундан ташқари, турли манбаларда қуйидаги булғор сўзлари ҳам сақланиб қолган¹.

1. Унвон, мансаб, табақа номлари: *қаған*, *хан*, *бағатур*, *эрар*, *маламыр*, *жэпа*, *таңри*, *кавхан*, *тарқан*, *тудун*.

2. Уруг номлари: *Чақар*, *Куйвар*, *Йупан*, *Охсун*, *Куригиз*, *Булғор*.

3. Шахс исмлари (хонлар номи): *Ябгухон*, *Исбул*, *Ичиргу бўйла*, *Кормишос*, *Кубрат (583-642)*, *Исперих// Асперух (679-701)*, *Крум// Курум (803-814)*, *Омуртаг (814-831)*, *Тэктэм*, *Сэвэр*, *Свинэх*, *Тэлэс*, *Тэрвэл*, *Умор*, *Байан*.

4. Мучал номлари: *гваниш* (<тавышқан) «сичқон йили», *дилом* (<г'улан, чув. сълэн (сёлен) «илон йили»), *мор* (<мўғ. морин) «от йили», *тох* (<тоох) «товуқ йили», *қучи* (қўй йили), *дахс* (<тоңуз) «тўнғиз йили».

5. Ой номлари:

1) *алэм* (<илки эм), «биринчи ой»;

2) *шегор алэм*, «иккинчи ой»;

3) *вэчэм* (қиёс. чув. *виççў* (*виççѳ*) «учинчи ой»;

4) *тутѳм* (қиёс. чув. *тўватым* (*тăватăм*) «тўртинчи ой»;

5) *бэхти* (<беш) «бешинчи ой»;

¹ Н.И.Ашморин. Болгари и чувашский язык. Казань, 1902.

- 6) алтом (қиёс. чув. ултты) «олтинчи ой»;
 7) —
 8) шэхтэм (қиёс. чув. саккыр) «саккизин ой»;
 9) твирэм (қиёс. чув. тўххўр (тәххәр) «тўққизинчи ой»;
 10) эни алэм (қиёс. чув. вуны (вунә) «ўнинчи ой»;
 11) вэр эни алэм (қиёс. вунпёр (вунпёр) «ўн биринчи ой»;
 12) —

Булғор тилининг фонетик далиллари бу тилининг нафақат *з-ш*, балки *р-л* жиҳатидан фарқ қилганигини кўрсатади. Қиёсланг: *هير* ҳир «қиз» (бошқа тилларда қыз//қыс), бу жиҳатдан қадимги бўлғор тили ҳозирги чуваш тилига яқин туришини исбот этади. Ҳозирги чуваш тили тартиб сонларнинг икки шаклининг борлиги билан ҳам фарқланади, масалан, *جيارمنشى* ж(ы)йирм(ы)нш «йигирманчи» ва *بيالم* б(ы)йэл(ы)м «бешинчи»

ҲАЗАР ТИЛИ

Ҳазар тили Волга ва Дон дарёлари оралигида яшаган ҳазар халқининг тилидир. Ҳазарлар эраиздан олдинги III асргача мавжуд бўлиб, ҳудуди Тинч океанидан Шарқий Европагача чўзилган Хуннлар иттифоқига кирувчи туркий ва нотуркий уруғ қабилалардан иборат эди.

Ҳазарлар иттифоқи таркибига (қадимги Византия, араб, еврей ёзувларида қайд этилишича, X асргача қуйидаги уруғ қабилалар кирган. Ҳазар, /козор. Авар, /авор/, Аваз/ /Абаз, Булғор, Савир// Сабир, Ўғуз (<Оғуз), Тарна, Тилмас/ Тилмас, Таврис, Йанур, Бизал, Пацинак, Акацир, Алтицагир.

Уруғ номлари анализ қилинса, ҳазарлар тузилиши аралаш уруғлардан иборат бўлганига аниқ бўлади. Ҳазар уруғлари таркибига, бир томондан — Хунн иттифоқига кирган уруғлар ҳам мавжуд бўлган; яъни Ҳазар// Козар, Авыр// Авар, Аваз// Абаз, Булғар, Савир// Сабир ~ Сувар, бошқа томондан — Акацир, Алтицагир номи билан боғлиқ қадимги уруғлар печенеглар (Пацинак), узлар (Ўғуз), шунингдек, нотуркий халқ ва уруғлар ҳам улар таркибига кирганини кўриш мумкин.

Уруғ ва қабила номларидан ташқари, қуйидаги ҳазар сўзлари ҳам сақланиб қолган. Бу сўзлар ё топонимлар ё

хоқонлар номи, ё мансаб-унвон номларини билдирган.

1. Шахс номлари: Булон//Булган (хон номи), Илдуган, Буйук (<буйук), Тэкин-ҳазар, Чўл// Чулы, Чорбан-тархан.

2. Топонимик номлар: Итиль (пойтахт номи) Саркэл (<сары кел «оқ /сарик уй»), Сэмэндэр (шаҳар номи), Баланжар (шаҳар номи), Бек-Тарлув (жой номи).

3. Мансаб ва унвон номлари: қаған (хон), кэнгер-қаған (мансаб номи), бэх//бэк, ильк («биринчи, бошлиқ»), тудуң (мансабдор шахс) чаушгир// жавишгир (мансабдор шахс), шаг/шаг (унвон).

4. Бошқа сўзлар: қара «қора» қара-ҳазар, сар(ы) «сарик» («сар(ы)кэл»), цицакион (қад. турк. чечек) «қитъа номи»,

Юқорида келтирилган камгина маълумотлар ҳазар тилининг, биринчидан, туркий тиллар гуруҳига киришини, иккинчидан, унда ч ҳамда ц диалектлари борлигини, ва учинчидан, унда нотуркий тилларнинг, хусусан, фин-угор тилларининг белгилари бўлганигини кўрсатади.

Араб жуғрофлари ҳамда тарихчилари (ал-Истаҳрий, ал-Бекри) ва Маҳмуд Кошғарийнинг маълумот беришича, ҳазар тили бошқа тиллардан фарқлинишини (М. Кошғарий) ва булғор тилига яқинлигини (ал-Истаҳрий) кўрсатиб ўтишган. Машҳур тарихчи филологлар В.В. Григорьев, В.В. Бартольд, А. Куник, Г. Вамбери бу тилининг генетик жиҳатдан ҳозирги чуваш тилига боғлианишини таъкидлашган.

Ҳазар тилининг юқоридаги маълумотлари қуйидаги хулосаларга келишга имкон беради. Биринчидан, у туркий тиллар сирасига киради, иккинчидан, унда икки диалект ч ва ц диалектлари мавжуд бўлган, учинчидан, бу тилда бошқа нотуркий тилларнинг, хусусан, фин-угор тилининг белгилари ҳам мужассамлашган.

Ҳазар тили IX-X асрларгача истеъмода бўлиб, у бошқа туркий уруғ тиллари, хусусан, печенег ва узлар тили билан аралашиб кетди. Энг қадимги ҳазар сўзлари айрим топонимларда сақланиб қолган: Итил, Саркэл, Сэмэндэр, Баланжар, Бек Торлув, кўпгина сўзлар эса тарихий тарақиёт натижасида айрим фонетик ўзгаришларга юз тутган.

Тарихий манбаларда қайд этилганидек, яъни араб, турк филологлари, тарихчилари, географлари ал-Истаҳрий, ал-Бекри ҳамда М. Кошғарийларнинг қайд этишларича, ҳазар тили қадимги булғор тилига яқин туради. В. В. Григорьевнинг гувоҳлик беришича, бу тил ҳозирги чуваш тилига ўхшайди.

ҲОЗИРГИ ТИЛ

ЧУВАШ ТИЛИ

Чуваш тили Россия Федерацияси таркибига кирувчи Чувашистон республикасининг миллий тили ҳисобланади, бу тилда 2,5 млн киши гаплашади. Ҳозирги чуваш тили жонли халқ тили ва ёзма адабий тилларга эга.

Чуваш халқ тили иккига бўлинади: а) қуйи (*анатри*) ёки у ловчи диалект (масалан, *пуç* (*поç* ўрнида), «бош») бўлиб, бу лаҳжада Кама ва Волга дарёларининг қўшилишидаги Ульянов ва Куйбишев районлари аҳолиси гаплашади; б) юқори (*вирия*) ёки о ловчи лаҳжада (*поç* (*пуç* ўрнида), «бош»), Волганинг тоғли қирғоқларидан Кама дарёсининг қўшилиши-гача бўлган ҳудудда қўлланади. Бу лаҳжа унлиларнинг бир оз лабланишга мойиллашганлиги билан характерланади: *вором* (қуйи лаҳжада *варам*; бошқа туркий тилларда *узын/узун*, татар тилида *озын*) «узун»; *көмөл* (қуйи лаҳжада *көмёл*; бошқа туркий тилларда *күмүш//күмиш*, татар тилида *көмеш*) «кумуш». Бу далиллар чуваш тилидаги айрим шеваларнинг *a>o* ва *ё>o* сингари лабланишга мойиллигини кўрсатади.

Шунингдек, бу лаҳжалар ўз навбатида, жуда кўп шевалардан ташкил топган. Тилшунос олимларнинг гувоҳлик беришича, чуваш тили энг қадимги тил ҳисобланади, ҳозирги чуваш тили ҳам бу ҳақда гувоҳлик бериб турибди.

Тарихий маълумотларга қараганда, чувашлар уларнинг аجدодлари бўлмиш булгорлар VI-XIV асрларда Волга ва Кама дарёлари орасида мавжуд бўлган Булгорлар давлати таркибида яшашган. Чувашлар ва булгорлар тили қўшни тиллар билан ҳамкорликда ривож топди: дастлабки даврларда скиф-сармат тили билан, кейин славян ва фин-угор тиллари билан, ундан кейин эса туркий тиллар бўлмиш татар ва бошқирд тиллари билан ҳамкорликда тараққий қилди. Тиллараро бундай алоқадорлик чуваш тили лугат бойлигининг тараққиёти учун ёрдам берган бўлса, чуваш сўзлари, ўз навбатида, қўшни тилларга ҳам сингиб кетди. Масалан, славян тилларидан рус, украин, қадимги даврларда венгер тилига, ҳозирги мардов ва марий тилларига, туркий тиллардан татар ва бошқирд тилларига ўтган сўзлар бу фикрнинг исботи бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, чуваш тили бошқа булгор тилларидан

қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

фонетика соҳасига:

а) тўққиз унли фонеманинг мавжудлиги: *a*, *ы* (юқори лаҳжада *у* — ёзилиши *ä*), *э*, *й* (юқори лаҳжада *у* — ёзувда *ё*), *ы*, *и*, *у*, *г* (ёзувда *у*), *о* (ўзлашган сўзларда) ва 16 ундош фонемали: *п* (*п'*, *б'*), *ф*, (*ф'*), *в* (*в'*), *м* (*м'*), *т* (*т'*, *г'*), *с* (*з*, *з'*), *ç*, *ш*, (*ш'*, *ж*, *ж'*), *й*, *ц*, *ч'*, (*ж'*), *н* (*н'*, *ң*, *ң'*), *л* (*л'*) *р* (*р'*), *к* (*к'*, *г'*), *х* (*х'*, *г'*);

б) айрим сўзларнинг кенгайган шаклда қўлланиши: *кәвәк* (>көк, күк) «күк», «қора»; *тәвар* (>*т*, *г*, *гуз*, *тоз*) «туз» (қиёс. мўғ. *дабусун*);

в) бошқа туркий тиллардан ўзлашган сўзлардаги *a* ўрнида *ы* ёки *у* нинг қўлланиши: *ылтан* (~*алтын*), *пыл* (~*бал*) «мис», *сухал* (~*сақал*), *улма* (~*алма*);

г) юмшоқ жуфтли ундошларнинг борлиги, бироқ *ç*, *й*, *ч'* доим юмшоқ, *ц* ва *с* доим қаттиқ;

е) бошқа туркий тиллардаги *с* ўрнида *ш* ундошининг қўлланиши: *шыв*, *шу* (*сув*, *су*), *шавар* (*сугор*) «суғор»;

д) *г* нинг бошқа туркий тиллардаги *в* билан алмашишуви, масалан: *ывәл* (*огул*) «ўтил».

лексика соҳасига:

а) қадимги тиллар субстратида чуваш сўзлари устунлик қилган;

б) фин-угор тиллари сўзлари орасида чуваш тили оралиқ тил бўлган;

в) чуваш тилига синган славян сўзларнинг аксарияти рус тили орқали ўтган;

грамматика соҳасига:

а) кўплик қўшимчаси *-сем* (вариантлари билан) — *лар//лер* ўрнида;

б) буйруқ-истак майлининг бўлишсиз шакли *-ан* ёрдамида ҳосил бўлади (бошқа туркий тилларда *-ма//ме*);

в) дона сонларнинг тўлиқ ва қисқа шакллари мавжуд;

г) тақлид сўзларнинг морфологик кўриниши турли-туман;

д) биргалик келишигининг қўшимчаси мавжуд.

Чуваш ёзувида XVIII асрнинг иккинчи ярмида асос

солинди, XIX асрнинг охирига келиб бу ёзув такомиллаштирилди. 70-йилларга келиб чуваш олими ва ёзувчиси И.Ф. Яковлев томонидан қайта ишланди.

Ниҳоят, булғор, ҳазар тиллари, ҳазарга чуваш тили билан биргаликда, қадимги ҳолатини тўлиқ сақлаган, дейишга асос бор. Бу тиллар р-л белгили тил бўлиб, улар генетик жиҳатидан олтой тиллар оиласига мансуб. Булғор, ҳазар ва чуваш тиллари туркий тиллар гуруҳига киради, бироқ улар мўғул, тунгус-манчжур тилларга билан ҳам боғланган.

Фонетик мос келиш қонуниятларидан ш-л ва з-р турк, мўғул, тунгус-манжур тилларига яқинлигини исботлайди. Чуваш тили ш-л мослиги билан бу тилларга яқин, масалан: умумтуркий — *таш, гаш, тас* ~ чуваш тилида *чул, мўғул тилида чилагун, ўйрот тилида чилан, тунгус-манчжур тилида жоло «тош», мўғул тиллари билан з-р мослиги: умумтуркий — бузау, бузагу, бузаги, пузав, пузоо ~ чуваш тилида, пыру (пăру), мўғул тилида — бирагу, ўйрот тилида — бироо «бузоқ».*

Бу далиллар тунгус-манчжур ва мўғул тиллари қадимги булғор, ҳазар ва ҳозирги чуваш тили билан анча яқинлигини кўрсатади. Бу эса бу уч гуруҳ тиллари бир бобо тил — олтой тилининг аждодлари бўлганлигидан гувоҳлик беради.

ЎГУЗ ГУРУҲИ ТИЛЛАРИ

Шарқий Европани босиб олган кўчманчи туркий уруғ-қабилалар—ўғузлар ёки узлар ва қипчоқлар эди. Маълумки, ўғузлар Ўрта Осиёга VIII асрдан бошлаб, X асрдан бошлаб эса шимолдаги ўғуз, қипчоқлар (печенеглар) Урал, Волга орқали Шарқий Европага юриш қилишди. XI асрда ўғузларнинг бир қисми бўлган ўғуз-салжуклар ғарбга — Европага, жануб томондан эса Эрон орқали Кичик Осиёга юриш қилишди. Бу кўп сонли турк қабилалари ва уруғлари иттифоқи X-XII асрларда уч қисмга бўлиниб кетди. Уларнинг бир қисми Орол бўйларида жойлашиб қолдилар ва улар ҳозирги Хоразм ўзбеклари ҳамда қорақалпоқлар ва туркманларнинг авлодлари бўлиб ҳисобланишади. Иккинчи қисм ўғуз-салжуклар Эрон ва Кичик Осиё орқали Европага ўтишди, улар ҳозирги туркларнинг ташкил топишида сезиларли ўринни эгаллашади. Ўғуз-салжукларнинг бир қисми Шимолий ва Жанубий Эрон, Озарбайжон туркларининг авлодларидир. Ниҳоят, учинчи гуруҳ ўғуз қабилалари Урал ва Волга орқали Европага келишди, бу қабилалар узлар ва печенеглар эди. Ўғузларнинг бу

қисми булғорлар билан алоқа ўрнатишда ва ўғуз-булғор қабила иттифоқини тузишди. Уларнинг тилида булғорлар тилининг таъсири кучли эди. Маҳмуд Кошғарийнинг эътирофига кўра бу гуруҳ ғарбий қипчоқлар (печенеглар) дир. Рус ёзма ёдгорликларининг хабар беришича, улар узлар, торклар, беренделар, ковуйлар ва бошқа номлар билан аталган. Бу турклар кейинчалик половец (қипчоқлар) иттифоқини ташкил қилган. Ҳозирги ўғуз тилларида булғор тили унсурлари анча сезиларли сақланган (масалан, гагауз тилида). Ўғузларнинг бир қисми кейинроқ шарқий печенеглар (қипчоқ)лар билан аралашиб кетишди. Бу қабилалардан аралаш қабилалар — ўғуз-қипчоқ ёки уз-половецлар вужудга келди. Мазкур қабилалар ҳозирги қараим, қумиқ, қорачой, балқар халқларининг авлодларини ташкил этади. Уларнинг тилида булғор, ўғуз ва қипчоқ тилларининг намуналари бор.

Ўғузлар, яъни булғорлар нуғайлар, қорақалпоқларнинг этник таркибига ва тилига сезиларли таъсир кўрсатган. Бу таъсир Олтин Ўрда хонлигининг қулашидан кейин вужудга келган.

Ўғуз тили элементлари қипчоқ (половец) тилида битилган «Codex Cumanicus» да ҳам учрайди. Масалан, *тағ//таў* (88), «тоғ», *тор- //муў-* «туғмоқ» *tog'armen|tuarmen* ва б, 40).

Ўғузларнинг энг яқин қардошлари Урал ва Волгадан ўтиб келган гагаузлардир. Гагауз тилининг шаклланишида роман тилларининг, хусусан, грек тилининг таъсири катта. Ўғуз-салжук хусусиятининг кучайиши туркий халқлар Болқонда ҳукмронлик қилган даврда юз берди.

Ўғуз гуруҳини бир неча кичик гуруҳларга бўлиш мумкин: 1) ўғуз-туркман кичик гуруҳи: қадимги ўғуз тилларини ўз ичига оладиган тил, бу тил ҳақда М. Кошғарий ҳам маълумот берган. Ҳозирги туркман ва Шимолий Кавказдаги трукхман тили; 2) ўғуз-булғор кичик гуруҳи, бунга қадимги печенег, ўз (торк, беренде, ковуй) тиллари; ҳозирги гагауз ва болқон турклари тиллари киради; 3) ўғуз-салжук кичик гуруҳи, бунга қадимги салжук, қадимги озарбайжон, қадимги усмон тиллари, ҳозирги озарбайжон, турк, крим-татар тилининг жанубий диалекти, урумлар ва мариупол греклари тиллари киради.

Ўғуз гуруҳи тиллари ўғузлар (VIII-XIII) ва салжуклар (XI-XII) даврида шаклланди. Уларнинг келиб чиқиши шарқий тукю қабилаларига бориб тақалади. Қадимги ўғуз тилидан туркман тили шаклланди, аралаш қабилалардан, бир томон-

дан, ҳозирги озарбайжон ва турк тиллари, иккинчи томондан, гагаўз тили юзага келди. Бу халқларнинг барчаси ўзида турли этник элементларни, шунингдек, турли хил лисоний қатламларни мужассам этди. Масалан, туркман тили ўғуз элементларидан ташқари қипчоқ ва қадимги хоразм тиллари унсурларини ҳам ўзида сингдириб юборган. Озарбайжон тили эса ўғуз элементларидан ташқари қипчоқ тиллари унсурларини ўзида мужассам этган.

Ўғуз гуруҳи тилларининг умумий хусусиятлари:

фонетика соҳасига:

а) 8 қисқа унларнинг борлиги, бошқа тилларда 6 тадан 9 тагача бўлиши билан фарқланади (қарлуқ ва қипчоқ тилларида);

б) қўшимчаларда лабланган тор унларнинг мавжудлиги: *йаруқ* (йарик ўрнида) «ёруғ»;

в) сўз охиридаги *г, ғ* нинг тушиб қолиши: *гэлэн* (гелген), *алан* (алган), *бэг, дағ* каби сўз охирида бу ундошлар сақланади.

г) *т* ва *қ-к* ундошларининг жаранглашуви: *гор—кор, дил—тил*;

д) сўз бошида *б/п* нинг тушиб қолиши: *ол* (*бол*);

е) сўз бошида ва тор унлардан кейин *й* нинг тушиб қолиши: *ир* (*йыр* ўрнида) «қўшиқ», *ит* (*ийт* ўрнида) «ит»;

грамматика соҳасига:

а) қаратқич келишиги: *-ин/-ын -иң/-ың*, тушум келишиги *-и* (тўлиқ шакллари эса *-ниң/ның, -ни/-ны*);

б) жўналиш келишигида ундошнинг тушиб қолиши: *агама*;

в) I шахс кўпликда шахс-сон қўшимчасида унларнинг тушиб қолиши: *бэрэрис* (*борармиз* ўрнида);

г) истак майли қўшимчаси *-аси*: *кэлэси* (*келгу* ўрнида);

д) мақсад майли қўшимчаси *-мали/-малы*;

е) сифатдош *-миш/-мыш (-ган /-ған* ўрнида);

луғат қурилиши соҳасига:

қипчоқ тили билан солиштирганда ўғуз тили орасида

қуйидагича фарқ борлигини кўриш мумкин.

| Ўғуз | Қипчоқ | Ўзбек |
|-----------------|----------------------|-------------------|
| <i>илгэри</i> | <i>бурун</i> | « <i>олдин</i> » |
| <i>қурт</i> | <i>бори</i> | « <i>бўри</i> » |
| <i>эл</i> | <i>қол</i> | « <i>қўл</i> » |
| <i>алын</i> | <i>манлай</i> | « <i>пешана</i> » |
| <i>көпэк</i> | <i>ийт</i> | « <i>ит</i> » |
| <i>өзгэ</i> | <i>бошқа/басқа</i> | « <i>бошқа</i> » |
| <i>қапу</i> | <i>эсик/эшик</i> | « <i>эшик</i> » |
| <i>ийги/эйи</i> | <i>жақсы / йахши</i> | « <i>яхши</i> » |

Ўғуз-туркман кичик гуруҳи

Ўғуз-туркман кичик гуруҳи тиллари VIII асрда Урхун дарёси бўйларида мавжуд бўлган тукюлар давлати кулагандан кейин юзага келди.

Ўғуз-туркман кичик гуруҳига кирувчи тилларнинг қадимийлигини М. Кошғарий ҳам қайд қилган. Бу кичик гуруҳга кирувчи туркман ва трукхман тиллари қуйидаги белгилари билан ўғуз-салжуқ кичик гуруҳи тилларидан фарқ қилади.

фонетика соҳасига:

а) туркман тилининг айрим лаҳжаларида тил-тиш ундошлари *с'/з'* ундошлари, турк тилида эса тиш-тиш ундошлари *с/з* мавжуд. Масалан, *с'оз'* (туркм.), *соз* (турк.) «сўз»;

б) туркман тилидаги *б* турк тилидаги *в* га ўтиши: *бэр* (туркм) *вэр* (*турк*) «бер»;

в) туркман тилида биринчи фонологик чўзиқликнинг мавжудлиги (бундай ҳолат шарқий туркий тиллар тармоғига кирувчи тува ва ёқут тилларида ҳам бор) турк тилида эса бундай ҳолат йўқ;

г) кенг унлар уйғунлиги туркман тилида қонуният сифатида мавжуд (*болон—болғон*), бу далил туркман тилининг шарқий туркий тилларга анча яқинлигини кўрсатади), турк тилида бундай ҳолат характерли эмас;

д) параллел вазифали ўзақларнинг борлиги: *бол-* ва *ол-* «бўлмоқ», турк тилида фақат бир кўриниш *ол-* мавжуд.

г) I шахс бирликдаги кишилиқ олмошининг биринчи

(Чоржуй вилоятининг шимолий қисми), сариқ диалекти (Йолатан ва Тахта Бозор районлари), эрсари диалекти (Чоржуй ва Керки районлари) киради.

Иккинчи гуруҳга Эрон ва Ўзбекистон билан чегарадош ҳудудларда яшовчи туркман диалектлари, хусусан, нохурли, анаули, ҳасарли, неризм диалектлари хосдир.

Биринчи гуруҳга кирувчи диалектларнинг асосий хусусиятлари:

а) сўз охирида келувчи портловчиларнинг *к/қ>х* га ўтилиши;

б) тил-тиш *з'/с'* нинг тиш-тиш *з/с* га ўтиши;

в) уйғунланиш қонуниятининг бузилиши ва *х, к*.

Шуниси характерлики, ҳар бир диалектдаги шевалар ҳам, ўз навбатида, ҳам фонетик, ҳам лексик, ҳам грамматик жиҳатдан фарқларга эга.

Мисол қилиб ҳозирги замон шаклидаги *ол-* ва *гэл-фелъларининг* тусланишини турли шеваларда қўлланишини олиб кўрайлик.

э шэр / а шаар
гэ шэр / гэ шээр } **ноғуд шевасида**

а шээ / а шээ
гэ шээ / гэ шээ } **така шевасида**

а ша / а шээ
гэ шээ / гэ шээ } **ғоклан шевасида**

а шор / а шор
гэ шор / гэ шор
а шэр / а шээр
гэ шэр / гэ шээр } **эрсари шевасида**

а юр / а юр
гэ юр / гэ юр } **сариқ шевасида**

Ҳозирги замон шаклидаги фелънинг қўлланиши иккинчи гуруҳ диалектларида ҳам фарқланади. Масалан:

а' лэмэн (Ҳасар овулида)

а' ламэн (Маниш овулида)

а' лам ан (Нохур овулида)

Туркман жонли тилининг диалектлари ғарбий ўғуз қабилалари тили бағрида вужудга келди. Шунинг учун ҳам туркман тилида қадимги X-XII асрларда Ўрта Осиё ва Орол бўйларида, Хоразм ҳудудида ўғуз-салжук диалекти пайдо бўлди. Бу тилда Қорахонийлар давлати тилида уйғур, тиргеш, қарлуқ диалектлари асосида шакланган эски ўзбек тилининг белгилари ҳам сақланиб қолган.

Анча кейинроқ (XII-XV асрлар) туркман тили қипчоқ тили унсурларини ўзида мужассамлаштирди. Бу қабила диалектлари X-XV асрларда, яъни мўғуллар босқинигача бир қадар ривожланди. Шу даврда яшаб ижод этган Хўжа Аҳмад Яссавий асарлари тилида ҳам шу даврдаги ўғуз, қипчоқ унсурлари сақланган. XI-XV асрлардаги туркман тилига эски ўзбек тилининг таъсири кучли бўлди. Бу давр туркман тилининг тараққиётига Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асари ҳам ўз ҳиссасини қўшган (XVIII). Шунингдек, туркман шоирлари Озодий, Махтумқули, Саидий ва XVIII-XIX асрларда яшаб ижод этган Залилий, Гойибий ва ниҳоят, XIX асрда ижод этган Абусаттор Қозининг «Така уруғлари жанглари ҳақида китоб» асари ҳам муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Туркман тили ўғуз-туркман кичик гуруҳига мансуб бўлиб, у ўғуз-салжук ва ўғуз-булғор кичик гуруҳи тиллари билан тарихан чамбарчас боғлиқ. Бироқ туркман тили ўғуз гуруҳига кирувчи бошқа тиллардан ўзига хос фарқланувчи белгиларга ҳам эга. Бу фарқлар қуйидагилар:

а) бирини чўзиқликка эгаллиги, бу белги туркман тилининг қадимий ва шарқ тиллари сирасига киришини муайянлаштиради;

б) кенг унлилар уйғунлигининг мавжудлиги (*болон-болгон*) ҳам туркман тилининг шарқий тилларга хослигини кўрсатади;

в) тил-тиш ундошлари *з'/с'* нинг мавжудлиги (бу хусусияти билан бошқирд тилига ўхшайди);

г) *бол-* ва *ол-* ўзакларининг тенг ишлатилиши;

д) юмшоқ, портловчи орқа қатор *г* жаранглисининг мавжудлиги (масалан: *гийз* «қиз»)

е) сифатдошнинг *-мас/-маз* шаклидан ташқари *-мар/-мэр* шакллариининг борлиги;

ж) сифатдошнинг бошқа туркий тиллардаги *-дық/-диқ*, *-мыш/-миш* шакллари ўрнида *-ған/-гэн>-ан/-эн*

шаклларининг қўлланиши.

Туркман ёзма адабий тили 1917 йилдан бошлаб араб алифбосида, 1928 йилдан лотин алифбосида, 1940 йилдан кейин эса рус алифбосида иш олиб борди, 1995 йилдан бошлаб яна лотин алифбосига қайтилди.

ТРУХМАН ТИЛИ

Трухман тили ставропол туркманларининг тилидир; трухманлар Туркманистондан кўчиб келишган ва Ставрополь ўлкасининг турли жойларида ўрнашишган. Бу Шимолий Кавказ туркманлари Чавдур, Сончхожи ва Икдир каби кичик уруғлар билан боғлиқ халқлардир.

Трухман тили туркман тилининг асосий белгиларини сақлаб қолган, бироқ унга қўшни нўғай тили сезиларли даражада таъсир кўрсатган.

Нўғай тилининг трухман тилидаги таъсирини, қуйидагича белгилаш мумкин:

фонетика соҳасида:

а) чўзиқ унлилар сифатининг ўзгарганлиги, мас, *ач/аш* (*ач* ўрнида), *йол* (*йоол* ўрнида) ташла (даашла ўрнида).

б) *а* ва *э* унлилари иштирокидаги лаб уйғунлигининг йўқолганлиги: *отурон// отуран* «ўтирган», *копок// копэк* «ит».

в) тил-тил ундош *з'/с'* нинг унутилганлиги, масалан; *соз* (*соз'* ўрнида) «сўз».

г) сўз бошида ва унлилар орасида келган жаранглининг жарангсизлашуви (*m > g*). Масалан: *таш* (*gаш* ўрнида), *этиб//эгип* «этиб».

д) *п* ва *қ* портловчи ундошларининг унлилар орасида сирғалувчи ундошларга ўтиши: *тэв'а* (*гелэ* ўрнида) «тэпа», *чыхар-* (*чықар-* ўрнида);

грамматика соҳасида:

а) кўплик шаклининг *н*, *н*, *м* сонор ундошларидан кейин *-нар// -нэр* кўринишлари борлиги;

б) сифатдошнинг бўлишсиз шакли фақат бир *-мас/-мэс* нинг туркман тилидаги *-мас/-мэс* ва *-мар/-мэр*

шакллари ўрнида қўлланиши;

в) *барадурын* шаклида феъл шаклининг борлиги (туркман тилида *барар* ва *бародыран*) «борадиган».

г) феъл шаклининг фарқланиши, мас: *барйатырын* (туркм. *барйарын*)

Туркман ва трухман тилларининг лексика соҳасидаги фарқланишлари ҳам учрайди. Трухман тилининг бир қанча шевалари бор, бу шевалар нўғай ва бошқа тиллар билан қўшни бўлиб яшаш шароитида юзага келган.

ЎҒУЗ-БУЛҒОР КИЧИК ГУРУҲИ

Ўғуз-булғор кичик гуруҳига бир томондан, қадимги печенег (қипчоқ)лар ва узлар (торклар, беренделар, ковулар)нинг тиллари, иккинчи томондан, ҳозирги гагауз тили ва болқон туркларнинг тиллари киради. Бу гуруҳ тилларида ўғуз тилининг белгилари асосий бўлиши билан бирга, унда қадимги печенег ва узларнинг, ҳозирги гагауз тилининг, шунингдек, булғор тилларининг, кейинроқ эса қипчоқ тилининг лексик ва грамматик таъсирлари ҳам сингган. Печенеглар тилининг уруғ, мансаб, қалъа номларини Ю. Немет ўзининг грекча транслитирациясида келтиради; бу анализда булғор тилига оид сўзлар бошқа туркий тиллар билан лексик жиҳатдан солиштирилади. Печенег сўзлари венгер ёдноmaları ва йилномаларида ҳам кўплаб учрайди. Печенег тилидаги булғор элементлари М. Кошгарий томонидан ҳам таъкидланган эди. Бундай хусусият бир қанча олтин кўзачалардаги ёзувларда, у ёки бу халққа тегишли бўлган буюмлардаги ёзувларда сақланиб қолган. Бу ёзувлар шу пайтгача мунозарали бўлиб келди. Бир гуруҳ олимлар (В. Томсон бошчилигида) уларни булғор ёзувлари деб белгиллаган бўлсалар, бошқа гуруҳ олимлар, (Ю. Немет бошчилигида) булар печенег тилига оид ёзувлар деб атайдилар. Булғор тилининг белгилари ҳозирги қараим ва гагауз тилларида ҳам сақланиб қолган. Чуваш тилидаги олд қатор унлиларидан олдин келадиган ундошларнинг юмшалиши бу тилнинг ўғуз тилларига эмас, балки булғор тилларига хослигини кўрсатади. Олд қатор унлиларидан олдин келадиган ундошларнинг

юмшалиши қараим ва гагауз тилларида унлиларнинг олд қатор ва орқа қатор сифатида фарқланишини юзага келтирган, натижада ундошлар юмшалиши ҳам шаклланган. Масалан, *эв'а* (*эвэ* ўрнида) «уйга», *кэс'м'а* (*кэсмэ* ўрнида).

ҚАДИМГИ ТИЛЛАР

ПЕЧЕНЕГ ВА УЗЛАР ТИЛИ

Рус йилномаларида печенеглар, узлар, торклар, беренделар ва бошқа қабилалар «қора кулоҳлар» деб номланган, улар IX-X асрларда Шарқий Европада пайдо бўлишган. Яъни, VIII асрда қипчоқлар келгунгача бўлган даврда улар ўғузларнинг шимолий ва ғарбий қанотини ташкил қилган бўлиб, Сирдарё ҳавзасида яшашган.

Шимолий ва Ғарбий ўғуз уруғ қабилалари Ғарбга — Шарқий Европада силжишар экан, булғор ва ҳазар қабилалари билан аралашиб кетдилар, натижада бу ўғуз қабилалари тилида фонетик, лексик ҳамда грамматик қурилишда булғор тили элементлари ўз аксини топиб борди.

М. Кошгарий девонида таъкидлашича, печенеглар энг ғарбда—Византия давлати чегарасига яқин ҳудудларда яшашган, уларнинг тили Ўрта Осиё ўғузлари тилидан анча фарқ қилган.

Шарқдан Шарқий Европада кўчманчи қабилалар ҳаракатланар экан, улар ўтроқлашиб боришди. Биринчи туркий қабилалар қатламини хуннлар ташкил этишган, уларнинг инқирозидан кейин славян ва финлар бу туркий қабилаларга ўз таъсирини ўтказишди, ундан кейин эса булғор ва ҳазар қабилалари бирлашуви юзага келди, ва ниҳоят, ҳозирги чуваш халқи келиб чиқди. Иккинчи оқим шимолий ва ғарбий ўғуз уруғлари бўлиб, улар Шарқий Европада томон силжишар экан, булғор, сувар, ҳазар ҳамда бошқа туркий қабилалар билан тўқнаш келдилар ва ҳазарлар таркибига киришди.

Учинчи ва энг катта оқим Осиёдан Шарқий Европада келган қипчоқлар (половецлар) бўлиб, улар дастлаб, булғор ва ҳазарлар ҳудудларини забт этишди, кейин, печенеглар, торклар, беренделар яшайдиган жой-

ларни босиб олиб, янги қабилалар гуруҳини тузишди. Мўғуллар босқинидан кейин қипчоқларнинг авлодлари сифатида, бир томондан, татарлар ва бошқирлар, иккинчи томондан, этник таркибида қипчоқ-ўғуз-булғор уруғ-қабилалари белгилари қоришмасидан иборат қараимлар, қўмиқлар, қорачойлар, балқарлар пайдо бўлишди.

Ниҳоят, энг сўнги оқим мўғуллар босқини билан Шарқий Европада келиб қолди. Бу оқим қипчоқ қабилалари эди. Қипчоқларнинг бундай кучли оқим билан келиб қолиши татарлар ва бошқирлар тилининг шаклланишини тезлаштирди.

Шундай қилиб, печенеглар ва узлар генетик жиҳатдан ўғузлардан шаклланган, улар ғарбга силжиш жараёнида ўзларининг қабила тузилишини ўзгартириб бордилар ва булғор тилининг айрим хусусиятларини ўз тилларига мужассам қилиб олдилар. IX асрнинг охирига келиб печенеглар Қора денгиз чўлларида Донгача чўзилган катта ҳудудга эгалик қилишди. Уларга қўшни бўлиб X асрда энг катта кучга эга бўлган Ҳазар хонлиги яшарди, унинг ҳудуди Дондан қуйи Волгага қадар чўзилган эди. Ҳазарлар давлати кучсизлангач, булғорлар, печенеглар, волга булғорлари ҳамда дунай булғорларига бўлиниб кетишди.

М. Кошгарийнинг ёзишига қараганда, печенеглар, узлар, торклар, беренделар ва бошқа ўғуз уруғ-қабилалари X-XI асрларда булғорлар тили таъсирига учради, бир оз кейинроқ эса унга қипчоқ тили элементлари синга бошлади.

Шарқий Европадаги печенеглар, узлар, торклар беренделар ва бошқа ўғуз қабилаларининг IX-X асрлардаги тиллари ҳақидаги маълумотлар айрим атамаларда уруғ, қабила номларида, унвонлар таркибида, айрим тарихчи олимлар ёзувларида, хусусан, Византия ёзувларида сақланиб қолган. Ю.Немет ва П.Голубоскийларнинг византия ва бошқа ёзувлар асосида амалга оширилган транскрипцион ёзувлари айниқса қимматли.

1. Уруғ номлари

Йабди Эрдим
Күзэрчи Чур
Кабуқшын Йула

2. Қалъа номлари

Тўн -қатай
Қарақ -қатай
Салма-қатай

Суру Кулбэй
Боро Толмач
Було Чопон (Чабан)
Йазы Қопон
Кара Бай

Сақа-қатай
Йайу-қатай

3. Хонлар номи

Майчан
Куэл
Қорқут (ан)
Й(а)пан
Кайгум

Қотан
Йазы//Йазай
Бота(н)(уул)(900-920)

Ю. Немет Надь-сен-Миклош қишлоғидан топилган олтин идишларда ёзилган печенег тилидаги матнларнинг транскрипцияси ва таржимасини амалга оширган. Ю. Немет ва бошқа олимлар саъй-ҳаракати билан юзага келган ишлардан Шарқий Европада яшаган ўғуз қабилаларининг тиллари қонуниятлари ҳақида айрим хусусиятларни аниқлаш мумкин. Печенеглар тили қипчоқ тилининг бир кўриниши бўлганлигини қуйидаги далиллар тасдиқлайди:

фонетика соҳасида:

а) сўз охиридаги *г,г>й* га ўтади, масалан, *бэг>бэй* (Суру Кулбей) «бек»; *қатаг> қатай* «қаттиқ»;

б) *к/г>в* ўтиши, масалан: *көкэл, көкэрчи>күвэл*, *ку вэрчи* «кўкроқ», «яшилроқ»;

в) сўз бошида *g<t* ўтишинингнинг мавжудлиги, масалан: *дүгэтуги*;

г) унлилардаги лаб уйғунлигининг борлиги, масалан: *Йазы Қопон, Була Чопон* ва ҳ. к.;

лексика соҳасида:

Печенег сўзлари орасида ўғуз-қипчоқ сўзларининг мавжудлиги; масалан: *қара* «қора», *сақа* «ўзиники», *салма* «ирмоқ»;

грамматика соҳасида:

Қипчоқ ва ўғуз тиллари учун сўз ясалишининг

умумийлиги: *-ма/-ме* (масалан, *салма* «ирмоқ»); *-ан/-эн* (масалан: *Қорқутан, Йапан, Қотан* ва ҳ. к.); *-чы/-чи* (масалан: *Куэрчи Чур* ва ҳ. к.).

ҲОЗИРГИ ТИЛЛАР

ГАГАУЗ ТИЛИ

Гагаузлар Украина ва Молдавиянинг Бендера ҳамда Измаил (200 м. к.) районларида, Шимолий Болгарияда ва Руминияда (5 м. к.) яшашади. Гагаузлар бессарабия гагаузлари, дунай орти гагаузларига — булар ҳам ўз навбатида, шимолий ёки болгар ҳамда ғарбий ва греция гагаузларига бўлинадилар.

Худуд жиҳатидан турли-туман жойларда гагаузларнинг жойлашуви турли шева ва диалектларни келтириб чиқарган. Бироқ бу элементларнинг барчасида ўғуз тили белгилари устун. Лаҳжалар, асосан, лексик моҳият касб этади.

Гагауз тилига болқон турклари, гажал, тозлуқ, герловликлар, қизилбошлар, юрук, қараманли, сургуч қабилаларининг тиллари яқин. Гагаузлар ва болқон турклари булғор, ўғуз, қипчоқ уруғларининг авлодлари ҳисобланади.

Шунингдек, гагауз тили ўғуз тили гуруҳига кириши билан бирга, булғор тили билан алоқадор, хусусан, қипчоқ-половец ва қараим тиллари билан ҳамкорликда яшаб келган.

Бундан ташқари, гагауз тилининг шаклланишида роман (румун ва молдавия), ва айниқса, славян (рус ва болгар) тилларининг ҳам таъсири сезиларлидир. Бу таъсир нафақат лексика соҳасида, балки синтаксисда ҳам мавжуд. Гагауз тилида гап қурилиши, гапда сўзлар тартиби рус тилидаги кабидир.

Гагауз тили бошқа ўғуз тиллари сингари қуйидаги хусусиятларга эга:

а) булғор гуруҳига кирувчи қараим ва чуваш тиллари каби тил олди унлиларидан олдин келган ундошларнинг юмшалиши, яъни: *э>а* *б'ан*, (*бэн* ўрнида), *эв'а* (*эвэ* ўрнида) «уйга», *д'армиш* (*дэрмиш* ўрнида) «деган», *кэс'м'а* (*кэсмэ* ўрнида) «кесма»; *ј>'у*, масалан: *аач ј'ст'ун'а* (*агач уст'унэ* ўрнида).

б) иккинчи чўзиқли унлиларнинг *г* ёки *г* ўрнида қўлланиши: *яъни, аг>аа, уг>уу.*

аа<ага, ыга, ағы, масалан, аач<агач «ёгоч»;

ээ<эгэ, игэ, эги, масалан; эшээ<эшэгэ «эшакка»;

оо<ого, огу, уга, ога, масалан: боодай<боғудай «бугдой»;

уу<уту, уги, уйу, масалан: буюк<буйук, «буюк»;

ыы<ыгы, ыгу, масалан: сыыр<сыгир «сигир»;

иу<иги, игу, эги, масалан: гуил<гэгил «ема»;

в) *нл, нд>нн* ўтишининг борлиги, масалан: *оннар < онлар «улар», алтыннары<алтынлари «олтинлари»;*

г) женский род кўрсаткичининг *-ка/-йка* шаклида мавжудлиги, масалан: *комшу-йка (комшу сўзидан) «қўшни аёл», былдыс-ка (балдис сўзидан) «қайин сингил»;*

д) *-мақ// -мэк* ҳаракат номи ясовчи қўшимчаларидан *к/қ* нинг тушиши: *гитма<гитмак «кетмоқ»;*

е) жўналиш келишиги ўрнига бош келишик қўшимчасининг қўлланиши: *г'итмиш орайы (арайа ўрнида).*

1917 йилга қадар гагауз халқининг миллий тили мавжуд эмас эди: фақат XIX асрнинг охирида рус графикасидан фойдаланила бошланган. Лекин румин буржуазияси бунга йўл қўймади. Гагаузлар Молдавия тасарруфига ўтгач, улар бу графикадан кенг фойдалана бошлашди.

БОЛҚОН ТУРКЛАРИ ТИЛИ

Болқонда турк қабилаларининг пайдо бўлиши икки даврга ажратилади: биринчидан, қадимги даврларда Қора ва Касбий денгизларидан юқорироқдаги худудлар орқали Шарқий Европага силжиган печенег, уз, торк қабилаларининг келиб қолиши билан, иккинчидан, анча кейинги даврларда — салжуқлар ва усмонийларнинг жанубдан кириб келиши жараёнида юз

берди. Болқонда туркларнинг ҳукмронлик қилиши иккала гуруҳ тилларининг мавқеини анча бараварлаштирди. Бундай ҳолат ҳамма диалектларда бир хил кечмади. Болқон туркларнинг тили турк тилидан анча фарқ қилади. Унда гагауз тилига ҳам ўхшаш жиҳатлар мавжуд.

В.А. Мошков (1904 й.)нинг таснифига кўра Болқон турклари икки тоифага бўлинади: биринчиси, мусулмон турклари бўлиб, бу гуруҳга усмонийлар, гажаллар, тозлуқлар, герловлилар, қизилбошлар, юруқлар киради; иккинчиси, христиан турклари ҳисобланиб, улар караманлилар, гагаузлар ва сургучлардир. Бироқ бу тасниф фақат диний нуқтаи назардангина бўлиб, унда тилга бўлган алоқадорлик акс этмаган.

Болқон туркларининг тили келиб чиқиш жиҳатидан турли-тумандир.

Биринчи гуруҳ туркларига печенеглар, узлар, турклар киради; қадим замонларда Болқонга шимолдан кўчиб келишган, уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1) македония гагаузлари, Шимолий Македонияда яшашади, сони 6000 киши;

2) сургучлар (сони 9000 киши) ҳам ўзларини гагаузлар деб ҳисоблашади. (В.А. Мошковнинг изоҳлашича, уларнинг келиб чиқиши печенегларга бориб тақалади (печенег уругининг номи *сур+гуц<гуз<ўгуз*) Адрианопол районида яшашади;

3) гажаллар печенег, уз ва торкларини авлодлари бўлиб, Делиорман туманида истиқомат қилишади. Бу район Рушук, Силистри, Варна қалъалари ўртасида жойлашган.

Иккинчи гуруҳ турклари турли йўллар билан келиб қолган, улар Кичик Осиёда яшаган пайтларида болгар ва греклар билан чатишган турклардир. Бу гуруҳга: 1) юруқлар Боязид даврида (1398-1402) Кичик Осиёдан келиб қолишган, ҳозир Македонияда яшайдилар; 2) караманликлар (кўп қисми греклар билан чатишган) ҳам Кичик Осиёдан келиб қолишган. Уларнинг асосий қисми Кессарида яшайди; 3) қизилбошларнинг сони анча кам бўлиб, Герлово ва Делиорманда яшайдиган мусулмон сектантларидир; 4) тозлуқ турклари ва герловликлар турклар билан болгарларнинг чатишиб кетишидан юзага келишган, Герлово ва Осмон

бозорда яшашади.

Биринчи гуруҳ болқон туркларини тили гагауз тилига ўхшаш. Масалан, гажал тилида э>'а фарқланиш мавжуд: сэн>с'ан, гитмак>гитма каби.

Иккинчи гуруҳнинг бир қисми турк тилига (караманли, тузлуқ турклари) ҳамда озарбайжон тилига (юруқлар) ўхшайди. Караманлилар грек алифбосида иш олиб боришади.

ЎҒУЗ-САЛЖУҚ КИЧИК ГУРУҲИ

Ўғуз-салжук кичик гуруҳига кирувчи тиллар, бир томондан, ўлик тил бўлган салжук тили ва бу тилда битилган асарлар сирасига Қиссаи Юсуф достони (1233) «Рабабнома» — Жалолиддин Румийнинг шеърларига Султон Валаднинг «Салжукча кўшиги», «Ғарибнома» (1329-30), «Насафийлар кўшиги» (1332), «Тазкиратул авлиё» (1340), Бурҳониддин Сивосийнинг «Девон»и (1345-1397) киради. Иккинчи гуруҳга қадимги усмонийлар тили киради ва бу тилда «Искандарнома» (1390), «Ғамдан кейинги шодлик», (1415), Ҳ.Вамбери томонидан нашр қилинган. «Ибн Биби йилномаси» (1421-25) «Қуръонга шарҳлар» (1499) ва бошқа асарлар битилган. Бу гуруҳга озарбайжон ва турк тиллари мансубдир.

ҚАДИМГИ ТИЛЛАР

САЛЖУҚ ВА ҚАДИМГИ УСМОНИЙЛАР ТИЛИ

Салжук тили қадимги тилдир, қадимги усмонийлар тили бир оз кейинроқ шакланган, ўғуз тилининг жанубий тармоғига мансуб, улар дастлаб Ўрта Осиёда — Сирдарёнинг қуйи ҳавзасида яшашган, X-XI асрларда Хоразм, Кичик Осиё, Эрон ва Кавказга кўчиб ўтишган ва бу номларни айна шу даврда олишган. Умумий ўғузлик хусусиятини, дастлаб салжуклар, сўнг усмонийлар олишган; кейин улар икки алоҳида тилга бўлинишди (XI-XI ва XIV-XIX асрларда). Бу тиллар ўзига хос фонетик, лексик ва грамматик қурилишига эга. Бу хусусият-

лари билан Ўрта Осиё ўғузлари тилидан ҳам, анча кеч шакланган ҳозирги турк тилидан ҳам фарқланади.

Асосий фарқлар қуйидагилар:

фонетика соҳасига:

- з ўринда с қўлланишининг мавжудлиги ақлинг ва аксинча, масалан: **کاندننگا باقماقل** «ўзинга боқмагин»;
- қ ўринида х қлланиши, масалан **بندخ** «топдик»;
- сўз боши *g* ўрнида *m* қўлланиши, масалан: **تورتنجى** «тўртинчи» (**دورتنجى** дўртинчи ўрнида);
- х ва г қўлланишидан беқарорлик: **دخدن** «ғамдан»;
- сўз бошида б ўрнида м қўллашени: **منگ** «мың», **بنگ** «бың» ўрнида ва ҳ.к.

грамматик қурилишга:

- لى -ли **لى** -ли от ясовчи қўшимчаларнинг ўрнида қўлланиши; **لىلىق** -лык/-лик
- бан **بن** равишдош қўшимчасининг борлиги: **قويوبان** «қўюбан»;
- гил/-гил **غلگىل** буйруқ истак майли қўшимчаларнинг мавжудлиги; **قويغىل** «қўйгил», **كەلگىل** «келгил»;
- қадимги олмошлар: кандаз **كەندەز** (кандаз) «ўз» **اولرى** (улри) «ўша» нинг борлиги;
- دگن (-гача) қўшимчанинг мавжудлиги;
- сонларда кўплик қўшимчасининг борлиги; **اوج يوز اعلى خلغلنار** «уч юз олий хилатлар»;
- равишдошлар -ы, -у билан келганда мақсад маъносини англатиши;

لугат бойлигига: **بالغذ** «бир»; **جفر** (май), **قمو** (ҳамма) сўзларининг ишлатилиши.

Салжук тилидаги сақланган ёзма ёдгорликлар анча кеч битилган ҳамда транскрипцияда ёзилган ёдгорликлар ҳисобланади. Улар эски усмонлилар тилининг асосий хусусиятларини сақлаган, чунки салжук тили эски усмонлилар тилининг бошланғич даври эди.

ҲОЗИРГИ ТИЛЛАР

ОЗАРБАЙЖОН ТИЛИ

Озарбайжон тили—Озарбайжон Республикасининг миллий ва давлат тилидир (оғзаки нутқда *азербиджан*, *азербейжан*) ёки озарбайжон турклари (оғзаки нутқда *озарбайжон ёки кавказ орти татарлари*). Озарбайжонларнинг умумий сони 10 млн. кишидан кўпроқ, шундан 5 миллиондан кўпроғи Эронда яшайди. Озарбайжонлар кўп уруғли халқ ҳисобланади, яъни улар Эронда яшовчи шаҳсуванлар (250 минг), кожарлар (35 минг) қашқайлар (500 минг), нафар, баҳорлу, инонлу, теймурташ, қарал, хуросони, пичоқчи, гарагозли (туркман ва озарбайжон қабилалари қоршимасидан келиб чиққан (350 минг киши); авшарлар Эрон ва Афғонистонда (500 минг киши) истиқомат қилишади; қорапапахлар ёки терекемлар Туркия ва Эронда яшашади (100 минг киши) каби этник гуруҳларни ўз ичига олади. Озарбайжон тили ўғуз тиллари гуруҳининг ўғуз-салжук кичик гуруҳига киради.

Озарбайжон тили келиб чиқиши жиҳатидан VIII-XV асрлардаги Ўрта Осиё ўғуз қабилаларига бориб тақалади, бу қабилалардан ҳозирги кўпгина туркий тиллар келиб чиққан. Озарбайжон тилига энг яқин бўлган тил — бу турк тилидир. Бироқ ўз тараққиёти даврида бу тиллар сезиларли фарқларни ҳам юзага келтиришган:

фонетикага:

а) турк тилида мавжуд бўлмаган тўққизинчи э унлисининг борлиги;

б) баъзи шева ва лаҳжаларда *г* ҳамда орқақатор бурун товуши *ң* нинг мавжудлиги;

в) жарангли ундошларнинг жарангсизлашуви.

грамматика соҳасига:

а) грамматик курилишда -ыр ва -ар қўшимчаларининг турли маъно касб этиши: *алыр* «олаяпти», *алар* «олар».

б) ўтган замон шаклларининг уйғунлашмаслиги: *г'алдох//г'алдых* «келдик»;

л у г а т б о й л и г и г а — форсча ва русча сўзларнинг кўплиги.

Озарбайжон жонли тили бир неча шева ва лаҳжалардан иборат, уларни қуйидаги беш гуруҳга бўлиш ўринли ҳисобланади:

1. Шарқий шевалар гуруҳи (Каспий денгизи қирғоқлари шевалари). Бунга кубан, дарбант, боку, шамахин, саян, ленкаран шевалари киради. Асосий белгилари:

а) бурун товушларининг ҳамда веляр *р* нинг йўқлиги;

б) сўз охиридаги жаранглашувнинг қатъийлиги: *китаб, агаж* «ёғоч»;

в) кенг унлиларнинг тор унлига ўтиши.

2. Ғарбий гуруҳ шевалари (Озарбайжоннинг шимолий-ғарбий қисми шевалари). Бунга қозоқ, борчалин, айрум шевалари киради. Асосий белгилари:

а) сўз бошидаги *й* ни тушиб қолиши: *мурта* < *йумурта* «тухум»;

б) сўз ўртасида *б>в* ўтиши: *бава*<*баба* «бобо»;

в) сўз охирида портловчи ундошнинг сиргалувчига ўтиши: *алыф* < *алып* «олиб»;

г) веляр бурун товуши *ң* нинг сақланиши: *алдыңыз* «олдингиз» ва ҳ. к.

3. Шимолий гуруҳ шевалари (Озарбайжоннинг шимолий қисми шевалари). Бунга нухин, зақатал, қутқаш шевалари киради. Асосий белгилари:

а) бурун товушларининг борлиги;

б) *п>т* алмашинуви: *кэлитди*<*кэлитти* «келибди».

4. Жанубий гуруҳ шевалари (Озарбайжоннинг жанубий қисми). Бунга ереван, нахичеван, урдубод шевалари киради.

5. Марказий гуруҳ шевалари (Марказий Озарбайжон). Бунга кировобод, қарабоғ шевалари киради. Белгилари:

а) сўз ўртасида *ж>ж* ва сўз охирида *ж>ш* ўтиши: *ҳажи* «ҳожи», *агаш* «ёғоч»;

б) сўз охирида унлидан кейин *б>в* ўтишининг борлиги: *див*<*диб* «дев»; *Гурван*<*Гурбан* «Қурбон»

Озарбайжон шевалари тизимида қуйидаги этник

гуруҳлар ҳам киради: қашқайлар (Эрон Озарбайжони), терекемлар ва қизилбошлар шеваси гарбий гуруҳ шеваларига, асосан, қазах диалектига ўхшайди, қорапапахлар (уларнинг тили Озарбайжон ҳамда турк шеваларининг коришмасидан иборат); муғаллар шеваси шимолий гуруҳ шеваларига жумладан, зақатал шевасига мос.

Озарбайжон адабий тили бир қанча босқичларни босиб ўтган. Биринчи босқич XIV асрдан XVI асргача бўлган давр. Бу пайтда адабий тил форс тили бўлган ҳолда арабча, форсча сўзлар билан тўлиқ бўлган эски озарбайжон тили ҳам ривож топа бошлади. Иккинчи босқич XIX асрнинг иккинчи яримидан XX аср бошларигача бўлган давр.

Бу пайтда озарбайжон адабий тилининг миллий чегараси белгиланди. Озарбайжон адабий тилининг мазкур давр тараққиёти учун Мирза Фатали Охундовнинг хизматлари катта бўлди. Адабий тил арабча форсча сўзлардан, унинг фонетик, лексик ва грамматик нормаларида тозаланиб, халқ жонли тилига яқинлаштирилди.

Учинчи босқичга 1917 йилдан кейинги давр киради. Ҳозирги озарбайжон адабий тили учун баку-шамахин лаҳжаси асос қилиб олинган.

Озарбайжон адабий тилидаги ёзув 1923 йилгача араб алифбосида, 1923-1939 йиллар лотин алифбосида, 1939 йилдан бошлаб рус алифбосида иш олиб боради.

ТУРК ТИЛИ

Турк тили Туркия Республикасидаги турк халқининг (50 млн. к.) миллий ва давлат тили. Турк миллати Болгария, Словения, Кипр, Греция, Эрон, Сурия каби Осиё ва Европа мамлакатларида (200 минг), Америкада (40 минг к.), Африка ва Австралияда (2 минг к. атрофида) тарзида жаҳон бўйлаб тарқалган. Турк тили ўғуз гуруҳининг ўғуз-салжук кичик гуруҳига мансуб. Анатолий турклари усмонийлар ёки усмонли турклар номи билан машҳур. Адабиётларда уларнинг қабилалари «оттоман турклари» ёки «оттомонлилар» деб таъкидланади. Салжуқийлар ва бошқа ўғуз қабилалари X-XI асрларда кўчиб келишган бўлса ҳам, турклар халқ сифатида XIII аср охирида шаклланди.

Ҳозирги турк тили ёзма адабий тил сифатида фақат XIX аср ўрталарида юзага келди, ҳозирги шаклга эса 1919-1923 йилларда бўлган революциядан кейин эришди. Турк жонли тили икки шевалар гуруҳидан иборат: а) дунай-турк — адрианопол, македония, адакал, босния шевалари гуруҳи; б) шарқий анатолий — кастамун, ойдин, кони, караман, сивас, анқара, смирин шевалари гуруҳи.

Турк адабий тили араб ва форс тилларининг кучли таъсири остида ривожланди. Шунинг учун эски туркий ёзма адабий тили ва халқ жонли тили услуб жиҳатидан унга бўлинади. Биринчи услуб — сўзлашув тили бўлиб, у ҳақиқий табиийлик хусусиятини сақлаган. Турк султонлари фикрича, у *каба* туркча, яъни «қўпол» турк тили деб аталади. Иккинчи услуб — буржуазия тили: бунга савдогарлар, ҳунармандлар ва шаҳарликлар тили киради (у *орта туркче* «ўрта турк тили» деб аталади) ва учинчи услуб — Туркия феодалларининг олий услубдаги адабий тили (у *фасиҳ туркче* «тоза турк тили» деб аталади) ва у арабча-форсча луғавий бирликлар билан тўлиб-тошган тил ҳисобланади.

Ҳозирги турк адабий тилининг асосини Истамбул ва Анқара шаҳарлари шевалари ташкил қилади. Адабий тилининг ривожланиши учун бошқа шаҳар шевалари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқда, бироқ қишлоқ районлари шевалари эски хусусиятларини сақлаб қолмоқда.

Турк тили ўғуз тилларининг бири сифатида бу тиллар билан фонетик, грамматик ва лексик умумийликларга эга, шунингдек, ўзига хос фарқли хусусиятлари ҳам мавжуд.

Турк тилининг луғат бойлиги араб, форс тиллари ҳисобига бойиши билан бирга, бу тилга гарбий европа тилларидан (грекча, италянча, французча, голландча, немисча) кўплаб сўзларни ўзлаштирган.

Турк ёзуви 1929 йилгача араб алифбосида олиб борилар эди, ундан кейин эса алифбо лотин ёзувида кўчди.

ҚИПЧОҚ ГУРУҲИ ТИЛЛАРИ

Қипчоқ гуруҳи тиллари бир неча кичик гуруҳларга бўлинади: 1) қипчоқ-булғор кичик гуруҳи, бу ўз навбатида: а) қадимги тиллар — олтин ўрда адабий тили

(шарқий хоразм тилидан фарқ қилади ва қипчоқ-булғор тилларидан кўра ўғуз-қипчоқ тилига яқин); б) ҳозирги татар ва бошқирд тилларини бирлаштиради; 2) қипчоқ-половец кичик гуруҳи, бунга: а) қадимги тиллар — боловец ёки қўмиқ, б) ҳозирги тиллар — қараим, қўмиқ, қорачой-балқар ва қримтатар тиллари киради; 3) қипчоқ-нўғай кичик гуруҳи, бу эса ҳозирги тиллар бўлмиш нўғай, қорақалпоқ, қозоқ ва ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасини бирлаштиради. Қипчоқ гуруҳи тилларининг шаклланиши учун уч давр асос бўлган. Қипчоқ уруғлари Фарбий Осиёга печенеглар билан биргаликда IX-XI асрларда пайдо бўлишди, XI-XIII асрларда эса улар боловец ёки куманлар билан ҳамкорликда яшашарди, ундан кейин эса Олтин Ўрда хонлигининг аҳолиси сифатида (XIII-XV) мавжуд бўлдилар. Ўрта асрлардан кейин эса қипчоқлар Астрахан ва Қозон хонликлари таркибидаги асосий аҳоли бўлиб ҳисобланадилар; улар ўзбеклар давлатининг, Катта Нўғай ўрдасининг энг йирик уруғи эдилар. Шунинг учун ҳам қипчоқларнинг бир тармоғи қорақалпоқ ва қозоқ тилларининг, шунингдек, ўзбек тилининг бир лаҳжасининг юзага келиши учун ҳам хизмат қилганлар. Қипчоқларнинг бир қисми булғорлар билан қоришган ҳолда, аввал, Олтин Ўрда, кейин, Қозон ва Астрахан хонликлари таркибига кирувчи халқларнинг авлоди бўлмиш ҳозирги татар ва бошқирдларнинг юзага келиши учун таъсир кўрсатишган ва натижада булғор ҳамда қипчоқ элементларини ўзида мужассам этган қипчоқ-булғор кичик гуруҳи тилларининг юзага келишига сабаб бўлган. Қипчоқ-половец кичик гуруҳи, бир томондан — қадимги боловец ёки куман тилига, иккинчи томондан — ҳозирги жонли тиллар: қараим, қўмиқ, қорачой-балқар ва қримтатар тилларига боғланади, бу тилларнинг соҳиблари бевосита боловецларнинг авлодлари ҳисобланадилар. Ниҳоят, қипчоқ тиллари орасида энг кейин шаклланган тиллар қипчоқ-нўғай тиллари бўлиб, улар XIV-XVI асрларда юзага келишган; қипчоқ-нўғай тилларининг кейинги авлодлари эса нўғай, қорақалпоқ, қозоқ ва ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси ҳисобланади.

Фарбий Осиё ва Шарқий Европада қипчоқ тилининг ривожланиши мўғуллар босқинигача бўлган даврда мавжуд эди, бу пайтдаги қипчоқ тили нафақат туркий

тиллар (булғор ва ўғуз), балки славян, эрон, фин-угор ва бошқа уруғ-қабилла тиллари билан ҳамкорликда тараққий қилди. Бу давр шуниси билан характерлики, туркий тилларга славян, фин-угор ва форс тилларидан лексик бирликлар кўплаб ўтди, ўз навбатида, қипчоқ тилларидан ҳам юқорида қайд этилган тиллар бир талай сўзларни ўзлаштириб олди. Шу даврга келиб Фарбий Европа ва Шарқий Осиёда яшаётган қипчоқлар ислом динининг таъсири остида араб тилидан ҳам бир талай сўзларни ўз тиллари таркибига киритдилар.

Қипчоқ тили тараққиётининг иккинчи даври мўғуллар босқинидан кейинги вақтга тўғри келади. Қипчоқларнинг таъсири натижасида Олтин Ўрда хонлиги қулагандан сўнг қипчоқлар Қозон, Астрахан, Қрим хонликлари таркибига ўтишди, шунингдек, Сибир хонлигининг муайян қисмини, ўзбеклар давлатининг ҳамда Нўғай ўрдасининг асосий қисмини ташкил этишди.

ҚИПЧОҚ-ПОЛОВЕЦ КИЧИК ГУРУҲИ ТИЛЛАРИ

Бу гуруҳ ўзида қипчоқ (половец ёки қўмиқ) қадимги тилини, қараим, қўмиқ, қорачой балқар ва қримтатар каби ҳозирги тилларни бириктиради. Қипчоқ-половец тили кечроқ шаклланган, у қадимги ҳазар, булғор тиллари замирида Олтин Ўрда ҳудудида юзага келган.

Қипчоқ - боловец тилларининг умумий хусусиятлари:

- а) -с, ўрнида -ш қўлланиши *тас* ўрнида *таш*, (*ш* ўрнида *ч* қўлланиши: *қаш* эмас *қач*;
- б) *ж/ж* ўрнида *й* қўлланилиши: *жол*, ўрнида *йол*;
- в) унлилар тизими қипчоқ-нўғай тилларида тўлиқ, қипчоқ-булғор тилларига қисман тўғри келади;
- д) *н/г-т* нинг ассимиляциялашмаслиги;
- е) қаратғич ва тушум келишигини қўшимчалари қўлланишининг қатъийлиги.

Шунингдек, бу кичик гуруҳга кирувчи тилларининг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд.

ҚАДИМГИ ҚИПЧОҚ (КУМАН ҒЕКИ ПОЛОВЕЦ) ТИЛИ

Қипчоқ (куман ёки половец) тили XI асрда Шарқий Европада пайдо бўлиб, ҳудуди Дашти Қипчоқдан Қора денгиз бўйларигача (Қрим ва Болқон ярим оролини ҳам ўз ичига олган) чўзилган эди. Унинг таркибида ўз (<оғузлар), печенег, торк, кавуй каби ўғуз қабилалари кирган. Сақланган ёдгорликлар тилида қипчоқ тилининг элементлари ҳам (*тав*, *тув*-, *був*ун) ўғуз тилининг элементлари ҳам (*тағ*-, *туғ*- // *тоғ*-, *боғун*) учрайди.

Қипчоқ (куман ёки половец) тили ҳақидаги маълумотлар М. Кошғарий лугатида (топонимлар ва антропонимлар), XIII аср ўрталаригача бўлган йилнома-ларда, венгер хроника ва афсоналарида ҳам қайд қилинган. Шунингдек, «Игор жангномаси»да ҳам айрим далиллар бор.

Қипчоқ тилига оид асарларнинг аксарияти мўғуллар босқинидан сўнг юзага келган: туркча-арабча лугат (1245, Г. Хоутсм 1889 йил Лондонда чоп қилдирган), половец ва рус тилларидаги лугат қолдиқлари (М.Н.Оболонский 1850 йилда, В. Банг 1911 йилда нашр қилдирган) шулар жумласига киради.

Қипчоқ тили ҳақидаги энг катта асар лотинча-форсча-қипчоқча лугат «Codex Cumanicus» (XIII) ҳисобланади.

Бундан ташқари, қипчоқ тилига оид араб тилида яратилган Абу Ҳайённинг «Китоби булғот» (1313), XV асрда яратилган муаллифи номаълум бўлган грамматикани (1928 йил Стамбулда нашр қилинган) ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

Қипчоқ тили ҳақидаги энг сўнгги маълумотларни Падолский арманларидан бири Киевда сақлаган (сақлаган кишининг ўзи эса Иккинчи жаҳон уруши йилларида вафот этган) ёзувлардан билиб олиш мумкин.

Бу тил қипчоқ тили элементлари билан бирга ўғуз ва бўлғор тиллари унсурларини ҳам ўзида мужассам этган.

Қипчоқ-половец тили бошқа қипчоқ тилларидан қуйидаги белгилари билан фарқланади:

ф о н е т и к а г а - *с/ш* нинг алмашилиб қўлланиши: *таш/тас*; сўз бошида *ж/ж* ўрнида *й* қўлланиши.

г р а м м а т и к а г а - сифатдош қўшимчалари *-ур²* ва *-ар²* нинг тенг қўлланиши, ҳаракат номи қўшимчаси *-мақ²* нинг *-ув²* га нисбатан фаол қўлланиши.

Қипчоқ тилини ўрганишда энг катта асос бўладиган асар «Codex Cumanicus» бўлиб, уни ўрганиш жуда кўп олимларни қизиқтирган: биринчи бўлиб 1928 йилда Клопрот нашр қилдирган, асарнинг иккинчи нашрини анча тўлдирилган, таржимаси ва шарҳи билан Т.Кун тайёрлаган, В.В.Радлов, С.Е.Малов, П.М.Мелиоранский, В.А. Гордлевский (С.Е. Малов «Игор жангномаси» асосида) мазкур асар устида илмий изланишлар олиб боришган.

Т.И. Грушин ҳам подолский арманлари маълумотлари асосида бир талай ишларни амалга оширган. Шунингдек, В.Банг, Ш.Дени, даниялик олим К.Грөнбеклар асарнинг факсимали ва лугати устида ишлашган.

ҲОЗИРГИ ТИЛЛАР

ҚАРАИМ ТИЛИ

Қараим тили (*қарай*), Литванинг Вильнюс шаҳрида, Троки ва Поневежис, Украинанинг Луцк ва Галич шаҳарлари кесишмасида, шунингдек, Қрим яқинидаги Евпатория шаҳрида яшовчи қараим халқининг тилидир, умумий сони 10 минг киши.

Ҳозирги қараим жонли тили уч лаҳжага бўлинади: 1) шимолий лаҳжа, бу лаҳжада Литва қараимлари, хусусан, Вильнюс ва Троки қараимлари сўзлашади; 2) жанубий лаҳжа, бу лаҳжада Лукц ва Галич қараимлари гаплашади; 3) қрим лаҳжаси.

Шимолий қараим лаҳжасининг асосий хусусиятлари:

а) биринчи олд қатор унлининг кейинги бўғиндаги унлининг орқа қатор унлиларига айланиши, ҳамда кейинги ундошларнинг ҳам юмшалиши.

Хусусан, *э>'а*, масалан: *с'анг'ан* (жанубий лаҳжада *с'энг'эн*), «сендан»; *о>'о*, масалан: *к'ол'аг'а* (жанубий лаҳжада *колэгэ<колэнкэ* «соя»);

б) *н>н* ундошларининг *й* га ўтиши, масалан, *майа*

(жанубий лаҳжада *мана* <мана) «менга» (жанубий лаҳжада *атаң* <атан) «отанг».

Жанубий лаҳжанинг шимолий лаҳжадан асосий фарқлари:

а) лаб ундошларининг лабланмаган ундошларга ўтиши масалан: *эл'эн* (шимолий лаҳжада *ол'ган*) «ўлган»; *ү>и* ўтишининг борлиги, масалан: *иц* (жанубий лаҳжада *уч*; «уч»; *с* нинг *ш* га ўтиши: *илис* (жанубий лаҳжада *улуш*) «улуш».

б) сирғалувчи *ш* ундошнинг *с* га (*ш>с*) ўтиши, бу ҳолат билан балқар тили ҳамда татар тилининг барабин шевасига ўхшайди, масалан: *йасырин* (шимолий лаҳжада *йащырын* «яширин», *ч>ц* алмашинуви, масалан: *балциқ* (шимолий лаҳжада *балчых*) «балчик»; *ж>з* алмашинуви, масалан: *ацы занлы* (шимолий лаҳжада *ачи жанли*) «гамгин».

в) бирикмалардаги ўтиш *т'и-г'и>к'и<г'и*, масалан: *к'ис* (*тиш* ўрнида) «тиш»; *к'ийэрмэн* (*т'ийирмэн* ўрнида) «тегирмон»;

г) *э>о* олдидан *л'>л* га ўтиши: *эл'эн* (*э'л'ан* ўрнида) «ўлган».

Қараим лаҳжаси ўзининг қримтатар тилига яқинлиги билан характерланади.

Қараим тили туркий тилларнинг мўғуллар босқинигача бўлган хусусиятларини сақлаган. В.В. Радлов ва Т. Кавалёвларнинг фикрича, қараим тили половец тилига яқин, қараимлар эса половец (куман)ларнинг авлодларидир. Ҳозирги қараимларнинг тиллари энг қадимги туркий қабилалардан ҳисобланади, далилларнинг кўрсатишича, улар, дастлаб, булғор, ҳазар, ўғуз ёки ўз, печенеглар қабила иттифоқига, кейин, қипчоқ-половецлар иттифоқига киришган. Қипчоқ-половецлар иттифоқи мўғул-татарлар таъсири туркий халқлар тилига сингиб бораётган бир даврда шаклланди ва шундан кейин половецлар қараимлар таркибига ўтишди. Чунки Шарқий Европада қараимлар ҳазарлар ва бошқа туркий халқлар билан ҳам диний, ҳам этник умумийликка эга эди. Қараим халқи таркибининг кўп уруғли бўлганлигини бу тилда мавжуд бўлган кўплаб лаҳжалар, шевалар кўрсатади. Т. Ковалёвнинг фикрига кўра, половец тилининг хусусиятлари қараим тилига мўғуллар босқинидан сўнг ўтган. Шунинг учун ҳам бу ўзлашмалар ўзида

половецлик хусусиятини ҳозиргача сақлаб қолган.

Юқоридаги далиллар қараим тилининг Фарбий Хунн тармогининг қипчоқ тиллари гуруҳидаги қипчоқ-половец тиллари кичик гуруҳига киришини кўрсатади. Қараим тили қипчоқ-половец тиллари кичик гуруҳининг умумий хусусиятларини ўзида жам қилиш билан бирга ўзига хос асосий белгиларига ҳам эга.

Яъни: *а* (олд қатор унлилардан олдин ва кейин келадиган ундошларнинг юмшалиши натижасида унлилар алмашинуви: *э<'а, о>'о, ү>'у*, масалан, *к'озумг'а* (*көзумгэ* ўрнида), «кўзимда», *өз'н'* (*өзэн* ўрнида) «ўзан»;

б) сўз ўртаси ва охирида *ң>й* ўтилиши: масалан: *майа* <*мана* <мана «менга», *бардый* >*бардың* «бординг», шунингдек *а>э* ўтиши, масалан: *барсэй* (*барсай* <*барсан*) «борсанг».

в) *л>н* бирикмасининг ўтиши, масалан: *унлу* <*улуу* «улуғ»;

г) бирикмадаги *й* редукцияси, *йы>йи>и*, шу каби *йү>ү*, масалан: *иңлар* <*йылар*, «йиллар»; *игит* <*йигит* «йигит» ва *ур'ак* <*йурак* «юрак».

д) қаратқич келишигининг *-н*, билан тугаши, яъни *-нын* /*-нин* (бошқа тилларда *-нын/-нин*);

е) гапда сўз тартибининг ўзига хослиги, бу хусусият рус тилидаги сўз тартибига ўхшайди, масалан, (аниқловчи + аниқланмиш) *чачы башының* «бошининг сочи» (волосы головы).

Шундай қилиб, қараим жонли тили қатор белгиларига кўра мустақил тил, бироқ, у бир томондан, қадимги қипчоқ (половец) тиллари гуруҳига кирса, иккинчи томондан, шу гуруҳга хос бўлган ҳозирги тилларнинг хусусиятларини ўзида мужассам этган.

Қараим ёзуви дастлаб иудаистлар ёзувида шакланган бўлиб, тор доирада — фақат диний ишларда ишлатилган, яъни, черков китобларини ёзишдагина қўлланган. Фақат ХХ аср бошларида қадимги еврей алифбоси асосидаги қараим ёзувида вақтли матбуот — газета ва журналлар нашр қилина бошланди, бу маданият йўналишлари фақат таржима характерига эга эди; қараим тилида нашр қилинган поэзия, фольклор намуналари ва бошқа ёзувлар фақат тажримачилик характерига эга, тарқалиш доираси ҳам жуда тор эди. Ҳозирги қараимлар эса Литва таркибига киришган, улар

рус тилидан ҳамда кирилл ёзувидаги қараим адабий тилидан тўлиқ фойдаланишмоқда.

ҚЎМИҚ ТИЛИ

Қўмиқ тили Доғистонда яшовчи қўмиқлар тили бўлиб, уларнинг (умумий сони 200 м. к.) тиллари қипчоқ тили гуруҳининг қипчоқ-половец кичик гуруҳига киради. Бу тил мўғуллар босқинига қадар қипчоқ ва ўғуз қабилаларининг бирлашувидан юзага келган. Қўмиқ тили бошқа қипчоқ ҳамда қипчоқ-половец тилларидан (лексик хусусиятларидан ташқари) қуйидаги белгилари билан фарқланади:

а) сўз бошида жарангсиз к ўрнида г жаранглисининг қўлланилиши: масалан: *гиши* (киши ўрнида);

б) портловчи-чўзиқ х, ҳ ундошларининг борлиги;

в) қўмиқ тили учун қуйидаги грамматик шаклларнинг мавжудлиги характерли: равишдош шакллари *аган/-эгэн*, қаратқич келишигининг қисқа шакллари *-ни/ны*, сифатдош қўшимчалари *-ар/-эр* ва *-ыр/-ир* нинг қўлданилиши.

Қўмиқ тилининг фонетик жиҳатдан уч асосий лаҳжаси бор (лексик ва морфологик хусусиятлардан ташқари):

а) хайдақ лаҳжаси ўзининг портловчи бурун ундошларига эгаллиги билан фарқланади, яъни, *к^х, т^х, г^х, н^х* ва ҳ. к., шунингдек бошқа диссимиляциялар, масалан, *гэтмах* (*гэтмак* ўрнида) «кетмоқ»;

2) бўйноқ лаҳжаси, чўзиқ ундошларга эгаллиги билан ҳамда сўз бошидаги ундошларнинг жаранглашуви билан ўзига хос;

3) хасавюрт лаҳжаси, бу лаҳжада ундошларнинг орқа қатор артикуляцияси устун.

Қўмиқ адабий тилининг асосини хасавюрт ва бўйноқ лаҳжалари ташкил этади. Бу тил 1917 йилдан кейин ташкил топди. Қўмиқ тили дастлаб араб ёзувида, кейин латин ёзувида, 1939 йилдан кейин рус алифбоси асосида иш олиб боради. Ҳозир қўмиқ тилида газеталар, журналлар, бадиий ва сиёсий ҳамда бадиий адабиётлар, шунингдек, бошланғич ва ўрта мактаб дарсликлари нашр қилинади.

ҚОРАЧОЙ-БАЛҚАР ТИЛИ

Қорачой-балқар тили унчалик катта бўлмаган этник гуруҳлар бўлмиш қорачойликлар (*қорачайлар* 120 минг киши) ва балқарликлар (*балқар* // *малқарлар* 60 минг киши)нинг тили бўлиб, улар Кавказда ва Қирғизистонда яшовчи қипчоқ-половец кичик гуруҳига кирувчи туркий халқлардир.

Қорачой-балқар тили келиб чиқиши жиҳатидан қипчоқ тили билан мустаҳкам боғлиқ, яъни қипчоқ қабилалари тили бўлиб, қўмиқ ҳамда нўғай жонли тилларига ва половец ўлик тили билан ҳам алоқадор. Бу тил қипчоқ-половец кичик гуруҳига кирувчи бошқа тиллардан қуйидаги белгилари билан фарқ қилади:

фонетик қурилишга:

а) қорачой-балқар шеваларида ч>ц ўтишининг борлиги, масалан: *қач-* (бошқа тилларда *қач*) «қоч», *ахциц* (бошқа тилларда *ахчыч* <*ачхыч*>*ачқыч*) «очқич»;

б) баъзи сўзлар бошидаги й нинг тушиб қолиши, масалан: *ахши* (*йахши* ўрнида), *Ахйа* (*Йахйа* ўрнида) «Яхё»;

в) баъзи шахс-сон қўшимчаларидаги -н тушиб қолиши, масалан: *-ма/-мэ* (*-ман/-мэн* ўрнида — I шахс, бирлик), *-са/-сэ* (*-сан/-сэн* ўрнида — II шахс бирлик).

г) қорачойлар тилида *п,т,қ,к,г* сингари бурун ундошларнинг ва балқарлар тилида эса *с'>з'* сингари тил-тиш ундошларининг мавжудлиги;

грамматик қурилишга:

а) қаратқич келишигининг қисқарган шакли билан тушум келишиги (*-ны/-ни*) нинг шаклан бир хил эканлиги;

б) дона сонларнинг йигирмалик ҳисобининг борлиги.

Луғат бойлиги соҳасида ўзига хос қўшни Кавказ тилларидаги сўзларнинг мавжудлиги.

Қорачой-балқар тилида бир қанча шевалар мавжуд: уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси, балқар (*малқар*) диалекти ц белғили бўлиб, унда балқар-

ларнинг асосий қисми гаплашади, иккинчиси, қорачой (қарачай) гуруҳини ташкил қилувчи шевалар, бу гуруҳ ч белгили ва унда асосан қорачойлар гаплашади.

ц белгиси балқар диалектининг асосий хусусиятлари;

фонетик тузилишга:

а) ч>ц ўтиши, масалан: куцук (кучук ўрнида) «кучук», быцақ (бычақ ўрнида) «пичоқ»;

б) ж(ж)>з ўтиши, масалан: жуз (жуз ўрнида) «юз»; зыл (жыл ўрнида) «йил».

в) б/п > ф спринтизацияси борлиги, уруф (уруп ўрнида) «уриб»; цаф- (чап- ўрнида) «чопмоқ»; ч/к>х: ах цэфхэн (ақ чэлкэн ўрнида) «оқ мавут».

грамматик қурилишга:

а) шахс-сон қўшимчалари охирида н товушининг орттирилиши: кэлэмэн (кэлэмэ ўрнида) «келаман»;

б) истак майли қўшимчаси -айин (-айим ўрнида), масалан: мэн буздырайын (мэн буздырайым ўрнида) «мен буздирайин».

Л у г а т б о й л и г и г а - балқарлар тилидаги русча сўзларнинг аксарияти 1917 йилгача қабул қилинган.

ч белгили қорачой диалекти юқоридаги белгиларга қарама-қарши туради. Бундан ташқари, аралаш шевалар ҳам мавжуд. Ҳозирги қорачойлар ва балқарлар рус графикасидаги ягона алифбога ҳамда адабий тилга эга.

ҚРИМТАТАР ТИЛИ

Қримтатар тили унча катта бўлмаган этник гуруҳ тилидир. У қипчоқ тил гуруҳининг қипчоқ-половец кичик гуруҳига тааллуқли.

Қрим (таврия) татарлари тилларига кўра иккига бўлинади: а) қримликлар, шимолликлар ёки чўллик татарлар (нўғай); б) жанубий қиргоқ татарлари. Биринчи гуруҳ татарларининг тили ўзининг энг асосий белгилари билан қипчоқ-половец кичик гуруҳига мансуб.

Иккинчи гуруҳдагилари эса худди шу хусусиятлари билан ўғуз-салжук кичик гуруҳига киради. Шимолий ёки чўл татарлари қуйидаги хусусиятлари билан қипчоқ-половец кичик гуруҳига қиришини намоён қилади:

фонетик тузилишга:

а) сўз бошида ва охиридаги ҳ нинг тушиб қолиши: ава (ҳава ўрнида) «ҳаво»; саба (сабақ ўрнида) «сабо»;

б) қипчоқ-нўғай тилидаги бошқа туркий тиллардиган бир оз орқа қатор (аммо чуқур орқа қатор эмас) к нинг мавжудлиги, масалан: кун «кун» (к'ун эмас);

в) олд қатор, кенг унлилардан кейин келадиган ундошларнинг юмшалиши, масалан: соз' (сөз ўрнида) «сўз»;

г) й ундошидан кейин келувчи ундошларнинг юмшалиши, масалан: сайл'амақ<сайламоқ, байл'амақ<байламақ.

грамматик қурилишга:

а) I ва II шахс кишилик олмошидан кейин келадиган қаратқич келишиги қўшимчаси -им шаклида қўлланади, масалан: мэним, бизим (мениң, бизниң ўрнида);

б) сифатдошнинг биринчи шахс бирликдаги, бўлишсиз шакли -маз/-мэз тарзида қўлланиши, масалан: мэн йазмам (<мэн язмазим), «мен ёзмайман», мэн кэлмэн (<мен кэлмэзим) «мен келмайман».

Л у г а т б о й л и г и жиҳатидан фақат қрим-татар тили лексикасида қўлландиган сўзларнинг мавжудлиги. Масалан: балабан «катта», қаранта «оила».

Қримтатар тили юқорида таъкидланганидек, икки гуруҳга — шимолий ва жанубий лаҳжалардан иборат. Бироқ бу тил генетик жиҳатдан белорус ва литва татарлари билан ҳам боғлиқ; қримчоқлар, қрим жухудлари ҳам қримтатар тилида гапиришган.

Қримтатар тили Олтин Ўрда адабий тилида битилган кўп сонли ёзма ёдгорликлар Қрим хони ёрлиқлари ҳамда бошқа ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Ундан кейин бу адабий тил бир неча бор ислоҳ қилинди: дастлаб, ёзув араб алифбосида, сўнг лотин ва кейин рус алифбосига кўчди.

ҚИПЧОҚ-БУЛҒОР КИЧИК ГУРУҲИ

Қипчоқ-булғор кичик гуруҳи ўрта асрларда мавжуд бўлган Олтин Ўрда адабий тили замирида пайдо бўлган ва ҳозирги татар ҳамда бошқирд тилларини ўз ичига олади.

Татар ва бошқирд тиллари Олтин Ўрда ҳудудида яшаган булғор ҳамда қипчоқ қабилалари тилларининг ўзаро алоқалари жараёнида юзага келган.

XIX асргача руслар ҳамма туркий халқларни татарлар деб аташган, ҳозирги татарлар эса Волганинг ўрта оқими ҳудудида яшаганлар, уларнинг тили ҳақида Мисрда яратилган қипчоқ тили ҳақидаги грамматика ва луғатлар хабар беради.

Олтин Ўрда хонлиги қулагандан сўнг унинг ўрнида Қозон, Астрахан, Сибир хонликлари юзага келди, татар тили ҳам айна шу пайтда шаклланди.

Татар тили ҳам, бошқирд тили ҳам шаклланишда мураккаб жараёни бошидан кечирган; улар жуда кўп қабилалар тиллари замирида юзага келган. Айниқса, бошқирд тили ўзгача характерга эга, чунки бошқирдлар бошқа туркий халқлардан ажралган ҳолда тоғлар билан ўралган водийда яшаган, шунинг учун ҳам улар тилида қадимги бошқирд тилининг белгилари сақланиб қолган. Бу ҳол уни Шарқий Хунн тармоғи тиллари бўлмиш хакас, тува, ёқут тилларига яқинлаштиради, мазкур тиллар эса қадимги уйғур тили асосида юзага келган. Иккинчи томондан, ҳудудий чегараланганлик бошқирд тилининг ўзига хослигини белгилаган.

Шундай қилиб, татар ва бошқирд тиллари тарихи ва генеалогик жиҳатдан қипчоқ гуруҳининг қипчоқ-булғор кичик гуруҳига тааллуқли. Бу гуруҳ тиллари қуйидаги хусусиятлари билан қипчоқ ва булғор қабилалар тилига ўхшайди:

1. Унлилар тизимда 9 унлининг мавжудлиги билан чуваш тилига ўхшайди, ундан ўзига (яъни, фақат татар ва бошқирд) тегишли сўзлардаги унлилар билан фарқланади, э унлиси рус ва ўзбек тилига мос келади, э ва а татар ва бошқирд тилларида ўз артикуляцияси билан фарқланади. ы, ъ, ѓ, җ унлилари ўз артикуляцияси билан чуваш тилидаги лабланган ы, җ (графикада ѓ) ва ъ, җ га ўхшайди.

Шу билан бирга, бошқирд ва татар тиллари бошқа қипчоқ тилларидан унлилар тизими билан фарқ қилади: биринчидан, и, у, җ унлилари қипчоқ булғор тилларидаги э, о, ө га мос келади. Масалан, татар ва бошқирд тилларида кил- (нўғай тилида кэл-) татар ва бошқирд тилларида қул (нўғай тилида қол) «кўл», татар ва бошқирд тилларида қул (нўғай тилида қул) «кўл», иккинчидан, қипчоқ-булғор тилларида анча кенг унлилар ы, ъ, ѓ, җ бошқа қипчоқ тилларида тор ы, ъ, ѓ, җ бошқа қипчоқ тилларида тор ы, ъ, ѓ, җ дан фарқланади. Мисоллар: тат., қыз (нўғ., қыз), тат., тил (нўғ., тил), тат., тўр (нўғ., тўр-) «турмоқ», қул (нўғ., қул) «кул»; учинчидан, қипчоқ-булғор тилларида лабланган а нинг борлиги билан барча қипчоқ тилларидан фарқ қилади: қалди «қолди».

2. Ундошлар тизимида (чуваш тилидаги сингари) булғор тилларида мавжуд бўлганидек, ундошларнинг юмшалиши ҳодисаси (п, п', б, б', т, т', г, г') мавжуд эмас; ъ, ж, ж, ундошлари ўрнида қўлланувчи с ҳам қўлланмайди. Шунингдек, бошқа қипчоқ тилларидан фарқли томонларга ҳам эга: биринчидан, бошқирд тилидаги с ва татар тилидаги ш' (ёзувда ч) бошқа қипчоқ тилларидагидек ч/ш каби алмашиниб турмайди; иккинчидан, татар ва бошқирд тилларининг ундошлар тизими бошқа туркий тилларга унчалик мос келмайди.

3. Демак, қипчоқ-булғор тиллари кичик гуруҳини ундошлари татар тилидан фарқ қилади; татар тили эса бу хусусиятлари билан бошқирд тилидан фарқланади. (асосан, ундошлар тизимида). Бошқирд тили ўз консонантизми билан туркий тилнинг энг қадимги ҳолатини сақлаган; бу жиҳатдан татар тили ҳозирги шарқий тармоқ туркий тилларига (хакас, тува, ёқут) баъзи белгилари билан яқин туради.

ҲОЗИРГИ ТИЛЛАР

ТАТАР ТИЛИ

Татар тили Татаристон республикасининг миллий ва адабий тилидир. Шунингдек, татар халқи бошқа кўшни вилоятларда ва Сибирда (Томск, Барабин, Тюмень, Тобольск) яшайдилар, уларнинг умумий сони 6 млн. Бундан ташқари, Руминия ва Болгарияда 50 минг,

Туркия ва Хитойда 30 минг киши истиқомат қилади.

Татар миллий тили уч лаҳжадан иборат.

1. Марказий ёки ўрта лаҳжа, Волганинг ўрта оқимида яшовчи татарлар тили бўлиб (2 млн. киши) Татаристоннинг асосий халқи ҳисобланади. Улар қозон татарлари (қазанлы) номи билан юритилади. Марказий лаҳжанинг асосий хусусиятлари:

а) сўз бошида *й* ўрнида *ж* қўлланиши *жир* «ер»;

б) *к, г* ўрнида *ғ, қ* нинг қўлланиши;

в) *а* унлисининг икки вариантнинг мавжудлиги (рус тилидаги *а* нинг ҳамда лабланган *а'* нинг (ўзбек тилидаги сингари) қўлланиши;

г) лабланган *тор ы и й* (ёзувда *е*) нинг борлиги. Масалан, *қуш* (ёзувда *қош*) *қыш* ўрнида «қиш».

2. Ғарбий лаҳжа ёки татар тилининг мишар лаҳжаси. Бу лаҳжа вакиллари Татаристондан ташқарида Горький, Томбов, Воронеж, Рязан, Оренбург областларида, Мордов Мухтор республикасида, Бошқирдистонда яшайди (сони 500 минг киши). Бу лаҳжанинг асосий хусусиятлари:

а) сўз бошида *ж* ўрнида *й* нинг қўлланиши *йир* «ер»;

б) *қ, г* ўрнида *к, г* қўлланиши: *қарға* ўрнида *карга* «қарға»;

в) лабланган *а'* нинг йўқлиги;

г) унлиларнинг лабланмаслиги *у (о), у (ө), у, у: кэн* (*күн* ўрнида; ёзувда *көн*) «кун», *бэгэн* (*бүгүн* ўрнида, ёзувда *бөген*) «бугун»;

д) *ч>ц* ўтишининг айрим шеваларда борлиги.

3. Шарқий лаҳжа ёки сибир (туринск, барабин, томск, тюмень, ишим, ялутар, иртиш, тобольск, тар татарлари) татарлари лаҳжалари (сони 150 минг киши). Лаҳжанинг асосий хусусиятлари:

а) жарангли ундошларнинг жарангсизланиши: *б>п, г>т, з>с*;

б) *ч>ц* га ўтиши баробинлилар тилида *акца* (*акча* ўрнида) «пул»;

в) сўз бошидаги *ж>й* нинг *ч* га ўтиши.

Бундан ташқари, (асосий лаҳжалардан ташқари) аралаш шевалар ҳам мавжуд.

1. Астрахан татарлари (60 минг киши) лаҳжаси Волганинг қуйи оқимида яшайдилар, улар бир пайтлар

Кавказдан келиб қолган: юрта ҳамда кундура татарларига (Қарағач нўғайлари қабилаларидан) бўлинади, улар Волга бўйи татарлари билан қоришиб кетган. Ҳозир Астрахан татарлари Волга бўйи татарлари лаҳжасида, яъни ҳозирги татар адабий тили учун асос бўлган марказий лаҳжада сўзлашишади. Улар ўз лаҳжалари — Шимолий Кавказ нўғайлари лаҳжасининг айрим фонетик, лексик ва морфологик хусусиятларини сақлаб қолган.

2. Қосимов татарлари (10 минг киши) Қосимов ҳамда собиқ Рязан губерниясининг бошқа районларида яшайди, уларнинг лаҳжаси марказий ёки волга бўйи татарлари ва ғарбий ёки мишар (мищеряк) татарлари лаҳжаси оралигида туради. Қосимов татарлари лаҳжасининг асосий белгилари:

а) тил орқа *қ, г, х* ундошларининг тўлиқ унутилганлиги ва улар ўрнида араб тилидаги *ع* га яқин бўғиз товушининг алмашиниши, масалан: *ал* (*қал* ўрнида) «қол».

б) сўз бошида *й* ўрнида қўлланиши, масалан: *жул* (*йул* ўрнида) «йўл».

в) *и* унлисининг бошқа лаҳжаларидаги *э* ўрнида қўлланиши, масалан: *тиризи* (*тэрэээ* ўрнида) «дераза».

3. Бошқирдистондаги пермлик ёки глазовскийлик татарлар (600 минг киши) аралаш лаҳжада гаплашади; уларнинг тили татар ва бошқирд тиллари оралигида туради.

4. Урал татарлари, жумладан, нўғайбоқлар (олдинги Шимолий Урал уездида яшовчи татар-христианлар ёки «кряшёнлар») сони 150 минг киши, улар тилининг асосий хусусиятлари:

а) сўз бошида *й* ўрнида *ж* қўлланиши, масалан: *жигит*, (ёзилиши егет) «йигит».

б) қўшимчаларда *ч>с* алмашинуви: *килгис* (*килгич* ўрнида) ёзилиши «килгеч».

в) дифтонгларнинг чўзиқ унлиларга алмашиниши, масалан: *бозау* (*бузав* ўрнида, ёзилиши *бузау*) «бузоқ» *шули* (*шувый* ўрнида) «шундай»; *этә* (*әйтә* ўрнида) «айтиб».

Татар жонли тили булғор ва қипчоқ қабила тилларининг бирлашуvidан юзага келган, унинг бир тил сифатида таркиб топиши Олтин Ўрда давлати барпо

бўлган даврга тўғри келади ва шу даврдан бошлаб татарлар Ўрта Волга оқимида ўтроқлашган. Татар тили Олтин Ўрда хонлиги қулаб, Қозон хонлиги юзага келгандан кейин тўлиқ шаклланди.

Татар ёзма тили ҳам Олтин Ўрда даврида юзага келди ва унинг тараққиётида, дастлаб, уйғур тили ва ёзуви ҳамда Қорахонийлар давлати билан боғлиқ бўлди; бу пайтда ёзув ишлари котиблар мўғуллар кўлида эди.

Жўжи улусининг ғарбида ёзилиб, Қутб таржимаси (XIV) билан бизгача етиб келган «Хусрав ва Ширин» ва бошқа хон ёрлиқларида уйғур тилининг элементлари сақланиб қолган. Бу ҳолат мазкур ёдгорликлар тилининг Олтин Ўрда ҳамда Хоразмда мавжуд бўлган Марказий Олтин Ўрда тилидан фарқланишини кўрсатади.

Қадимги уйғур ёзувидан фойдаланган халқлар тилида қадимги туркий тилнинг қолдиқлари сақланиб қолган. Бу таъсир эски ўзбек тилида бўлганидек, татар тилида ҳам ўз изини қолдирган.

Олтин Ўрда ва Чигатой улусида Ўрта Осиё ёзма тили (ўрта асрларда) ривож топди. Темурийлар даврига келиб ўзбек халқининг улуг адиби Алишер Навоий араб алифбосида ижод қилди; бу даврда эски уйғур ёзуви ҳам истеъмолда эди.

Уйғур ва эски ўзбек тилларида битилган бадиий адабиёт халқ тилидан анча узоқ эди, бу анъана XIX асрнинг охиригача давом этди. Фақат XX аср бошларига келиб Волга татарлари тилидаги бадиий адабиёт юзага кела бошлади ва XX аср бошларига келиб татар тилидаги ёзма асарларнинг мавқеи кучайди.

Ҳозирги татар тилининг асосини марказий ва шимолий лаҳжа ташкил қилади. 1917 йилгача ва ундан кейинги даврларда татарлар араб алифбосидан фойдаланганлар, XX асрнинг 20-йиллари ўрталарида араб алифбосини ислоҳ қилиб, татар тили учун хос бўлмаган ҳарфларни чиқариб ташладилар, керакли ҳарфларни қўшдилар; унлилар учун махсус ҳарфлардан фойдаландилар. 20-йиллар охирида лотин алфавитига ўтилди, 1938 йилда эса рус алифбосидаги татар ёзуви ташкил этилди.

БОШҚИРД ТИЛИ

Бошқирд тили Бошқирдистон республикасининг миллий ва давлат тили (бошқирдлар сони 2 млн. киши).

Бошқирд жонли тили кўп шевали бўлиб, уларни икки лаҳжага ажратиш мумкин: кувақан ёки тоғликлар лаҳжаси. Бу лаҳжа Бошқирдистоннинг шимоли-шарқи ва жануби-шарқидаги татарлар тили ҳисобланади; иккинчи лаҳжа республиканинг жануби-ғарбий ҳамда марказий районлари аҳолисининг тилидир.

Бу икки лаҳжа лексик, фонетик, морфологик ва, шунингдек, синтактик томондан ҳам фарқланади.

Бошқирд тили лаҳжалари бир қанча ундошларнинг мослашиб келиши билан характерланади, масалан, ҳ (ёзувда *h*) с ёки с' билан мослашади, масалан, *ҳыв* (с'ыв ёки *сыв*⁰ ўрнида) «сув», *ҳы'в⁰ҳыз* («сувсиз» баъзи шеваларда, ҳ билан бошланувчи сўзлар, араб тилидан ўзлашган сўзлардан ташқари с' га ўтади; с'ы'в (*ҳы'в*⁰ ўрнида); баъзи шеваларда ҳ ундоши сўз ёки бўгин охири ҳамда бошда с/з. ўрнида қўлланади, масалан: *ақҳак* «оқсоқ», *қыҳ* (*қы'з'/қы'с'* бошқа шеваларда) «қиз», айрим шеваларда, с', ч, ҳ ундошлари с га ўтади, масалан: *салғы'* (*чалғы'* ўрнида), *ас* (*ач* ўрнида) «оч».

Бошқирд тилининг айрим диалектлари баъзи белгилари билан бошқард тилидан ҳам, бошқирд тилининг ўзи эса бошқа туркий тиллардан умумий хусусиятлари билан ажралиб туради (буни бошқирд тилининг Ғарбий Хунн тармоғининг қипчоқ-булғор гуруҳига кириши билан ҳам изоҳлаш мумкин).

Бу хусусият, айниқса, бошқирд тилининг ундошлар тизимида кўринади; унлилар силсиласи татар тили билан бир хил.

Ундошлар тизимининг асосий хусусиятлари:

а) з фақат ўзлашма сўзларда ўз сўзларида з' қўлланиши: *қы'з'*, (*қы'з* ўрнида);

б) ч фақат ўзлашма сўзларда, ўз сўзларида с фонемасининг қўлланиши: *бы'сақ* (*бы'чақ* ўрнида) «пичоқ»;

в) айрим ўзлашма сўзлар охиридаги с (масалан, татар тилидан ўзлашган) бошқирд тилидаги с' билан алмашинуви: *бас'*- (*бас*- ўрнида) «босмоқ»;

г) сўз ва қўшимчалар бошида келадиган с ундошининг (татар тилидан ёки бошқа туркий тиллардан сўзлашган) бошқирд тилидаги ҳ билан алмашинуви, масалан, *ҳы'йы'р* (*сы'йы'р* ўрнида) «сигир»;

д) сўз бошида келадиган б' ундошининг (айрим

шевалардан ташқари) *n* билан алмашинуви, масалан: *бы'сақ* (*пы'чақ* ўрнида) «пичоқ»;

е) сўз бошида татар тилидаги *й/ж/ж* ўрнида ундошининг қўлланиши, масалан: *йир* (*жир* ўрнида) «ер».

Бошқирд халқи ва тили кўплаб тил ва халқларнинг ўзаро алоқадорлигидан шаклланган, бу алоқадорликни бошқирд тилида учровчи татарча, қипчоқча ва булғорча унсурларнинг мавжудлиги кўрсатади.

Бошқирд жонли тили Олтин Ўрда хонлигининг қулашидан сўнг шаклланган бўлса, бошқирд адабий тили 1917 йилдан кейин юзага келди. Бунгача улар дастлаб, эски татар тилидан, XX аср бошларида янги татар тилидан фойдаланишган. Бошқирдистон Мухтор Республикаси ташкил этилгач, бошқирд миллий тили қувақан ва юрматик диалектлари асосида пайдо бўлган. Бошқирд ёзуви, барча ғарбий туркий халқларидагидек, дастлаб араб, кейин лотин ва энг сўнгида, рус алифбоси асосида иш олиб боради. Ҳозирги бошқирд тили ҳар томонлама ривож топган, унда кўп сонли газета ва журналлар нашр қилинади, мактаб-маориф ишлари олиб борилади.

ҚИПЧОҚ-НЎҒАЙ КИЧИК ГУРУҲИ

Қипчоқ гуруҳига кирувчи қипчоқ-нўғай кичик гуруҳи тиллари ҳозирги жонли тилларни: нўғай, қорақалпоқ, қозоқ ва ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасини ўз ичига олади. Бу тиллар Олтин Ўрда хонлигининг қулашидан сўнг шакллана бошлаган. Бу тилларнинг тараққиёти қипчоқ-половец ҳамда қипчоқ - булғор тиллари тараққиёти билан узвий боғлиқ.

Биз оддинги мавзуларда қипчоқ тилларининг хусусиятлари ҳақида маълумот бердик, энди қипчоқ-нўғай тилларининг энг характерли хусусиятлари ҳақида тўхталамиз.

Қипчоқ-нўғай тиллари қипчоқ-половец ва қипчоқ-булғор тилларидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

а) ч ўрнида *ш* ва *ш* ўрнида *с* қўлланиши, масалан: *қаш* < *қач* «қоч», *қыс* < *қыш*, «қиш»;

б) сўз охирида *n/g/m* ундошларининг алмашиниб

қўлланиши. Бу хусусиятлар ҳам қорақалпоқ ва қозоқ тилларида икки хил кўринишда:

а) *л/г, т* нинг алмашиниши нўғай ва қорақалпоқ тилида мавжуд эмас, қозоқ тилида истеъмолда, масалан: таслар (нўғай, қорақалпоқ тилларида) *тастар* (қозоқ тилида);

б) морфологик жиҳатдан келаси замон қўшимчаси *-ажақ/-эжэк* қорақалпоқ, нўғай тилларида бор, қозоқ тилида учрамайди.

ҲОЗИРГИ ТИЛЛАР

НЎҒАЙ ТИЛИ

Нўғай тили нўғай халқининг тили ҳисобланади (умумий сони 60 м. к.), улар Ставропол ўлкасининг Қорачой-Черкас мухтор вилоятида яшайдилар. Нўғай тили қозоқ ва қорақалпоқ тиллари каби *ш* < *ч*, *с* < *ш* ўтишига эга, масалан: *шық* «чиқ», *тас* «тош» хусусиятларига эга. Нўғай тили луғат тузилиши ва грамматик қурилиши билан қорақалпоқ тилига яқин турса, фонетик томондан, яъни ассимиляциянинг мавжуд эмаслиги билан қозоқ тилидан фарқланади, масалан: *тастар*, «тошлар», *қызлар*, «қизлар», *қыстав* «қишлов», *атлар* «отлар».

Нўғай тилида уч асосий лаҳжа бор: 1. Оқ нўғай лаҳжаси - бу лаҳжада Черкасия автоном областида яшовчи нўғайлар гаплашади. 2. Нўғай лаҳжаси - бу лаҳжа Ставропол ўлкасининг Ачиқулоқ ва Қоясул районларида қўлланади. 3. Қоранўғай лаҳжаси - бу лаҳжада Ставропол ўлкасидаги Қоранугай районида яшовчи нўғайлар сўзлашадилар. Бу лаҳжалар орасида оқ нўғай лаҳжаси асосий ўринни эгаллайди.

Нўғай тили Катта Нўғай, Олтин Ўрда, Қипчоқлар иттифоқидаги қабилалар тили билан тарихан боғлиқ.

Нўғай адабий тили 1917 йилдан сўнг тараққий қила бошлади. 1938 йилда рус алифбоси қабул қилинди. Ҳозир нўғай тилида газета-журналлар нашр қилинади, мактаблар иш олиб боради. Черкасия педагогика институтида бу тил ўрганилади.

ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИ

Қорақалпоқ тили Қорақалпоғистон мухтор республикасининг (сони 600 м. к.) миллий тили, шунингдек, қорақалпоқлар Хоразм вилоятида, Астрахан вилоятида, Фарғона вилоятида, Афғонистонда (4 000) яшайдилар.

Қорақалпоқ жонли тилининг шаклланиши печенег (X-XI), половец (X-XIII), Олтин Ўрда хонлиги (XIII-XIV) ва Катта Нўғай ўрдаси (XV) қабилаларининг тиллари тараққиёти билан боғлиқ. Ҳозирги қорақалпоқ тили шаклланишида, бир томондан, булғор тили таъсир қилган (бунга тил олди лабланган унлиларнинг дифтонглашуви ҳамда ч ундошининг йўқлигини мисол қилиб олиш мумкин), иккинчи томондан, бу тилга ўғуз тили ўз таъсирини ўтказган: бунга сўз бошида жарангли ундошларнинг қўлланиши кўрсатади, масалан, *дўз* «тизза», *дўз* «туз», *гўз* «куз».

Қорақалпоқ тили икки асосий лаҳжага бўлинади: а) шимолий - шарқий лаҳжа. Бу лаҳжада Қораўзак, Тахтақўпир, Мўйноқ районлари аҳолиси гаплашади; б) жанубий - ғарбий лаҳжа. Бу лаҳжада Чимбой Кегейли, Қўнғирот, Хўжайли, Қипчоқ, Шаббоз, Тўртқўл районлари аҳолиси сўзлашади. Бу лаҳжа бошқа-бошқа тиллар билан аралашган шеваларга ҳам эга. Масалан, Хўжайли, Тўртқўл районлари шеваларида туркман тилининг, Қўнғирот, Қипчоқ, Шаббоз, Тўртқўл районлари тилларида ўзбек тилининг таъсири сезилади.

Шимолий - шарқий ва жанубий - ғарбий лаҳжалари орасида қуйидаги тафовутлар мавжуд:

а) *ә* унлиси шимолий ғарбий лаҳжада бор, жанубий-ғарбий лаҳжада мавжуд эмас;

б) шимолий-шарқий лаҳжада лаб гармонияси оз бўлса-да бор;

в) шимолий-шарқий лаҳжада *тор*, лабланмаган унлилар, жанубий-ғарбий лаҳжада эса лабланган унлилар қўлланади: *бўзав*-*бузав*, *мылтық*-*мўлтўқ* «милтиқ»;

г) шимолий - шарқий лаҳжада *ж*, жанубий - ғарбий лаҳжада *ж* қўлланади;

д) шимолий-шарқий лаҳжада *б*, жанубий-ғарбийда *п* қўлланади: *бўв*-*пўв* «буг», *бақыр*-*пақыр* «бақир»;

е) шимолий-шарқий лаҳжада сўз бошида *т*, *к/қ*,

жанубий-ғарбийда *д*, *г*: *кўз*-*гуз*, «куз» *туз*-*гуз* «туз»;

ж) шимолий-шарқий лаҳжада *ҳ* қўлланмайди, жанубий-ғарбий лаҳжада кам бўлса-да қўлланади;

з) ассимиляция шимолий-шарқий ва жанубий-ғарбий лаҳжаларида қарама-қарши ҳолатда қўлланади: *лл*<*лл*, жанубий-ғарбий лаҳжада; *нн*<*нл* шимолий-шарқий лаҳжада, масалан: *кўллар*-*кўннар*<*кўллар* «кунлар».

Қорақалпоқ адабий тили 1917 йилдан кейин ишлаб чиқилди. Унда бадиий адабиёт, газета журналлар чоп қилинади. Мактаб-маориф ишлари олиб борилади. Нукус ДУ ва педагогика институтларида қорақалпоқ тили миллий асосда ўрганилмоқда.

ҚОЗОҚ ТИЛИ

Қозоқ тили Қозоғистон республикасининг миллий тили (қозоқлар: қирғизлар, қирғиз-қайсақлар, қозоқлар ва қайсақлар номи билан аталиб келинган, умумий сон 5 млн.к.) Бундан ташқари, қозоқлар Хитойда, (600 минг), Мўғулистонда (60 минг), Афғонистонда (4 минг) киши яшайдилар.

Қозоқ тили қорақалпоқ ва нўғай тиллари билан қипчоқ-нўғай гуруҳига кирса-да, фонетик томондан айрим фарқларга ҳам эга. Қозоқ тилига хос бўлган ч товушли сўзлар *ш* билан (*қаш*<*қач*), *ш* ўрнида *с* (*қыс*-*қыш*, *тўс*-*тўш*) қўлланиши мавжуд.

Қозоқ тили ўз гуруҳида чорвачилик терминларини кўп акс эттирганлиги билан бошқа туркий тиллардан фарқ қилади:

фонетика соҳасига:

а) *л* ундошининг ассимиляциялашуви: (*г/т/н*). *қыздар* «қизлар», *аттар*- «отлар», *таслар*- «тошлар».

б) алмашилиб қўлланувчи *й/ж/ж* ўрнида *ж* қўлланади: *жол* (*йол* ва *жол* ўрнида) «йўл».

грамматика соҳасига:

а) сифатдошнинг *-атын/-этын/-итын/-итын* (нўғай тилидаги *-атаған/-этэгэн*, қорақалпоқ тилидаги *атүгүн/-этүгүн*) шаклининг қўлланиши;

б) сифатдошнинг *-ажақ/-эжэк* ёки *-айақ/-эйақ*

шаклининг қўлланмаслиги.

Олимларнинг фикрига қараганда, қозоқ тили шева ва лаҳжаларга бой тил ҳисобланади. Шунинг учун бу тилда мавжуд бўлган лисоний бирликларнинг тургун ҳолатини аниқлаш анча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Фаразларга қараганда, қозоқ тилининг икки ёки уч асосий лаҳжаси бор: шимолий-шарқий, жанубий ва ғарбий.

1. Шимолий-шарқий лаҳжа қозоқ адабий тилининг асосини ташкил қилади. Бу лаҳжада Абай Қўнонбоев (1845-1904), Ибрай Олтинсарин (1843-1889) каби қозоқ адабий тилининг асосчилари сўзлашишган.

2. Жанубий лаҳжа лугат қурилиши жиҳатдан адабий тилдан баъзи бир фонетик фарқларга эга:

а) к нинг г га ўтиш ҳолати: *гўриш* (*кўрйш* ўрнида) «гуруч», *гөң* (*көң* ўрнида) «гунг»;

б) ж нинг й га ўтиши: *йақ* (*жақ* ўрнида) «йўқ»;

в) с нинг ш га ўтиши: *мйшық* (*мысық* ўрнида) «мушук»;

г) *л/г/т* нинг ассимиляциялашмаслиги;

д) *І* шахс кўпликдаги *-алы/-елй* буйруқ-истак майли қўшимчасининг мавжудлиги: *боралы* (*барайық* ўрнида) «борайлик»;

е) сўнг кўмакчининг тўлиқ шакли *-мынан* қўлланиши (*-ман* ўрнида).

3. Ғарбий лаҳжа жанубий лаҳжадан қуйидаги асосий хусусиятлари билан фарқланади:

а) кенг унлиларнинг тор унлиларга (*о>ў*) ўтиши, масалан: *қул* (*қол* ўрнида) «қўл»;

б) *й>н* ўтишининг сўроқ олмошларида қўлланиши: *қанда* (*қайда* ўрнида) «қаерда»;

в) *І* шахс кўпликдаги кишилиқ олмошларида қаратқич келишининг қисқарган шаклининг қўлланиши: *бизиң* (*биздиң* ўрнида) «бизники»;

г) *барды/барувлы* феълларининг тенг қўлланиши.

Қозоқ тили ўз тарихий тараққиёти даврида, биринчидан, ғарбий туркий қабилалар иттифоқи бўлган булғорлар, печенеглар, половецлар ҳамда Олтин Ўрда, Катта Нўғай ўрдаси каби давлатлар билан, иккинчидан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудидаги Ғарбий турк хоқонликлари - Қорахонийлар ва бошқа қабила иттифоқлари билан ҳамкорликда бўлган. Қозоқ миллий

тили эса XV-XVI асрларда тўлиқ шаклланган.

Қозоқ ёзма адабий тилига XIX асрнинг иккинчи ярмида қозоқ ёзувчи-алломалари Абай Қўнонбоев, Ибрай Олтинсаринлар томонидан асос солинди.

1938 йилда араб ёзуви рус алифбоси билан алмаштирилди. Бу ёзув қозоқ тилининг фонетик қурилишини араб ёзувига нисбатан анча тўлиқ ифодалай олади, шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда ҳар томонлама ривожланган, илмий асосда ўрганилган тил ҳисобланади. Унда кўп сонли матбуот нашрлари, мактаб-маориф ишлари олиб борилади. Ҳозирги пайтда қозоқ тили қозоқ халқининг миллий ва давлат тили сифатида жаҳон халқлар орасидаги нуфузини оширмоқда.

ҚАРЛУҚ ГУРУҲИ ТИЛЛАРИ

Қарлуқ гуруҳи тиллари Шарқий Хунн тиллари ва Ғарбий Хунн тиллари орасида турувчи оралик учинчи гуруҳ тиллари ҳисобланади. Бу тилларнинг юзага келиши Қорахонийлар даври (X-XI асрлар) давлатининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бу тилларга ғарбий ва шарқий тиллар, шунингдек, тожик ва эрон тилларининг кучли таъсири ҳам сезилади.

Қарлуқ гуруҳи тиллари икки кичик гуруҳга бўлинади: 1) қарлуқ-уйғур тили; бу тил икки қадимги тилни ўзида мужассам этади: қорахонийлар давлати тили (X-XI асрлар) («Қиссасул-анбиё»); 2) қарлуқ-хоразм тили; бу тил қадимда қарлуқ-хоразм тили ёки Аҳмад Яссавий асарлари тили эди (XII). Бу даврда Олтин Ўрда тили (шарқий тил), чигатой тили ва эски ўзбек тиллари ҳам мавжуд бўлган. Ҳозир бу тиллар ўзбек ва янги уйғур тиллари деб юритилади. Бу гуруҳ тиллари яғмо, тиргеш, қарлуқ уруғ тилларидан келиб чиққан. Қарлуқ тилларининг ибтидоси Қорахонийлар давлатидан бошланган бўлса, кейин ўғуз, қипчоқ, салжук қабилаларини бирлаштирган Хоразмшоҳлар ихтиёрида бўлган. Ўрта асрларга келиб, Чигатой ва Темурийлар давлатлари таркибига кирган.

1. Янги уйғур тили ҳозирги Синцизян ўлкасининг асосий аҳолисининг тили ҳисобланади.

2. Ўзбек тили эса Ўзбекистон республикасининг туб аҳолиси тилидир. Шунингдек, ўзбеклар Тожикис-

тонда ҳам кўпчилик бўлиб яшайдилар.

Қарлуқ тилларининг асосий хусусиятлари:

фонетика соҳасида:

- а) унлилар сони олтиадан тўққизтагача;
- б) *г* ва *ғ* ундошларининг унлилар орасида қўлланганда ўзгариши: *билак-билағи, бог-боғи*.
- в) *п, т, к/қ* ундошларининг унлилар орасида жарангиллашмаслиги;
- г) *қ, ғ* ундошларининг мавжудлиги ва бу ундошларнинг сўз охирида *ғ* ва *г* га ўтиши: *сарик-сариги, тирик-тириги*.

лексика соҳасида:

Ўғуз ва қипчоқ тилларидаги синонимларидан кўра қарлуқ тили синонимларининг фаол қўлланиши: масалан, *тола /қипчоқ ва ўғуз тилларидаги кўп ўрнида/, устун /узра ўрнида/, бошқа /ўзга ўрнида/*.

грамматика соҳасида:

- а) *-ағу/-эғу* жамловчи сон қўшимчаларининг ўғуз тилларидаги *-ыла/-илэ*, қипчоқ тилларидаги *-ав/-эв* ўрнида қўлланиши, яъни *икэғу* (ўғуз тилларида *иккилэ*, қипчоқ тилларида *экэв*).
- б) ҳаракат номи *-унч/унч* қўшимчаси орқали ясалади: *қорқунч*.
- в) III шахс кишилиқ олмоши *у(л)* (ўғуз ва қипчоқ тилларидаги *ол* ўрнида);
- г) сифатдошнинг *-ган/-кан* шаклининг қўлланиши (ўғуз тилида эса *-ан/-эн* ёки, *-диқ/-дық*);
- д) ҳаракат номи *-ғу/-ғу* шаклларининг ҳам мавжудлиги, ўғуз тилида фақат *-мақ/-мәқ*;
- е) жўналиш келишиги *-ға/-қа/-ка*, қаратқич келишиги *-ның/-ниң*, чиқиш келишиги қўшимчаси *-ган* (ўғуз тилида *-гин*).

ҚАРЛУҚ-УЙҒУР КИЧИК ГУРУҲИ

Қарлуқ-уйғур кичик гуруҳи тиллари келиб чиқиш жиҳатидан бир қабила авлодлари бўлиб, улар X-XI асрларда Қорахонийлар давлати даврида юзага кела

бошлаган. Қорахонийлар даврида икки қадимги тил истеъмолда бўлган. Қорахонийларнинг биринчи тили уйғур, тиргеш, яғмо, қарлуқ қабилалари орасида қўлланган бўлиб, унга сомонийлар давлатида истеъмолда бўлган араб ва унга форс тилларининг кучли таъсири сингган.

Қорахонийлар даврида икки машҳур асар: Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» ва Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугʻатит турк» асарлари юзага келган.

Иккинчи адабий тил анча кейин - мўғуллар босқинидан сўнг шаклланган ва XI-XIV асрларда амалда эди; бу адабий тил ҳам уйғур тили таъсири асосида юзага келган.

Мазкур адабий тилда Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ (XI-XII), Рабғузийнинг «Қиссасу-л-анбиё» (XIV) асарлари ёзилган. Бу тилда Олтин Ўрда хонлигининг ёрлиқлари битилган, чунки хонликнинг мирзалари уйғурлар эди, шунинг учун ҳам ёрлиқларда уйғур тилининг белгилари сақланиб қолган. Қарлуқ-уйғур гуруҳи тилларининг характерли хусусиятлари қуйидагилар эди:

- а) *й>э* ёки *g*, масалан; *эзғу-эзғу* (*уйғу* ўрнида) «яхши»; *азғыр-ағғыр* (*айғыр* ўрнида) «айғир».
- в) равишдош қўшимчалари: *-йу/-йү* (*отлайу*), *-гынча /-гинчэ* (*барлығынча*)нинг мавжудлиги;
- г) равиш ясовчи *-ғусы/-ғүси*, ҳаракат номи- *-ғулуқ/-ғүлүк* қўшимчаларининг истеъмолда бўлганлиги;
- д) *-н* рудиментининг мавжудлиги, масалан: *ичинга*.

ҚАДИМГИ ТИЛЛАР

ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВРИ ВА УНДАН КЕЙИНГИ ДАВР УЙҒУР ТИЛИ

Қорахонийлар ва ундан кейинги даврдаги уйғур тили қадимги уйғур тилидан ҳам фонетик, ҳам лексик, ҳам грамматик жиҳатдан фарқ қилади.

Қорахонийлар давридаги (XI) ёдгорликларга Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугʻатит турк», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» ва Носириддин Рабғузийнинг «Қиссасу-л-анбиё» асарлари қиради.

Бу давр уйғур тилининг асосий хусусиятлари:

фонетика соҳасига:

а) *g-з-й* нинг алмашиниб қўлланилиши, бироқ *g* нинг устунлиги;

б) *а-ы* ўрнида *а-у//о-у* қўлланиш: *хотун/хатун/ (хатын ўрнида), алтун (алтын ўрнида);*

в) сўз охирида *н* ўрнида *ң* қўлланиши: *отуң (отун ўрнида) «ўтин».*

грамматика соҳасига:

а) чиқиш келишиги қўшимчаси *-дын/-дин (-ган/-гэн ўрнида);*

б) тушум келишиги қўшимчаси *-ыг/-иг ва -ны/-ни;*

в) истак майли қўшимчаси *-га/-гэ (-гай/-гэй ўрнида) масалан, балга (болгай ўрнида), билмэга (билмэгэй ўрнида);*

г) шарт майли қўшимчаси *-са/-сэ (-сар/-сэр ўрнида);*

лугат бойлиги соҳасига:

а) форс тили сўзларининг мавжудлиги;

б) арабча сўзларнинг кўпайиб борганлиги.

Қорахонийлар даври уйғур тили бу давр тиллари билан кўпгина умумийликларга эга, шунингдек, ўзига хос томонлари ҳам мавжуд: *g-з-й* га нисбатан *g* нинг доминанталиги. Бу борада «Ҳиббатул ҳақойиқ» да *g* нинг доминанталигини ҳисобга олинса, «Қиссасул анбиё»да *з* устунлигини кўрсатиш мумкин, масалан, *қазғу* (қайғу ўрнида), *қузғуқ* (қуйғуқ ўрнида) *қудуқ*; *қузруқ* (қуйруқ ўрнида) *қуйруқ*; Бундан ташқари, қорахонийлар даври уйғур тили учун *в/в>ф* алмашуви ҳам истеъмолда бўлган. Масалан: *эф* (эв ўрнида) «уй»; *суф* (*сув* ўрнида), Грамматик ва лугат қурилиши жиҳатидан ҳам ўғуз, ҳам қипчоқ тили унсурлари мавжуд бўлган. Маҳмуд Кошғарийнинг қайд қилишича, бу давр уйғур тили турли лаҳжалардан иборат бўлган: арғулар лаҳжаси (улар уйғурлар авлоди бўлиб, *й, н* диалектли); яғмоир лаҳжаси (тўқуз ўғузлар авлодлари), чигил лаҳжаси (қарлуқлар авлоди, уларнинг тилида *й>ж* алмашинуви

мавжуд); туркман лаҳжаси (ўғузлар авлоди) ва қанғилар тили.

Маҳмуд Кошғарий уқтириб ўтган X-XII асрлар Қорахонийлар даври тили ҳозирги ўзбек ва уйғур тиллар шеваларида учрайди. Хусусан, ҳозирги ўзбек тилидаги уч катта лаҳжани ҳам шу давр тили билан изоҳлаш мумкин.

Қорахонийлар ва ундан кейинги давр тили эски ўзбек адабий тилининг (қарлуқ-хоразм адабий тили) ва Олтин Ўрда адабий тилининг шаклланишига асос бўлди.

ҚАРЛУҚ- ХОРАЗМ АДАБИЙ ТИЛИ

Қарлуқ-хоразм гуруҳи тиллари кейинроқ шаклланган тиллар бўлиб, унинг дастлабки намунаси Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» (XII) асари ҳисобланади. Бу асарда ўғуз ва қипчоқ тилларининг белгилари сақланган. «Девони ҳикмат» анъаналарини Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким ота) ўз асарида давом эттириб, қорахонийлар даври адабий тилидан фойдаланган. Қорахонийлар даври адабий тили мўғуллар босқинидан кейин икки тил шаклида ривожланди:

а) Жўжи улусининг шарқий қисмида истеъмолда бўлган қарлуқ-хоразм адабий тили, унинг энг ёрқин намунаси Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асари;

б) Чигатой (XIII-XIV) улуси адабий тили ҳамда эски ўзбек адабий тили (XV).

Бундан ташқари, эски ўзбек тили ривожда қуйидаги тиллардан ҳам фойдаланилди: а) Қорахонийлар даври адабий тилидан; б) қарлуқ-хоразм адабий тилидан (XII); в) чигатой тилидан (XIII-XIV).

Шундай қилиб, қарлуқ-хоразм кичик гуруҳи қуйидаги тилларни ўзида мужассам этади:

1) Қарлуқ-Хоразм тили (Яссавий ва Боқирғоний асарлари билан);

2) Олтин Ўрда адабий тили (Жўжи улуси тили, бу тил қарлуқ-хоразм адабий тили учун ҳам асос бўлди);

3) Чигатой улуси адабий тили;

4) Эски ўзбек тилининг ривож учун темурийлар катта ҳисса қўшдилар ва ҳозирги тиллар учун замин яратдилар. Янги уйғур тили (барча шевалари билан), ўзбек тилининг асосий лаҳжалари қарлуқ гуруҳи тил-

ларининг асоси саналади. Шуниси характерлики, янги уйгур тилининг шаклланиши учун қарлуқ гуруҳининг қарлуқ-уйгур кичик гуруҳи тиллари асосий роль ўйнаган бўлса, ўзбек тили учун бундай аҳамиятга фақат қарлуқ-хоразм кичик гуруҳи тиллари молик бўлди.

Бу тилларда дастлаб мавжуд бўлган шарқий адабий тилнинг унсурлари (қадимги уйгур ва қадимги ўғуз тилларининг) аста-секин унутилиб борди ва ғарбий тилнинг (ўғуз, қипчоқ, булғор) белгилари ортиб борди.

ҚАРЛУҚ-ХОРАЗМ, ОЛТИН ЎРДА (ШАРҚИЙ) ВА ЧИҒАТОЙ ТИЛЛАРИ

Қарлуқ - Хоразм адабий тили Хоразмда мўғуллар босқинидан олдин юзага келди. Мўғуллар босқинидан кейин бу тил бир-бирига яқин иккига: Жўжи улусига тегишли Олтин Ўрда адабий тилига ва Чигатой улуси тили бўлган ва кейин шакланган эски ўзбек адабий тилига бўлинди.

Қарлуқ-Хоразм адабий тилида Аҳмад Яссавийнинг "Девони ҳикмат", Олтин Ўрда адабий тилида "Наҳжул фародис", "Муҳаббатнома", "Хисрав ва Ширин", "Меърожнома", Чигатой улуси адабий тилида "Муқаддиматул адаб", "Юсуф ва Зулайҳо", "Равнақул Ислом" асарлари битилган.

Бу асарлар тилида муаллиф лаҳжасининг ва даврининг хусусиятлари ўз изини ҳам фонетикада, ҳам грамматикада, ҳам луғат қурилишида қолдирган.

"Наҳжул-фародис", "Муҳаббатнома" асарларида ўғуз ва қипчоқ диалектлари белгиларини алмашилиб қўлланганлигини кўриш мумкин. Масалан, қиёсланг: *б>в* *вэрмэк* (*бэрмэк* ўрнида), *т>g*; *гуртмаg* (*туртмэк* ўрнида);

т>g; сўз охирида *ат>аg* "от";

ч>ш; *ушмақ* <*учмақ*;

г>в *авиз* <*ағиз*; *б>м*: *минмақ* >*бинмақ*,

грамматика соҳасида:

а) жўналиш келишиги қўшимчасининг қисқариши: *сиза* (*сизга* ўрнида).

Шу билан бирга, ўзбек ва янги уйгур тилларининг шаклланиши, бир томондан, қадимги уйгур, тиргеш ва қарлуқ қабилалари ҳамкорлигида, иккинчи томондан, ўғуз, қипчоқ қабилалари тиллари замирида вужудга келди. Ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси вакиллари Чигатой улуси макон тутган Катта Нўғай ўрдаси қабилаларининг тили ҳисобланади. Бу тилларнинг юзага келиши учун тожик, хоразм қабилаларининг ҳам ҳиссаси катта бўлган.

Қарлуқ - Хоразм тили қарлуқ-уйгур тилидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади: а) *з-д>й* яъни, *айгыр* (*азгыр-аггыр* ўрнида);

б) конвергенция натижасида индифферент унлиларнинг юзага келиши: *и/ы>и*; в) тушум келишиги қўшимчасининг тўлиқ қўлланиши билан: *қызыни* (*қызын* ўрнида), *н* боғловчиси ундошнинг тушиб қолиши: *ичида* (*ичинда* ўрнида);

г) лаб уйғунлигининг унутилганлиги ва танглай уйғунлигининг кам сақланганлиги;

д) унлилар тизимининг ўзига хослиги билан;

е) феъл ясовчи ва ҳаракат номи ясовчи қўшимчаларнинг қарлуқ ва ўғуз вариантларининг параллел қўлланиши билан: масалан, ҳаракат номи *-гу/-гуси*;

ё) сўз ясовчи *-лик* нинг қисқариши: *созли* (*созлик* ўрнида); *-гулуқ* ўрнида *-мақ*, *-мақлық*; равиш *-гуси*; *ажақ*, *-гай* га ўтиши;

ж) луғат бойлигининг ўзига хослиги;

з) истак майли қўшимчасининг оригиналиги: *башлагайьн*.

и) ўтган замон қўшимчасининг ўзига хослиги: *барйар эрди*, *барды эрди*.

Чигатой улуси адабий тили Қорахонийлар даври тилининг асосий хусусиятларини сақлаган эди. Яъни, "Ўғузнома", "Муқаддиматул адаб", "Равнақул-ислом" асарларида *з-й* ундошларининг алмашинуви ("Муқаддиматул-адаб"да *з*, "Ўғизнома" ва "Равнақул-ислом"да *з-й*) мавжуд. Шунингдек, "Ўғузнома"да уйғур тилининг шарқий диалекти белгилари *й-ч* алмашинуви: *чаруқ-йаруқ*, «*ёруғ*»; *чалғуз-йалғуз* «*ёлғиз*»; "Равнақул-ислом"да туркман тилининг белгилари сақланган.

Бу ёдгорликларнинг барчаси уйғур ва араб алифбосида битилган.

Эски ўзбек тили ва ҳозирги ўзбек тили алоҳида фан сифатида ўрганилганлиги сабабли биз унга фикри-мизни жалб қилмадик.

ЯНГИ УЙҒУР ТИЛИ

Янги уйғур тили Ўрта Осиё ва Қозоғистон "200 м. к.") ва Синцизян-Уйғур автоном вилояти (Хитой) уйғурларининг (6 млн.) тили ҳисобланади. Бундан ташқари, уйғурлар сари уйғурлар ёки юйгулар (10 м.к.) ва саларлар (50 м.к.) каби энтик гуруҳларга ҳам бўлинади.

Уйғур тили эски ўзбек тили билан биргаликда Ўрта Осиёда, Қорахонийлар даврида юзага кела бошлаган. Аҳмад Яссавий асарлари чигатой ёки эски ўзбек тилида — қарлуқ тилида битилган ёки ғарбий ва шарқий туркий тиллар оралигида туради. Бу тиллар Қорахонийлар даврида (X-XI) юзага келган бўлса ҳам, унга тожик ва эроний тилларнинг таъсири кучли бўлган.

Ҳозирги уйғур тилида икки адабий тил мавжуд: 1) МДХ давлатида яшовчи уйғурлар адабий тили (рус графикасига асосланган); 2) Синцизянда яшовчи уйғурлар адабий тили (араб графикасига асосланган). Бу тил кўп лаҳжалиги ва меъёрлашмаганлиги билан ажралиб туради. Синцизян уйғурлари 4 катта лаҳжада сўзланади:

1) Қашқар-Ёркент лаҳжаси (Янги Ҳисор шеvasи билан); 2) Хўтан-корейс лаҳжаси (черчен шеvasи билан); 3) Оқсуй лаҳжаси; 4) Ғансуй лаҳжаси.

Юқоридаги тўрт лаҳжанинг асосий хусусиятлари:

а) ундошлар орасида и ва ы фарқланиши йўқ;

б) *ир>иж; ийт>ишт* каби ундошлар алмашинуви.

в) *т* нинг юмшаши ва *ч* га ўтиши *т>ч тўш>чуш; тиш>чиш;*

г) тор унлилардан олдин *с>ч* га ўтиши: *сызық>чызық;*

д) *қ/к* нинг унлилар ўртасида ўзгармаслиги.

Иккинчи гуруҳ шимолий диалектга қуйидагилар киради: 1) кўчатурфон лаҳжаси (Қашқар, Кўча, Турфон, Комул, Ҳамий) ва бошқа; 2) илий ёки қулжин лаҳжаси ва МДХ мамлакатларида яшовчи уйғурлар шевалари.

Бу гуруҳ лаҳжаларининг асосий хусусиятлари:

а) *и* ва *ы* фонемаларининг борлиги;

б) унлилар орасида *к* ва *қ* ундошларининг жаранг-

лашиши;

в) баъзи шеваларда, хусусан, турфон шевасида *в>г* ўтиши; масалан; *эггэл (əv'v'əl* ўрнида);

г) или шевасида *р* нинг (чучук) буриб талаффуз қилишнинг борлиги.

Учинчи гуруҳга фақат лобнор диалекти кириб, у генетик жиҳатидан қадимги қирғиз тилига боғланади, бироқ янги уйғур тили билан қоришган.

Асосий белгилари:

а) ён ундошнинг таъсирида *л/ғ/т/з* ундошларининг ўзақ ва қўшимчаларда алмашиниб қўлланиши, масалан: *қыззар>қызлар, тоштар>ташлар;*

б) *м/б/п* алмашуви: *баспагы – басмагы;*

в) *тс/сс* регрессив ассимиляциясининг мавжудлиги: *унусса>унутса.*

Тўртинчи гуруҳни салар ва сари уйғур шеваларидан иборат бўлган ғансуй лаҳжаси ташкил қилади. Салар лаҳжаси ўғуз-қарлуқ тиллари асосида юзага келган бўлиб, янги уйғур тилига қоришган. Сари уйғур лаҳжаси ўз классификацияси бўйича туркий тилларнинг уйғур-ўғуз гуруҳига киради.

Сари уйғур диалектининг асосий хусусиятлари:

а) сўз бошида жарангли ундошнинг келмаслиги: масалан, *пас (باش* ўрнида), "бош";

б) *ш>с* ўтишининг борлиги: *тас* (тош ўрнида);

в) *ч>ш* ўтишининг мавжудлиги: *аш* (ач ўрнида);

г) *й>з* ўтишининг сўз ўртасида борлиги: *азақ>айақ;*

д) *й>ж* ўтиши борлиги: *жыл* (йыл ўрнида);

Уйғур лаҳжаларига хўтанликлар (400 киши) тилини ҳам киритиш мумкин. Уларнинг тилларини турли олимлар турли халқ тилларига: Б.В. Владимирцов уйғур тилига, Ҳ. Вамбери ўзбеклар тилига, Г.Н. Потанин қирғизлар тилига тегишли деб билишган. Хўтанликлар тилида турли тилларнинг белгилари сақланган, хусусан, янги уйғур тилининг (сўз охирида *г* қўлланиши: *очаг «ўчоқ»*).

Қирғиз тилининг (*төөй* «туя»), (оозу «оғиз»), туркман тилининг (*гөл* «қўл» ва ҳ.к.) каби хусусиятларини ўзида мужассам этган.

Янги уйғур тилининг шаклланиши ўзбек тилининг тараққиёт йўлига ўхшайди, бироқ бир қадар фарқларга

ҳам эга. Масалан, уларнинг этник тузилишининг фарқланиши, қипчоқ тили унсурларининг камлиги, этник таркибида қадимги шарқий уйғур қабилаларининг мавжудлиги бу фикрларнинг исботи ҳисобланади.

Ўзбек тили ҳам, янги уйғур тили ҳам қарлуқ тиллар гуруҳининг қарлуқ-хоразм шаҳобчасига тегишли, бироқ уйғур тили ўзбек тилидан фарқланадиган хусусиятларга эга. Масалан: а) урғу олмаган бўгинларда *а*, *ә*, *э* унлиларнинг тушиб қолиши (редукцияси), масалан: ўзб. *болалари*, уйғур. *баллири // баллири*;

б) иккинчи бўгиндаги тор унлиларнинг кенг унлиларга ёки биринчи бўгиндаги кенг унлиларнинг акс таъсири. Масалан: *ал*- "ол"-, *әлиш* (*олиш* ўрнида), *кет* - *кәтиш* (*кәтиш* ўрнида);

в) сўз ўртаси ва охирида *р*, *л* ундошларининг тушиб қолиши, масалан, *қар*>*қа(р)* «қор»; *қарға*>*қа(р)ға* «қарға», *болса*>*бо(л)са* «бўлса».

г) айрим лаҳжаларда ундошларнинг юмшалиши; масалан, *ким*>*чим*.

Бундан ташқари, уйғур тили ўзбек тили билан морфология ва луғат бойлиги соҳасида бир қанча тафовутларга эга; уйғур тили хитой тилидан кўплаб сўзларни қабул қилган.

МДХ мамлакатларида яшовчи уйғурлар ёзма адабий тилига эга: рус алифбосида, Синцзян-уйғур автономии районида яшовчи уйғурлар эса уйғур адабий тили учун араб ёзувидан фойдаланади.

IV БОБ

ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ ШАРҚИЙ ХУНН ТАРМОҒИ

Шарқий Хунн тармоғига кирувчи тиллар Шарқий Хунн қabila иттифоқига кирувчи туркий қабилалар тиллари асосида шаклланган. Бу қабилалар шарқий тукю хоқонлиги, қадимги уйғур давлати, қирғиз қабилалари иттифоқига кирувчи давлатлар таркибида бўлган. Шарқий Хунн тармоғига кирувчи тиллар икки гуруҳга бўлинади:

I. Уйғур-ўғуз гуруҳи. Бунга уч кичик гуруҳ тиллари хос:

1. Уйғур-тукю тиллари кичик гуруҳи. Бунга икки қадимги тил: урхун-енисей ёзувлари тили, шунингдек, қадимги уйғур тили ва икки ҳозирги тиллар — тува ҳамда қарағас тиллари киради.

2. Ёқут гуруҳи тиллари. Бу гуруҳга фақат ёқут тили тегишли, генетик жиҳатдан хакас тилининг сағай ва балтир диалектлари яқин келади.

3. Хакас кичик гуруҳи. Бунга а) хакас тили; б) қамаси тили; в) кюэрик тили; г) шор тили; д) олтой тилининг шимолий диалектлари киради.

II. Қирғиз-қипчоқ гуруҳига эса қадимги қирғиз тили ва икки ҳозирги тиллар: ҳозирги қирғиз ва олтой тилининг жанубий диалектлари тааллуқли.

Туркий тилларнинг Шарқий Хунн тармоғи Фарбий Хунн тармоғидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

фонетика соҳасида:

а) бу тилларга иккинчи фонологик чўзиқликнинг мансублиги;

б) *g/m*, *б/п*, *қ/к*, *ғ/г*, *с/з* товушлари ҳар бири фонеманинг икки кўриниш шаклида бўлиши;

в) *х*, *в*, *ҳ* фонемаларининг мавжуд эмаслиги.

лексика соҳасида:

Шарқий Хунн тармоғи тилларида мўғул тилининг унсурлари мавжуд бўлса, Фарбий Хунн тармоғи тиллари-

да араб ва форс тиллари унсурлари кўп учрайди.

грамматика соҳасида:

а) қўшма гапларнинг камлиги, бунинг натижасида боғловчилар сонининг санокчилиги;

б) от ва феъл шакллариининг жуда тараққий этганлиги.

УЙГУР-ЎГУЗ ГУРУҲИ ТИЛЛАРИ

Уйгур-ўғуз гуруҳи шарқий тармоқ тилларининг кўпини бирлаштиради. Бу гуруҳ тилларининг кўпчилиги узоқ тарихга эга. Улар эрамизгача биринчи асрга қадар бўлган даврда уйгур уруғларидан келиб чиққан. Бу тилларнинг қадимийлигини урхун ёзувининг вокализми ҳам исботлайди. Яъни, бошқа тиллардаги э урхун битикларида *и*, ёки ундошлар алмашинуви - бошқа тилларда *ш* бу тилларда *с* қўлланиши: *бис-беш* (бошқа тилларда беш), *эсиг-* "эшит" (бошқа тилларда *эшит*), *йир* "ер" /бошқа тилларда *йэр*/ каби фонетик ҳодисалар ҳам бу фикрни исботлайди. Уйгур-ўғуз гуруҳи тиллари уйгур уруғларидан: сарауғур, оноугур, қотриугурлардан келиб чиққанлигини тарихий маълумотлар исботлайди.

Уйгур уруғлари ҳам тўқуз уйғурлар иттифоқини тузишда /IX-XIII/ Жунғар хонлиги ҳудудида ҳаракат қилишган, ундан анча кейин яғмо, тиргеш, қарлуқ ва ўғуз қабила бириклари юзага келган.

Уйгур-ўғуз гуруҳи тилларининг қирғиз-қипчоқ гуруҳи тилларидан фарқлайдиган қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

а) *й* ўрнида *т*, *г*, *з* қўлланиши, масалан, *атах//агақ//азақ* (*айақ* ўрнида);

б) сўз охирида *й* ўрнида *т/с* қўлланиши, масалан, *кут* (*куй* ўрнида), *пос* (*бош* ўрнида).

в) сўз охирида *ғ* ва *г* нинг сақланиши, масалан: *тағ* «тоғ»;

УЙГУР - ТУКЮ КИЧИК ГУРУҲИ

Уйгур-тукю кичик гуруҳи тарихан икки энг қадимги тилларни ва икки ҳозирги тилларни бирлаштиради, яъни, қадимги ўғуз ҳамда урхун-енесий ёдгорликлари тили, шунингдек, ҳозирги тува карагас тиллари.

Қадимги тиллар, бир-биридан у ёки бу хусусиятлари билан фарқ қилади.

Урхун-Енесей ёзма ёдгорликларининг энг диққатга сазоворлари қуйидагилар:

Билга хоқон ва Кул тагин (731-734) ёдгорликлари, Тунйуқуқ, гудулухон (Қутлуғхон) шарафига қўйилган Онгин (692-693) ёдгорлиги, Ишбара, Билга, Куличура ёдгорлиги ҳамда бошқа кичик туркий ёдгорликларни В.В. Радлов ва С. Е. Маловлар ўрганишган.

Қадимги уйгур ёдгорликлари турли маданий анъаналарни давр хусусиятига кўра акс эттириш жиҳатидан қуйидагича тартибланади. Биринчиси, энг қадимги ёдгорликлар бўлиб, тошларда ўйиб ёзилган урхун-енесей ёдгорликларидир. Уларнинг энг улкани "Селенга тоши" деб юритилувчи шаманизм характеридаги ёдгорлик; несториан характеридаги кичикроқ ёдгорлик ҳам биринчи гуруҳ ёдгорлиги ҳисобланади. Иккинчи давр ёдгорликларига уйгур ёзувидаги сўғд ва уйғурлар томонидан битилган сўғд — манихей ва будда ёдгорликлари ҳамда анча кеч битилган сўғд ёзувидаги юридик ҳужжатлар киради.

Ҳозирги тува ва карагас тиллари ҳам шу гуруҳга киради, улар бошқа туркий тилларга нисбатан қадимги ўғуз ва қадимги уйғур тилларининг қолдиқларини яхши сақлашган. Тува ва карагас тиллари туба /тува, тума/ тофа каби уруғ-қабилалар номлари билан боғлиқ. Ўз навбатида, буларнинг барчаси хакас ва олтой халқлари таркибига мансуб. Бу қабилаларнинг ҳаммаси бошқа қабилалар билан қоришган бўлиб, тува қабила иттифоқига кирган; тиллари қадимги ўғуз, қадимги уйғур даврлари тилларига яқин. Бу хусусият уларнинг қадимги тукю ҳамда қадимги уйғур қабилаларидан келиб чиққанлигини кўрсатади.

Уйғур тукю кичик гуруҳи тилларининг асосий хусусиятлари:

фонетик қурилишда:

а) сўз ўртасида *m~z~й* ундошлари ўрнида *g* қўлланиши, масалан: *адақ* (*атақ/азақ/айақ* ўрнида), *азрымас* (*айрымас* ўрнида), *эргу* (*уйгу* ўрнида) «яхши»;

б) сўз охирида алмашилиб қўлланадиган *c~й* ўрнида *m* қўлланиши, масалан: *қут* (*қус-қуй* ўрнида) «қуймоқ»;

в) *лт, рт* ундошлар диссимилияцияси мавжуд, масалан: *көрти* (*көрди* ўрнида); *өлти* (*өлди* ўрнида) «ўлди»;

г) лаб уйғунлигининг йўқлиги;

д) сўз охирида *г, ғ* жаранглиларининг келиши: масалан: *тағ* «тоғ»; *бэг* «бэк»;

е) *н* бурун товушининг борлиги:

грамматик қурилишда:

-ар/-эр келаси замон сифатдоши маъносини *-ур//ур, -ыр/ -ур* шакллари англатади.

Бундан ташқари, бу қадимги тилларда тушум келишиги *-ығ/-иг*; шарт майли *-сар/-сэр* шакллари ёрдамида ҳосил қилинган, масалан: *сақынсар сэн* "ўйласанг".

Мазкур кичик гуруҳ тиллари архаик сўзларининг кўп сақланганлиги, хитой, санскрит тилларидан кўплаб сўзларни қабул қилганлиги билан характерланади. Фикримизни урхун ёдгорликлари тили бўлган қадимги ўғуз тили сўзларининг тубандаги қатори тасдиқлайди: *сабим* "сўзим", *будун* "халқ", *сулэ* "жанр қилиш"; *суси* "армияси", *ыдуқ* "қутлуғ"; *балиқ* "шаҳар"; *эрмиш*, *эринч* модал юкламаларининг мавжудлиги.

ҚАДИМГИ ТИЛЛАР

ҚАДИМГИ ЎҒУЗ ТИЛИ ЁКИ УРХУН-ЕНИСЕЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ ТИЛИ

Қадимги ўғуз тили — урхун-енисей ёдгорликлари тили бўлмиш қабртошлардаги ёзувлар тили, қадимги ўғузлар *түкү, түкүэ, көк түрк* номлари билан аталган.

Қадимги ўғуз ёзма ёдгорликларининг юқорида саналганларидан ташқари бошқа бир қанча майда қабртош ёзувлари ва рун алифбосида битилган қозғоғдаги ёзувлар ҳам топилган.

Бу ёдгорликлар турли туркий халқларга тегишли бўлиб, уларнинг тиллари бир-бирига яқин. Урхун - Енисей ёдгорликлари *m/g* белгили тил ҳисобланади, яъни сўз ўртасида алмашилиб қўлланадиган *p~m/g~c/z~й* ўрнида *m/g* қўлланади, масалан: *адақ* (*ура/азақ/ айақ*) "оёқ".

Урхун - енисей ёдгорликлари тили қуйидаги белгилари билан характерланади:

а) тушум келишиги қўшимчаси *-г/-г, -иг/ -ығ* масалан: *чығанығ* "камбағалларни", *күнчүүйүг* "маликани";

б) жўналиш келишиги қўшимчасининг қўлланишида *к/қ* ундошларнинг фаоллиги; масалан, *өккэ* "вақтга"; *талуйқа* "денгизга";

в) жўналиш келишигининг *-гару/ -гэру* шакллари-нинг мавжудлиги ҳозирги тиллардан фарқланади;

г) феъл ўзаги сонор ундош билан тугаган ҳолда ўтган замон шаклининг жарангсиз ундош билан бошланиши; (масалан: *олуртым* "ўтирдим") ва феъл ўзаги жарангли ундош билан тугаган ҳолда қўшимчанинг жарангли билан бошланиши (масалан, *этдим, тикдим* "дўстлашдим");

д) сифатдошнинг *-тэчи/-тачы* (масалан: *өлтэчи* "ўлган"); *- дуқта/-дүктэ*, (масалан: *қондуқта* "туна"), шакллари-нинг борлиги;

е) ҳозирги-келаси замон шакли *-үр/ -ур*, масалан: *бирүр* "беради", *барир* "боради";

ж) шарт майли қўшимчаси *-сар/-сэр*, масалан: *кэлсэр*, "келса";

з) ўтган замон қўшимчаси *-миш/-мыш*;

и) ҳозирги замон қўшимчаси *-ағма/-игмэ*, масалан: *көригмэ* "кўрадиган", "кўряпти";

к) равишдош қўшимчаси *-ы/-и*, масалан: *ити* "қилиб", *алы* "олиб";

л) равишдош қўшимчаси *-у/-ү* масалан: *өлү* "ўлиб" *поқаду* «йўқотиб»;

м) равишдош қўшимчаси *-пан/-пэн*, масалан: *олурпан* "уруғ сепиб", *сүлэпэн* "урушиб";

н) равишдош қўшимчаси *-ты/-ти*, масалан: *сақынматы "ўйламай"*;

о) II шахс бирлик ва кўпликдаги ўтган замон шакллари *-тыг/-тиг*, масалан: *йаңылтыг "янглишдинг"*.

Фонетика соҳасида Урхун - енисей ёдгорликлари тилида *э>и* ўтиши, (масалан: *йир*, "ер";) *ш>с* ўтиши, (масалан: *эсиг* "эшит") ҳолатлари учрайди.

Бу ёдгорликлар *лурат бойлигида* арабий, эроний сўзларнинг йўқлиги, шунингдек, қадимги туркий сўзларнинг кўплиги билан характерланади, бу эса ҳозирги туркий тилларда учрамайдиган ҳолат ҳисобланади.

ҚАДИМГИ УЙҒУР ТИЛИ

Қадимги уйғур тили ёдгорликларига энг қадимги (V-IX) ёзувлар киради: урхун ёзма ёдгорлиги ("Селенга тоши"), манихей-уйғур номи билан аталувчи уйғур ёдгорлиги, қисман, эски уйғур алифбосидаги будда-уйғур қадимги қўлёзмаси. Араб алифбосидаги мусулмон уйғур ёдгорликлари анча кеч, яъни, Қорахонийлар ва ундан кейинги даврларга тегишли.

Қадимги уйғурлар тили урхун турклари — қадимги ўғузлар тилига Қорахонийлар даври уйғурлари тилидан кўра яқинроқ бўлган. С.Е. Малов "Манийхейлар тавбаси" асари ҳақида шундай ёзади: "Бу асарнинг фонетик ва грамматик хусусиятлари будда-уйғур ёдгорликларидан кўра руний ёзувининг хусусиятларига ўхшайди, яъни Урхун-енисей ёзма ёдгорликлари тилига анча яқин"¹.

Қадимги уйғур ва қадимги ўғуз тиллари *т/г* белгили бўлиб, анча кейин шаклланган *з/с* ва *й* белгили тиллардан фарқ қилади. Қадимги уйғур ва қадимги ўғуз тилларида *с-ш* ундошлари алмашуви мавжуд эди. Масалан: "Манийхейлар тавбаси"да *с* характерли, *алқыс* (*алқыш* ўрнида), бошқа ёдгорликларда эса *ш* қўлланади. Худди шунингдек, бу ёдгорликларда *е-и* унлиларнинг алмашиниши ҳам кузатилади, масалан: *биш* (*бэш* ўрнида). Қадимги уйғур ёзувларида *лт*, *рт*, *нт* товуши

¹ С.Е.Малов. Паметники древнетюркской письменности. -М. 1951. 108-бет.

бирикмалари сўз ўзаги таркибида қўлланади. Масалан: *болтумуз "бўлдик"*, *билтимиз "билдик"*.

грамматик қурилишда:

қадимги уйғур тилида сифатдошнинг - ма шакли, масалан: *йоригма "келган"*, *тигмака "гапирганга"* ва равишдошнинг бўлишсиз шакллари *-матын/-мэтин-мэдин*, (масалан: билматин "билмай", *киркүнмэдин* "тан олмай") қўлланган.

Лексика соҳасида энг қадимги ёзма ёдгорлик бўлган "Манийхейлар тавбаси" асарида қадимги эрон тили сўзлари кўп қўлланган.

Кейинги даврларда қадимги уйғур тили қадимги ўғуз тили билан биргаликда тарқалган ва тараққий этган. Масалан, Кошғарий "Девон"да бу икки тил орасидаги фонетик ва грамматик фарқларни қуйидагича кўрсатади:

а) сўз бошида уйғур тилида — *м*, ўғуз тилида — *б*, масалан: уйғур. — *мән*; ўғуз. — *бән*;

б) сўз ясалишда *г/г* ундошлари қадимги уйғур тилида қоланади, масалан: *барган*; қадимги ўғуз тилида тушиб қолади, масалан: *баран* ёки уйғур. *тамғақ*; ўғуз. *тамақ* "томоқ";

г) истак майли шакллари: уйғ. *баргу*; ўғуз. *барсаы*; уйғур. *турағу*; ўғуз. *турасы*;

Қадимги даврда бўлганидек, кейинги даврда ҳам қадимги уйғур тили диалектларга эга эди. Юқорида қайд қилинган *с-ш* ундошлари алмашинуви бунга мисол бўла олади. Маҳмуд Кошғарий ўз "Девон"ида ҳам X-XI асрлар уйғур тилида шевалар бўлганлигини қайд қилади. Уйғур тилининг асосий лаҳжаси аргулар тилидир. Бу лаҳжанинг асосий хусусиятларидан бири *й* ўрнида *н* қўлланиши (масалан, *қон* (*қой* ўрнида) билан *мўғул* тилига яқинлигини кўрсатади. Мисоллар: *чиған* (*чиғай* ўрнида). «камбағал»; *қанда* (*қайда* ўрнида). Чигил лаҳжаси ҳам қадимги уйғур тилига киради ва *г* ёки *й* ўрнида *з* қўлланиши билан бошқа лаҳжалардан фарқланади. Масалан: *тозты* (*тойғу* ёки *гойғу* ўрнида); азақ (*адақ* ёки *айақ* ўрнида);

Қадимги уйғур тили қадимги ёзма тилларнинг бири эди. Юқорида қайд қилинганидек, у уч алифбода иш юритган: 1) "руний" урхун ёзувидаги тошларга ўйиб ёзилган ёдгорликлар; 2) вертикал тарзда ёзиладиган

қадимги сўзд ёзувида; 3) энг кейин қўлланган араб ёзувида.

ҲОЗИРГИ ТИЛЛАР

ТУВА ТИЛИ

Бу тил Тува республикаси маҳаллий халқининг миллий тилидир. Туваларнинг (*тоба, тува* номлари билан юритилади) умумий сони 200 000 киши, шундан 40 000 киши Мўғилистонда яшайди. Тува халқи таркибига урянхай-манчак ёки кукчилит уруғларини (уларнинг умумий сони 4 000 киши) ҳам киритиш мумкин. Тувалар қадимдан сойотлар, сойонлар, сойонликлар, урянхайлар, тонну-туваликлар номлари билан аталиб келинган; уларнинг тиллари қадимги тиллар бўлмиш қадимги ўғуз, қадимги уйғур тилларининг белгиларини ўзида сақлаган, шу билан бирга, ҳозирги тиллар тофалар (карагас) ва ёқут тилларига яқин туради. Шунинг учун тува тили юқоридаги тиллар билан бирга уйғур кичик гуруҳини ташкил қилади; бу тил, бир томондан, юқоридаги белгилари билан мазкур тиллар кичик гуруҳига киради, иккинчи томондан, ўзига хос хусусиятлари билан алоҳида тил ҳисобланади. Тува тилининг асосий хусусиятлари қуйидагилар:

фонетика қурилишида:

- а) *п**, *т** сингари бўғизда талаффуз қилинувчи жуфтларга эга;
- б) иккинчи чўзиқлик мавжуд, масалан: *хаар*, "ёпмоқ" (*хар* "қор"), *чыыл* «йигинмоқ» (*чыл* «йил»);
- в) сўз бошида қ ўрнида х қўлланиши.
- г) *й* бурун товшининг мавжудлиги.

грамматик қурилишида:

- а) шарт майли қўшимчаларнинг ўзига хослиги; *барзымза* "борсам", шунингдек, шеваларда қадимги шаклларнинг ишлатилиши *бардым эрза* "борсам";
- б) равишдош шаклларнинг ранг-баранглиги;

луғат бойлиги соҳасига:

- а) мўғулча сўзларнинг кўп қабул қилинганлиги;
- б) фин-угор, самодий, тунгус-манчжур тилларидан кўп сўзларни ўзлаштирганлиги.

Тува тили кўпгина лаҳжа ва шевалари билан огзаки тил сифатида ривожланиб келди, унинг кўп хусусиятлари ҳали ўрганилмаган. Тува ёзма адабий тили 1939-1941 йилларда лотин алифбосида иш олиб борди, ундан кейин эса рус алифбосида иш юритади.

ТОФАЛАР (КАРАГАС) ТИЛИ

Карагас (ёки тофалар) кичик этник гуруҳ тили (умумий сони 1000 киши) (*тофа, тофалар*) бўлиб, Красноярск ўлкасида яшашади. Улар келиб чиқишига кўра тува қабила бирлашмасига кирувчи ненец (самодий) ларга бориб тақалади. Тува уруғ номи карагаслардан ташқари, тува, шор, хакас, олтойлар таркибида ҳам сақланиб қолган. Тофалар (карагас) тили туркий тилларининг уйғур-ўғуз гуруҳига мансуб ва тува тили (қадимги уйғур, қадимги ўғуз тиллари) билан биргаликда уйғур-тукю кичик гуруҳига мансуб; ўзининг фонетик-грамматик ва лексик белгилари билан тофалар (карагас) тили тува тилига яқин, бу белгилари билан уни тува тилининг лаҳжаси ҳисобланади. Тофалар ўз ёзувида эга эмас, улар рус алифбосида иш олиб боришади.

ЁҚУТ КИЧИК ГУРУҲИ

Бу кичик гуруҳга фақат ёқут тили киради. Бу тил нотуркий тиллар — тунгус тиллари билан боғланган. Улар бошқа туркий халқлардан қабилаларнинг номланиши жиҳатидан (мас. *саха ё қ у т, х а к а с* қабилалари номи, сагай *т у в а* қабиласининг номи, ураанхай ёқут афсоналарига кўра *м ў г у л* қабилалари номи) ҳам фарқланади, лекин уларнинг тили туркий тиллар билан баъзи бир умумийликларга ҳам эга (*ш* ундошининг йўқлиги билан хакас тилининг балтир ва сагай лаҳжасига ўхшайди).

Шунингдек, ёқут тили баъзи хусусиятлари билан

чуваш ва бошқирд тилларига ҳам яқин туради, (ёқут. суол, чув, сўл, «йўл», с>х хусусияти билан бошқирд тилига ўхшайди, қ>х хусусияти билан хакас тилига, ч/ш>с билан бошқирд ёки хакас тилларига ўхшайди). Бу далиллар ёқут тилининг бошқа тиллар билан қадимдан алоқадорлигини билдиради.

Ҳозирги ёқут тили уйғур тили билан ҳам умумийликка эга, бироқ қуйидагича фарқланади:

а) сўз ўртасида алмашинадиган й~д~з ўрнида *m* қўлланади: *атаг* (> *айах/азақ* ўрнида);

б) й~ж~ж~г'~ч ўрнида сўз бошида *c* қўлланади суол «йил»;

г) сўз ўртасида *c*<*ш/ч* ўрнида *ç* ишлатилади (*быҳах* (*бысах*<*бышақ* (*пычақ* ўрнида));

д) *ya, uz, yo, үө* дифтонгларига эга, бошқа туркий тилларда бу хусусият йўқ.

ҲОЗИРГИ ЁҚУТ ТИЛИ

Бу кичик гуруҳга фақат ёқут тили тааллуқли. Ёқутлар ва уларнинг тили туркий ва нотуркий (айниқса, тунгус ва мўғул) тиллар билан қоришиб кетган. Бундай алоқадорлик қабилар номларининг аталишида (масалан, саха ёқут уруги номи, сағай — тува халқининг номи, шунингдек, туркий халқ бўлган туваларнинг бир уругининг номи мўғул) бўлганидек, тиллар орасидаги умумийликда ҳам кўринади (масалан, туб ёқутча сўзларда *ш* фонемаси қўлланмайди, бу хусусият тува тилида ҳамда хакас тилининг соғай ва балтир шеваларида учрайди).

Ёқут тили Ёқутистон республикаси тили (ёқут-саха) умумий сони 250 минг киши, долғанлар 5 минг киши.

Ёқут тили бошқа туркий тиллардан анча фарқ қилади, бироқ у уйғур -ўғуз тилларига ўхшаш томонлари ҳам мавжуд.

Бу тил қадимги тиллар бўлмиш қадимги уйғур, қадимги ўғуз ва ҳозирги тиллар — тува, хакас, бошқирд тиллари билан ҳам умумийликларга эга, асосий хусусиятлари:

фонетика соҳасига:

а) *m/g, p~c/з* ўрнида *m* қўлланиши: *атах*, шарт майли қўшимчаси *-таp/-гаp* (*-саp/-сэр, -са/сэ* ўрнида);

б) *c-m'/g'~ж~ж~ч~й* ўрнида сўз бошида *c* қўлланиши: суол «йўл»;

в) *ш* ундошининг мавжуд эмаслиги;

г) *й* бурун товушининг мавжудлиги (тува тилида-гидек);

д) *c>ç* муносабати (бошқирд тилидаги каби);

е) биринчи чўзиқлик борлиги: *саас* «ёз», *хаар* (қор), *тиис* «тиш»;

ж) дифтонгларнинг мавжудлиги (*ya, uz, yo, үө*);

з) ассимиляция ва диссимиляциянинг турли шакллари борлиги.

грамматика соҳасига:

а) қаратқич келишигининг йўқлиги;

б) тунгус-манчжур тили унсурларининг мавжудлиги;

в) ёқут тили бошқа сибир турклари тиллари каби ҳали ўрганиб бўлинмаган.

Ёқут адабий тили 1917 йилдан кейин шаклланди, унинг алифбоси XIX аср бошларида 1819-1820 йиллар биринчи ёқут тилида босилган китоб орқали шаклланди. Бу Г. Попов томонидан нашр этилган китоб эди. О. Бетлинг эса рус алифбосидан Д. Хитров амалга оширган транскрипция орқали бошқа китоб нашр қилдирди. Янги алфавит 1922-1924 йиллар С. Новгородов томонидан ташкил этилди.

Ёқутлар 1924-1939 йиллар лотин графикасидан, ундан кейин рус графикасидан фойдаланадилар.

ХАКАС КИЧИК ГУРУҲИ

Бу кичик гуруҳ иккига бўлинади. Биринчи бўлинишига, хакас тили ва унинг икки лаҳжаси: а) *ц* ловчи соғой-балтир диалектлари; *ш* ловчи қочин, қойбол, қизил, шор, сариуйғур, қамаси ва чўлим татарлари тиллари;

Иккинчи бўлинишга оид шор тилининг қандам, олтой тилининг шимолий лаҳжаси, хусусан, қора татар-

лар (*йиш-кижи, туба*), куманды диалекти (*куманди/қубанды*) ва оққуш компонентли халқлар тиллари (*қуу-кижи*) *чалқангуу/шалқангуу* — сўзларида бир умумийлик мавжуд. Масалан: *қуу-оққуш, кижиди-киши; қубанди < қуба (ёқут) оққуш+нди* — сўз ясовчи қўшимча, шунингдек, *қуман<қуу «оққуш»; -ман—сўз ясовчи қўшимча—половец*.

Бу номлар IX-X асрларда Дон ва Дунай дарёлари орасида оққушлар мамлакати деб аталган ҳудудда яшаган мадёрларнинг авлодлари ҳисобланади (улар булғор ва печенеглар таркибига сингиб кетишган).

Хакас кичик гуруҳи тиллари уйғур-ўғуз гуруҳи тилларининг умумий хусусиятларини ўзида мужассам этган.

Бу тилларнинг асосий хусусиятлари:

а) *й-т-г* ўрнида *з* қўлланиши билан фарқланади: *азах (айақ, адақ, атақ* ўрнида) «оёқ»;

б) сўз охирида *й* ўрнида *с-з* қўлланиши: *кес-* (*кий-ўрнида*);

в) сўз бошидаги *ж-ж-г-с* ўрнида *ч* ва *н, н'* қўлланиши: *чыл* (*йил-*), *наңмир //н'амыр// нанбур /нанмур «ёмғир»*;

г) *б>м* алмашинувининг борлиги: *тэбир* (*темир ўрнида*), *кэбэ...* (*кема ўрнида*).

д) *пилгэчи//пилээчи* «билган» типидagi сифатдош шакллариининг мавжудлиги.

ҲОЗИРГИ ТИЛЛАР

ХАКАС ТИЛИ

Бу тил хакас халқининг тили (олдин, абакан, енисей турклари деб аталган), умумий сони 70 минг киши, 1917 йилда мустақил миллат бўлган). Хакас тили уйғур-ўғуз кичик гуруҳига киради, ўзининг алоҳида хусусиятлари билан қамаси, кюэрик, шор, сариуйғур, олтой тилининг шимолий диалектларидан фарқланади.

Ҳозирги хакас тилининг барча диалектлари қуйидаги умумий хусусиятларга эга:

1) уч тор, лабланмаган унлига эга: *ы, и, й*;

2) туб хакас сўзларида *ш-ж* йўқ;

3) *й-з/с-г/т-р* орасида *з/с* ловчилиги билан фарқ қилади: *азах «оёқ»*.

Хакас тили генетик жиҳатдан қадимги қирғиз тилига, ундан қадимгироқ бўлган қадимги уйғур тилларига боғланади. Ҳозир ҳам бу қадимги тилларнинг белгилари хакас тилида сақланиб қолган.

Ҳозирги хакас тили учун соғай ва қочин шевалари асос бўлган. Шунинг учун ҳам хакас тилининг ривожини икки гуруҳ шеваларига боғланади: 1) соғай-балтир гуруҳи шевалари. Бу шевалар с ловчи шева ҳисобланади; 2) *ш* ловчи қочин-қайбал-қизил гуруҳи бўлиб, унга қочин, қайбал, қизил, шор лаҳжалари киради.

Биринчи гуруҳга кирувчи соғай ва балтир шевалари бир-биридан кўп фарқ қилмайди. Соғай лаҳжасида Аскиз райони, Таштип райони аҳолиси гаплашади. Балтир шеvasида Аскиз районидаги Моноқ қишлоғи аҳолиси ва Таштип районидаги Арбати қишлоғи аҳолиси гаплашади.

Соғай ва балтир шеваларининг хусусиятлари. *Ундошлар соҳасида:*

а) *ш/ж* нинг мавжуд эмаслиги ва унинг *с/з* га алмашинуви: *тас* "тош", *пас* «бош»;

б) *ч/ш* ўрнида (сўз охирида) *с/з* қўлланиши: *ас* — «оч»; *азах* "очиқ", *ағиз* «ёғоч», *ағизи* "ёғочи".

в) *й-ж-ж-г-с* ўрнида *ч* қўлланиши: *чайғи* "ёз", *чар* "жар", *чахси* "яхши";

г) *б/п > м*: *музук* "буюк";

д) *й>с*: *сағ* "ёғ".

Унлилар тизимида:

а) *о>у*: *хул* (*хол* ад. ўрнида) "қўл";

б) *ө>ү*: *үски* (*өски* ад. ўрнида) "эски";

в) *оо=уу*: *чуух* (*чоох* ад. ўрнида) "сухбат";

г) *өө=үү*: *күүк* (*көөк* ад. ўрнида) "какку";

д) *а>ы*: *ағыс* (*ағач* ад. ўрнида) "ёғоч";

е) метатезанинг мавжудлиги: *үргән* (*үгрән* ўрнида) "ўрган".

Бундан ташқари ҳам соғай диалекти грамматика ва лексика соҳасида кўпгина фарқларга эга.

Иккинчи гуруҳга *ш* ловчи қочин, қизил ва шор диалектлари киради. Бу уч диалект соғай диалектидан қуйидагича фарқланади: *ш/ж* фонемаларининг борлиги: сўз охирида *с* ўрнида *ш/ч* нинг қўлланиши билан: *ач/*

аш "оч".

Қочин лаҳжасида ҳамма ўринларда ч қўлланади, бошқа диалектларда с/ш/ж алмашинади. Масалан: қочин: чачым, қизил: шашим, шор: шажым, соғ. сазым "сочим".

Қизил диалекти ч>ш/ж хусусияти билан фарқланади: шор (чар ўрнида), "жар".

Қочинлар Уст-Абакан, Олтой ва Ширин (Хакасия) районларида яшашади.

Қочин диалектининг асосий хусусиятлари:

ундошларга:

а) барча ўринларда ч қўлланиши: чачын/чазин (соғай шевасидаги сазын ўрнида) «қоғоз», агачим (соғай шевасидаги ағазым ўрнида) "дарахтим";

б) қ ундошнинг борлиги: қарак (харах), «куз»;

в) б ундошнинг борлиги: бас (пас ўрнида) "бош";

унлиларга:

а) чўзиқ унлиларнинг борлиги: азаам (азагим) «оёгим»;

б) лаб уйғунлигининг бузилганлиги: хузухты (соғ. хузухту) "ёнғоқ".

Қизил диалекти вакиллари Красноярск ўлкасининг Ужур, Шарипов районларида, Хакасия мухтор вилоятидаги Саралин ва Ширин районларида яшайди. Қизил лаҳжасининг хусусиятлари:

ундошларга:

а) ш/ж ва ш ундошларининг с/з ўрнида қўлланиши: төжек (ад. төзек) "тўшак", кижн "киши";

б) сўз бошида ч>й қўлланиши: йабал (ад. чабал) "ёмон", йахсы (чахсы), "яхши".

е) р, л нинг тушиб. қолиши (г, г дан олдин), паган (ад. парган) "борган"; саған, (салған), "солган".

унлиларга:

а) и > э: мэн (мин ўрнида), кэл (кил ўрнида);

б) у>о, уу>оо: кош (ад. кус) "куч".

Шор лаҳжасида Тоштин району ва Хакас мухтор вилоятидаги Шимолий ва Жанубий Матур туркий уруғлари гаплашишади.

Шор лаҳжаси хакас адабий тилидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

фонетикада:

а) ш/ж ундошларининг борлиги: шын (сын)

"ҳақиқат"; аншах (ансах ўрнида) "оқсоқол";

б) уйғунлашувнинг бузилиши: абэзы (абазы) «отаси», палэзы (палазы) "боласи".

фонетика-морфологияда:

а) жўналиш келишигининг тўлиқ шакли қўлланади: -зари//сари (-зар/-сар ўрнида) суғзары "сувга", тайғазары (тайғазар ўрнида) "тоққа";

б) ҳозирги замон давом феъли қўшимчасининг тўлиқ формасининг қўлланилиши: Мас: парчар (ад. парча) "келяпти", адырчар (адирча ўрнида) «ўтирибди»;

в) адабий тилда қўшимчага айланган кўмакчиларнинг ўз ҳолича қўлланиши: малты билэ (ад. палтынаң) "болта билан", мильтах пилэ (милтахнаң ўрнида) "милтиқ билан";

г) ҳозирги замон қўшимчасининг бўлишсиз шакли -паан/-баан/-маан (ад. -пин/-бин/-мин); парбаанчи (ад. парбинчи ўрнида) "келмаяпти", тоғинмаанча (ад. тоғинманчи ўрнида) "ишлямаяпти";

д) келаси замон сифатдоши -ар (-ур ўрнида) аңнарға (ад. аңнирға ўрнида) "ов қимоқ".

Хакас ёзма адабий тили 1917 йилдан кейин шаклланди. Хакас мухтор вилоятининг тузилиши билан адабий тил ва ёзуви билан боғлиқ масалалар келиб чиқди. Бу масала уч даврга бўлинади:

1924-1929 йиллар рус алфавити даври.

1929-1939 йиллар лотин алифбоси даври.

1939 йилдан кейин яна рус алифбосига қайтилди.

ҚАМАСИ ТИЛИ

Қамаси тили унчалик катта бўлмаган қамасиликлар (400 киши) тили, улар (қамаси, қанмажи) Красноярск ўлкасидаги Мана, Кана дарёларининг юқори оқимларида истиқомат қилишади. Қамаси мустақил тил бўлмай, сўз ўртасида ва охирида р~т/г-з/с-й қатнашиши ва з/с белгили эканлиги билан хакас тилига ўхшайди (гарчи, қамасилар Хакас мухтор вилоятида яшамасалар ҳам).

Қамасилар ўз ёзувига эга эмас, улар рус алифбосида иш олиб боришади.

ШОР ТИЛИ

Шор тили Кондома, Мирасса, Тома дарёлари буйларида жойлашган Шимолий Олтой, Кузнец Олтойи хуудларида истиқомат қилувчи (умумий сони 25 минг киши) шорлар тилидир. Шорлар Хакас ва Тоғли Олтой мухтор вилоятлари билан чегарадош хуудларда яшайдилар. Шорларнинг номи дастлабки этнографик адабиётларда шорлар, қорайган татарлар, мрас ва кондом татарлари, кондомликлар, мрасликлар, кузнец татарлари, том-кузнецк татарлари, абенликлар ва бошқа тарзда учрайди. Шор тили турк тилларининг уйгур-ўғуз гуруҳидаги хакас кичик гуруҳига киради.

Шор тилининг асосий хусусиятлари:

фонетик қурилишда:

а) диалектларда *о-у, оо-уу* унлиларининг алмашиши; масалан: *оңна-уңна* - "билиш", "англаш"; *уул-оол* "ўғил";

б) *и-й* алмашинуви: *кижи-кйжи* "киши";

в) *з-й* алмашинуви; *қозан-қойан* "қуён"; *пойу-позу* "ўзи"; *ч* алмашинуви: *чоқ-тоқ* "йўқ";

л у г а т б о й л и г и нинг овчилик атамалари ҳамда мўғулча сўзлар билан бойиши;

грамматик қурилишда:

а) равишдошнинг бўлишсиз шакллари - *паан/пәән -баан /бәән, -маан/-мәән* (хакас. *-пиин /-биин/миин*);

б) сифатдош шакллари: *-гаачи/-гәэчи*, бўлишсиз шакли: *-паачи /-пәэчи*;

в) сифатдош шакли: *-чақ/-чэк*;

г) феъл шакллариининг қисқарган кўринишларининг борлиги.

Шор халқ тили икки лаҳжадан иборат:

1) з белгили лаҳжа - Мрасс ва Том водийларида яшовчи шорлар тили бўлиб, хакас тилига яқин;

2) *й* белгили лаҳжа— Кондома ва Громи дарёси қуйи оқимида яшовчи шорлар тили: шимолий олтой тили лаҳжасига яқин.

Мрас ёки з белгили лаҳжа шор адабий тили учун асос бўлган, унда бошлангич мактаблар дарсликлари нашр қилинган.

з белгили диалектининг асосий белгилари:

а) *р-т/г-з/с-й* алмашинувлари орасида мрас лаҳжаси *з/с* белгили гуруҳга тегишли, кондом лаҳжаси *й* белгили тиллар гуруҳига оид, масалан: мрас. *мозук*, кондом. *Пийик* "буюк" мирас. *кес*, кондом *кий* "у ерда"; мрас. *албага*, кондом. *албагы*, "сувсар";

в) *о-у* ва *оо-уу* алмашинувлари: мрас. *қузрук*, кондом. *қойрук* "қуйрук".

грамматик қурилишда:

а) ўтган замон равишдошининг турли шаклларда қўлланиши: мрас. *парчаган*, кондом. *парчан /парчын* "жўнайдиған";

б) *-чақ* сўз ясовчи қўшимчасининг турли шаклларда қўлланиши: мрас. *шомаланчақ*, кондом. *шомаланчық* "ўйинқароқ".

в) I шахс кўпликдаги шахс-сон қўшимчасининг турли кўринишларда қўлланиши: мрас. *кэлдибис*, кондом. *келдис* "келдик".

Шор адабий тили ҳозирги пайтда мавжуд эмас, шорлар энг яқин тил — хакас ёки рус тилларида иш олиб боришади.

ЧУЛИМ ТАТАРЛАРИ, КЮЭРИКЛАР ВА КЕЦИКЛАР ТИЛАРИ

Чулим (мелет ёки мелец) татарлари тили кичик халқларнинг тили бўлиб, чулимлар Чулим Ҳавзаси (Об дарёси оқимида) яшайдилар. Кенг маънода чулим татарлари тили қўшни уруғ тиллари кецик (кэзик) ва кюэриklar тиллари билан боғланади. Чулим татарлари тили уч гуруҳ диалектларидан иборат: 1) кециklar лаҳжаси (В. В. Радлов фикрига кўра кециklar генетик жиҳатдан тобол татарларига боғланади); 2) кюэриklar лаҳжаси (В. В. Радлов уларни телеутларга боғлайди);

3) чулимлар лаҳжаси (булар генетик жиҳатдан туркий-лашган остяк ва кетлардан келиб чиққан).

Чулимлар тили ёки мелец татарлари уйгур-ўғуз гуруҳининг хакас кичик гуруҳига киради ва шу кичик гуруҳидаги бошқа тиллар, биринчи навбатда, шор тилига яқин, шунингдек, хакас тилининг қизил диалектига ҳам анча яқин туради.

Чулимлар тили бошқа туркий тиллардан қуйидаги белгилар билан фарқланади:

фонетик қурилишда:

а) *ц* жарангсиз қоришиқ ва *з* жарангли ундоши мавжуд: *цық* - "чиқ", *ага* "дарахт", *куц* "куч", *пицақ-пузақ* "пичоқ".

б) *уа*, *уо*, *уо*, *иэ* дифтонгларига эга: *суақ* "совуқ", *куак*, "какку", *сиэк* "сўна";

грамматик қурилишда:

а) келаси замон шакли *-гоқ /-гөк*: *мэн паргоом*): мен бораман (< *поргогум*);

б) келаси замон шакллари *-луқ /-лүк*, *-руқ /-рүк*, *-шуқ /-шүк*, *-нук /-нүк*, *-йуқ /-йүк*, *-суқ /-сүк*. Масалан: *ол паруқ* "у кетади", *ол кэллүк* "у келади", *таннуқ* "у билади", *қооплүк* "қопади", *өөссүк* "ўсади".

Л у г а т б о й л и г и г а - чорвачилик ва деҳқончиликка оид ҳамда ҳунармандчиликка оид атамалар кўп, бироқ улар ўрганилмаган.

Чўлим татарлари тилида икки лаҳжа бор: қуйи чулимлар ва ўрта чулимлар лаҳжалари. Шунингдек, фонетик жиҳатдан бир-биридан фарқланувчи шеваларга ҳам эга.

Қуйи чулим лаҳжасида Асинов ва Зирян районлари аҳолиси сўзлашади ва бу тил барабин лаҳжасига яқин туради, ўрта чулим лаҳжасида Чулимнинг юқори қисмида яшовчи аҳоли гаплашади, бу лаҳжа хакас тилининг қизил лаҳжасига ўхшаш. Бу икки лаҳжа бир-биридан қуйидаги белгилар билан фарқланади:

а) қуйи чўлимлар тилида сўз бошида *й*, ўрта чўлимлар тилида эса *ч* қўлланади, масалан: *йай-чай* "ёз", *йақшы-чақшы* "яхши";

б) сўз охирида қуйи чулимлар тилида *ц*, ўрта чўлимлар тилида эса *ч* қўлланади, масалан: *иц-ич* "ич"; *қац-қач* «қоч»;

в) сўз ўртаси ва охирида қуйи чулимлар тилида *й*, ўрта чулимлар тилида *з/с* қўлланади; масалан: *қуйруқ-қузруқ*, "қуйруқ", *қайын-қазын* "қайин";

г) сўз бошида қуйи чулимлар тилида *ц*, ўрта чулимлар тилида *ш* қўлланади, масалан *цан-шан* "қўнғироқ", *цық-шық* "чиқ".

Бу икки лаҳжанинг грамматик ҳамда луғат бойлиги соҳасидаги фарқлари жуда кам.

Қуйи чулим лаҳжасида шевалар *йўқ*, ўрта чулим лаҳжасида Тутал қишлоғи шеваси, Янги қишлоқ шеваси, Тизирачив шеваси, Пуштаков қишлоғи шеваси каби шевалар мавжуд.

Чулим татарлари ҳам ўз ёзувларига эга эмас, улар рус алифбосида иш олиб боришади.

ҚИРГИЗ - ҚИПЧОҚ ГУРУҲИ

Қирғиз-қипчоқ гуруҳи ўз хусусиятлари билан бошқа гуруҳлардан фарқланади ва ўз ичига қадимги қирғиз тилини ҳамда ҳозирги тиллар - қирғиз ҳамда олтой тилларини қамраб олади. Бу гуруҳ тиллари учун субстрат қадимги қирғиз тили бўлиб, унинг ибтидоси енисей ёдгорликларида бизнинг давримизгача сақланиб қолган. Ҳозирги қирғиз ва олтой тиллари бир-бирига анча яқин; уларнинг юзага келиши туркий тиллар тараққиётининг кейинги даври билан боғлиқ, шаклланиш жараёни қипчоқ ва мўғул уруғлари тилларининг аралашуви даврига бориб тақалади. Олтойлар узоқ вақтлар Жўнгор (мўғул) давлати таркибига уйрот қабилалари иттифоқида эди.

Бу гуруҳ тилларининг асосий белгилари:

а) унлиларнинг тўлиқ шаклланганлиги (саккиз меъёрий унли олти-саккиз иккинчи чўзиқли унлилар);

б) лаҳжаларда унли ва ундошлар орасидаги фарқларнинг камлиги;

в) лаб уйғунлигининг тўлиқ сақланганлиги;

г) *ч* ва *ш* ундошларининг мустақамлиги билан қипчоқ-нўғай гуруҳи тилларидан фарқланади; *қач* «қоч»; *баш* "бош" (*қаш* ва *бас* - ўрнида);

д) кўпинча сўз бошида жарангсиз ундошларнинг кела олиши, асосан олтой тилида;

е) унлилар орасида келган ундошларнинг жаранглашуви, бу олтой тили учун хос хусусият, бундай ҳолат қирғиз тилининг айрим диалекларида учраса ҳам қонуният даражасига етмаган;

ж) қадимги туркий тилда қўлланувчи шаклларнинг сақланганлиги;

з) тўлиқ шакли кўшимчаларнинг қисқарган шакллarga айланиб қўлланиши ва ҳ. к.

Қирғиз ва олтой тиллари бошқа қипчоқ тилларидан бир қанча хусусиятлари билан фарқланади: унлиларнинг иккинчи чўзиқлиги, сўз охирида келган жарангсизларни унлилар орасида жаранглашуви, бу хусусият билан бошқа олтой тилларига яқин туради (географик жиҳатдан), яъни бу хусусият хакас, шор, олтой, тува, ёқут тиллари, ҳамда қирғиз тили мўғул, тунгус, манчжур тиллари билан ёнма-ён ва ҳамкорликда ривож топганлигини кўрсатади. Демак, бу тиллар бошқа туркий тиллардан фарқланувчи умумийликларга эга.

Қирғиз ва олтой тилларини фарқловчи асосий белгилар:

а) қирғиз тилида олти, олтой тилида саккиз чўзиқ унли (иккинчи даражали) фонеманинг борлиги (олти унли + *иц, ыы* чўзиқ унлилари);

б) қирғиз тилидаги ж ундошининг олтой тилидаги *g'~m'* ундошлари билан алмашинуви;

в) жарангли ва жарангсиз ундош фонемаларнинг қирғиз тилида қатъий фарқланиши, олтой тилида бундай фарқнинг мавжуд эмаслиги;

г) қирғиз тилида қаратқич келишиги шакллари *-нин/-нын, -дын/-дин, -тын/-тин* ва чиқиш келишиги шакллари *-тан/-тэн, -нан/-нэн*, олтой тилида қаратқич келишиги шакллари *-ның/-ниң, -дың/-диң, -тың/-тиң*, чиқиш келишиги шакллари *-тан/-тэн, -нан/-нэн* эканлиги.

Қирғиз-қипчоқ гуруҳи тиллари лексикаси, Шарқий Хунн тармоғи тиллари сифатида Фарбий Хунн тармоғи тилларидан мўғул тили элементларини кўп ўзлаштирганлиги, араб, форс тилларидан жуда кам сўзларни қабул қилганлиги билан фарқланади.

ҚАДИМГИ ТИЛЛАР

ҚАДИМГИ ҚИРҒИЗ ТИЛИ

Қадимги қирғиз тили, қадимги қирғизлар тили бўлиб, улар Енисейда яшашган ва энг катта қабила иттифоқини бошқаришган; ёзма ёдгорликлари қабр тошларида сақланиб қолган. Қадимги қирғиз тили қадимги ўғуз ва қадимги уйғур тилларига ўхшаши билан бирга, ўзининг алоҳида характерли хусусиятига ҳам эга. С.Е Малов¹ қайд қилганидек, қадимги қирғизлар билан ҳозирги тофалар (карагаслар), тувалар, ёқутлар, хакаслар, кўмиқлар ва қипчоқлар билан қариндошдир. Қирғизлардан бошқа юқоридаги барча халқлар қадимги тил белгиларини сақлаган; *g/c* белгиси ҳали ҳам истеъмолда. Бу тиллар энг қадимги *p* белгили тилдан ҳам, энг янги *й* белгили тиллардан ҳам фарқланади.

Қадимги қирғиз тили ҳам ўзгармас тил эмас, ёдгорликлар гувоҳлик беришича, унда бир қанча лаҳжа ва шевалар мавжуд бўлган.

Қадимги қирғиз тили бошқа тиллар — қадимги, ўғуз ва қадимги уйғур тили каби яхши ўрганилмаган, шунинг учун ҳам бу қадимги тиллар орасидаги чегара аниқ белгилангани йўқ.

ҲОЗИРГИ ТИЛЛАР

ҚИРҒИЗ ТИЛИ

Қирғиз тили (қадимдан бурут, ёввойи тош қирғиз, қора қирғиз номлари билан аталиб келинган), умумий сони 2 млн. киши — Қирғизистон республикасининг миллий ва давлат тилидир. Бундан ташқари, қирғизлар Хитойда (150 минг к. ва Афғонистонда (50 минг к.) ҳам яшашади. У туркий тилларнинг Шарқий Хунн тармоғининг қирғиз-қипчоқ гуруҳига киради.

Қирғиз тили адабий тилдан ташқари икки лаҳжага: шимолий ва жанубий лаҳжаларга эга. Бу лаҳжалар ўзбек тили билан алоқадорлик натижасида юзага келган, улар орасидаги тафовутлар қуйидагилар:

¹ С.Е. Малов. Ўша асар, 7-8 бетлар.

а) сўз бошида шимолий лаҳжада ж, жанубий лаҳжада ж/й қўлланиши;

б) шимолий лаҳжада чўзиқ унлиларнинг, жанубий лаҳжада дифтонгларнинг борлиги;

в) э унлисининг шимолий лаҳжада мавжуд эмаслиги.

Ҳозирги қирғиз тилининг юзага келиши учун эрамиз бошида Енисейда яшаган қирғиз қабилалари асос солган бўлса-да, унинг ҳозирги ҳолати анча кеч шаклланди; кейинги даврларда эса унга ўз таъсирини қипчоқ тили ўтказди.

Қирғиз тили бошқа қипчоқ тилларидан унлиларда иккинчи чўзиқнинг мавжудлиги, лаҳжаларида сўз охиридаги ундошларнинг жаранглашиши, унлилар орасидаги ундошларнинг жаранглашуви билан фарқланади ва бу хусусиятлари билан олтой тилларига яқин туради. Олтой тили қирғиз ҳамда хакас, шор, тува, ёқут тиллари билан ҳамкорликда ҳамда ва мўғул, тунгус-манчжур тиллари билан қўшничиликда ривож топди. Шунинг учун ҳам бу туркий тиллар бошқа гуруҳ туркий тилларидан фарқ қилади ва ўзига хос хусусиятлар билан туркий тилларнинг Шарқий Хунн тармоғига киради. Қирғиз ва олтой тилларининг жуғрофий жиҳатдан шарқда жойлашганлиги, мўғул, тунгус, манчжур тиллари билан бевосита алоқадорлиги алоҳида гуруҳ — қирғиз қипчоқ гуруҳини ташкил қилишини намоён қилади.

Туркий тилларнинг Шарқий Хунн тармоғи Фарбий Хунн тармоғидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади; унлиларнинг иккинчи чўзиқликка эга эканлиги; жарангли ва жарангсиз ундошлар орасидаги фарқнинг камлиги; унлилар орасида жарангсиз ундошларнинг жаранглашуви ва ҳоказо. Қирғиз ва қипчоқ гуруҳи Шарқий Хунн тармоғи тиллари орасида қуйидаги хусусиятлари билан фарқланади:

а) ўз қатлам сўзларида х ва в' фонемаларининг йўқлиги;

б) иккинчи бўғиндаги а ва э унлиларнинг лаб уйғунлигига мослашуви (тор у ва ү дан ташқари);

в) тўлиқ қўшимчаларнинг қисқарган шаклга айланиш қонунияти, қўшимчаларнинг шаклан мос келиши, бироқ маъно жиҳатидан фарқ қилиши.

Ва ниҳоят, олтой ва қирғиз тилларини фарқлайди-

ган белгилар.

а) қирғиз тилида олти, олтой тилида саккиз чўзиқ (иккинчи чўзиқ) унли (олти унли + чўзиқ унлилар ии, ыы) ларнинг борлиги;

б) қирғиз тилида ж ундошининг борлиги, бу ундошнинг олтой тилида *т'-г'* ундошларига ўтиши;

в) қирғиз тилида жарангли ва жарангсиз ундошларнинг фарқлиниши;

г) қирғиз тилида қаратқич келишиги шакллари *нин/ -нын, -дын/-дин, -тин/-тин*, чиқиш келишиги шакллари *-ган/-гән, -тан/-тән, -нан /-нән* ва олтой тилида қаратқич келишиги шакллари *-ниң/-ның ; - дин/-дын, -тың/-тиң*, чиқиш келишиги шакллари *-гаң/-гән, таң/-тән, -наң /-нән*.

Қирғиз тили лексикасини шарқий тармоғи тилларида бўлганидек, мўғулча сўзларнинг кўп ва аксинча, арабча, форсча сўзларнинг камлиги характерлайди, олтой тилида эса бу ҳолат янада ёрқинроқ сақланган.

Қирғиз адабий тили бугунги кунда илм-фан матбуот ҳамда оммавий ахборот воситалари тили сифати юксак даражада тараққий этган тил бўлиб ҳисобланади. Қирғиз адабий тилида ўрта ва олий мактаб дарсликлари, кўплаб газета ва журнал, китоблар нашр қилинади. Рус алифбосида олиб борилган бу ишлар Чингиз Айтматов асарларининг нашри билан бутун дунёга донг таратади.

ОЛТОЙ ТИЛИ

Олтой тили — Олтой ўлкасидаги Тоғли Олтой ўлкаси аҳолисининг адабий тили. Олтойларнинг сони ҳозир 100 000 киши бўлиб, у ўзида бир қанча уруғ ва қабилаларни бирлаштиради. Ўз навбатида, олтой тили этник жиҳатдан икки лаҳжага: шимолий ва жанубий лаҳжаларга бўлинади.

Олтой тили туркий тилларнинг Шарқий тармоғи, шунингдек, қирғиз тили билан биргаликда, бир кичик гуруҳга киради. Шуниси характерлики, шимолий лаҳжа ҳозирги олтой адабий тили учун асос қилиб олинган; жанубий лаҳжалардан кескин фарқ қилади. Олтой тилининг шимолий лаҳжаси айрим белгилари билан туркий тилларнинг Шарқий тармоғига кирувчи уйғур -ўғуз

гуруҳи тилларига ўхшайди. Демак, бу тил бошқа тиллар каби бир бутунликдан иборат эмас, балки шимолий ва жанубий гуруҳларни ташкил қилувчи диалектлардан иборат бўлиб, улар ўзлари фонетик, лексик ва грамматик белгиларига кўра фарқланади:

Жанубий гуруҳ шевалари уч асосий лаҳжага бирлашади:

1. **Олтой лаҳжаси.** Бу лаҳжада Катун, Сема, Песчанная, Чарвиш, Урсул, Майма дарёлари бўйларида яшовчи Онгудай, Усткан, Эликманар ва Шибалин районлари аҳолиси гаплашади. Бу аҳоли олтой-кижи ёки тоғли олтойлар, оқлар, шунингдек, қалмиқлар номлари билан аталади.

2. **Теленгит лаҳжаси.** Бу лаҳжада Улаган аҳолиси, ва қисман, Қаш Ағач аймақлари гаплашади. Бу лаҳжа икки шевага бўлинади: а) *тиленгит-телес шеваси*. Унда Чулишман, Башкауз дарёлари бўйида ҳамда Телец кўли қиргоқларида яшовчи теленгит ва талос номи билан аталувчи аҳоли гаплашади; б) *чуй шеваси*. Бу шевада чуй-кижи номи билан аталувчи Чуй дарёси бўйларида яшовчи аҳоли сўзлашади.

3. **Телеут лаҳжаси.** Унда Шебалин ва Маймин аймақлари, Тоғли Олтой вилояти аҳолиси, Чумиш райони (Олтой ўлкаси) ва, асосан, Новосибирск вилоятининг Белов райони аҳолиси гаплашади. Бу районлар катта ва кичик Бағат номлари билан аталиб, у ерда Чолохуй, Шанду, Катта Улус қишлоқлари мавжуд. Бу ҳудуд аҳолиси ўзини *тэлэнгут* ёки *тэлэнгэтар* деб атайд.

Шимолий гуруҳ ҳам уч лаҳжани ўз ичига олади.

1. **Туба лаҳжаси.** Бу лаҳжа вакиллари ўзларини *туба//тува//тума-кижи, тубалар, g'иш//m'иш// йиш-кижи* номлари билан аталади ва улар Катун ва Бия дарёлари оралигида, шунингдек, Уймен, Пижа, Катта ва Кичик Иша, Сари ва Кара Кокши дарёлари қиргоқларида ҳамда Майма ва Чуй дарёларининг юқори оқимида жойлашган аҳоли сўзлашади. Туба лаҳжасида сўзловчилар Салганду, Инирга, Тушкенек қишлоқларида ҳам яшайдилар. Шунингдек, Турачан аймақлари (Кебезен, Артибаш қишлоқларида яшовчи) ҳам шу диалектда сўзлашади. Тубаларнинг умумий сони 15 минг киши.

2. **Куманди лаҳжаси.** Бу лаҳжа вакиллари ўзларини *қубанду//қуванти//қуманду-кижи* номлари билан аташади, умумий сонлари 12 минг киши. Улар Бия дарёси ўзанида Тоғли Олтойнинг Оққуш (Лебед) ҳамда Балиқсу дарёлари қиргоқларида яшашади.

Куманди лаҳжаси ўз навбатида уч шевага бўлинади:

а) *турачак*; б) *солтон*; в) *эски барди*. Булар орасидан эски барди шеваси қадимги хусусиятларни яхши сақлаган.

3. **Чалқан лаҳжаси.** Бу лаҳжада сўзловчи аҳоли ўзларини *чалқанду//шалқанду-кижи, қуу-кижи* каби номлар билан аташади. Умумий сони 4 минг киши. Улар Лебед дарёси бўйлари ва Бойгол дарёси оқимидаги Курмач-Бойгол, Суранаш, Кичик Чибечен ва Иткуч қишлоқларида истиқомат қилишади. Бу лаҳжа вакиллари бир-биридан унчалик фарқланмайдиган *шалқаниг* ва *шагшылық* каби икки кичик гуруҳга бўлинади.

Олтой тилининг шимолий ва жанубий лаҳжалари орасида фарқлар қуйидагича:

Фонетика соҳасида:

а) **Унлилар.**

Шимолий гуруҳ Жанубий гуруҳ

| | | | |
|------------|---|--|--|
| у-о | <i>ул</i> <i>ура</i> <i>пул-//пол-</i> <i>мурсак</i> | <i>ол</i> <i>аро</i> <i>пол-</i> <i>борсоқ</i> | «у» «ўра» «бўл-» «бўрсиқ» |
| у-о | <i>уйда</i> <i>мүрө</i> <i>пурук</i> <i>шуй</i> | <i>ойто</i> <i>бөрү</i> <i>пөрүк</i> <i>чөй</i> | «қайта» «бўри» «телпак» «торт»- |
| и-э | <i>сибис</i> <i>пик</i> <i>пил-//пэл</i> <i>илэк</i> | <i>семис</i> <i>бэк</i> <i>бэл</i> <i>элэк</i> | «семиз» «аччиқ» «бел» «элак» |

Олтой тилининг бундай фонетик хусусияти татар ва бошқирд тиллари учун ҳам хос и~э — мослиги эса урхун тош битикларидаги қадимги ўғуз тилига тўғри келади.

Олтой тилидаги йкки лаҳжа орасидаги фарқланиш чўзиқ унлилар борасида ҳам ўз аксини топган. Масалан:

| Шимолий лаҳжа | Жанубий лаҳжа |
|---------------|-------------------|
| оо-уу: | оол уул «ўғил» |
| | қооқ қууқ «қовуқ» |
| аа-уу//оо: | аар уур «оғир» |
| | паар буур «бағир» |
| | аас ос «огиз» |

Шимолий лаҳжадаги унлиларнинг бундай мослиги, асосан, қўмандин ва чалкан шеваларида тўлиқ, туба шевасида эса қисман сақланган. Шунингдек, шимолий лаҳжа шевалари ўзининг лаб уйғунлигининг чўзилганлиги билан ҳам жанубий лаҳжадан фарқланади: шим. л. *көргөн*, жан. л. *көргөн* «кўрган», шим. л. *полган*, жан. л. *болгон* «бўлган».

Ундошлар соҳасида:

Шимолий лаҳжада сўз охирида қўлланувчи тил орқа, жарангли, сиргалувчи *г* ва портловчи тил орқа *г* жанубий лаҳжа шеваларида уу/ уу чўзиқ унлилар билан алмашади, масалан:

| Шимолий лаҳжа | Жанубий лаҳжа |
|---------------|-------------------|
| тағ | туу «тоғ» |
| суғ | суу «сув» |
| үг//уғ//уу | уй «уй» |
| эптиг | эптү(ү) «ўнғай» |
| шериг | черү(ү) «черик» |
| қайығ | қайу (у) «қолип» |
| қырлығ | қырлу (у) «тоғли» |

Сўз бошида *ч/ж'-г'//т'* мослиги мавжуд, масалан:

Шимолий лаҳжа

Жанубий лаҳжа

| | | | |
|-------|-------|--------|---------|
| ч'-д' | чил | гыл | «йил» |
| | чыт | г'ыт | «ҳид» |
| | чыш | г'ыш | «ўрмон» |
| | чап | г'ап | «йоп-» |
| | чақша | г'ақшы | «йахши» |

Туба шевасида сўз бошидаги *ч* баъзан *й*: *йил* "йил", *йыт* "ҳид", баъзан *к'/г'* билан алмашинади, масалан: *к'асап* (*г'асап* ўрнида) «ясаб», *к'егун/г'егун* (*г'егун* ўрнида) «етиб».

Шимолий лаҳжада *ага/аж'а* — жанубий лаҳжада *аг'а* «ака», шимолий лаҳжада *эгэ/эж'а* — жанубий лаҳжада *эг'э* «амма»; шим л. *кэчир//кэж'ир* — жан. л. *кэдир* «бўғиз».

н'-г' сўз бошида мос келиши:

Шимолий лаҳжа

Жанубий лаҳжа

| | | |
|---------------|---------------|---------|
| <i>н'аан</i> | <i>г'аан</i> | «катта» |
| <i>н'агыс</i> | <i>г'агыс</i> | «бир» |
| <i>н'аң</i> | <i>г'аң</i> | «одам» |
| <i>нааң</i> | <i>г'ааң</i> | «лунж» |
| <i>н'эң</i> | <i>г'эң</i> | «енг» |
| <i>н'еңил</i> | <i>г'эңил</i> | «енгил» |

Сўз бошида *ш'* ва *ч* мослиги:

Шимолий лаҳжа

Жанубий лаҳжа

| | | |
|----------------|---------------|----------|
| <i>ш'анақ</i> | <i>чанақ</i> | «чана» |
| <i>ш'апқан</i> | <i>чапқан</i> | «чопган» |
| <i>ш'ық</i> | <i>чық-</i> | «чиқ» |
| <i>ш'эдэн</i> | <i>чэдэн</i> | «тўсиқ» |

Сўз ўртасида *ж-ч* мослиги:

Шимолий лаҳжа

Жанубий лаҳжа

| | | |
|----------------|--------------|---------|
| <i>пыж'ақ</i> | <i>пычақ</i> | «пичоқ» |
| <i>қаж'ан.</i> | <i>қичан</i> | «қачон» |
| <i>пич'и</i> | <i>бичи</i> | «ёзмоқ» |

Сўз бошида м-б мослиги:

| | | |
|---------------|---------------|----------|
| Шимолий лаҳжа | Жанубий лаҳжа | |
| муре//морү | бөрү | «бүри» |
| молот//молат | болот | «пўлат» |
| мурсақ | борсақ | «барсуқ» |
| малқаш | балқаш | «балчиқ» |

Ва аксинча, сўз ўртасида б/в-м мослиги:

| | | |
|---------------|---------------|--------------|
| Шимолий лаҳжа | Жанубий лаҳжа | |
| тэбир | тэмир | «темир» |
| табақ | тамақ | «томоқ» |
| кэбэ | кэмэ | «қайиқ» |
| төбэн | төмөн | «қуйи томон» |

Шимолий лаҳжа шеваларида сўзларнинг тэбир, табақ, кэбэ, төбэн шакллари билан биргаликда тэвир, тавяқ, кэвэ, төвэн кўринишлари ҳам тенг қўлланади.

Шимолий шеваларда ундошлар диссимилияцияси фаол қўлланади.

Шимолий лаҳжа Жанубий лаҳжа

| | | |
|-----------|-----------|--------------|
| келти | келди | «келди» |
| алтылар | алдылар | «олдилар» |
| чугултады | чугулдады | «аччиқланди» |
| түнтэ | түндэ | «тунда» |
| көрти | көрди | «кўрди» |

Грамматика соҳасида:

а) ҳар икки лаҳжада сифатдошнинг бўлишсиз шакли ўзига хос шакллар билан ифодаланади, масалан, шим. л. *г'ев'ийин* — жан. л. *г'имей* «емай»; шим. л. *суравийин* — жан. л. *сурамай* «сўраман».

б) чиқиш келишиги қўшимчаси шимолий шеваларда ҳозирги уйғур тилидаги каби *-дын/-дин*, *-тын/-тин*,

жанубий шеваларда эса *-даң/-дәң*, *-таң/-тәң*, *-наң/-нәң* каби ишлатилади. Масалан: шим. л. *мендин* — жан. л. *мәнән* «мендан»; шим. л. *уғдын* — жан. л. *уйдән* «уйдан».

в) кўрсатиш ва кишилиқ олмошлари ҳам бу лаҳжалардан ўзига хос кўринишда қўлланади: шим. л. *по* — жан. л. бу «бу»; шим. л. *г'ууг/г'уу* — жан. л. *не* «нима»;

г) феълларнинг тусланиши ўзига хос шакллар орқали амалга ошади; масалан: шим. л. *көрүбит* — жан. л. *көрүнд'ат* «кўряпти»; шим. л. *ичибит* — жан. л. *ичинд'ат* «ичяпти».

д) тушум келишик қўшимчанинг қўлланиши шимолий шеваларда тўлиқ, жанубий шеваларда қисқа шаклда қўлланади, масалан: шим. л. *мүригини//мөрүгини алды* — жан. л. *бөрүгин олди* «телпагини олди».

Лугат бойлиги соҳасида ҳам шимолий ва жанубий гуруҳ шеваларида сезиларли фарқланиш мавжуд; бу ҳолат мазкур тил эгалари учун анча қийинчиликлар туғдиради:

а) *отлардаги фарқланиш:*

Шимолий лаҳжада Жанубий лаҳжада

| | | |
|---------------|---------------|----------|
| <i>ага</i> | <i>ага</i> | «ота» |
| <i>ылда</i> | <i>абагай</i> | «амаки» |
| <i>ына</i> | <i>дэңа</i> | «янга» |
| <i>адақ</i> | <i>таага</i> | «бува» |
| <i>наанақ</i> | <i>энэш</i> | «буви» |
| <i>танақ</i> | <i>тумчуқ</i> | «бурун» |
| <i>эчэк</i> | <i>чөөчэй</i> | «пиёла» |
| <i>төргән</i> | <i>тон</i> | «шуба» |
| <i>куңнак</i> | <i>чамча</i> | «куйлак» |
| <i>н'эмчи</i> | <i>чычқан</i> | «сичқон» |
| <i>пычан</i> | <i>өлөң</i> | «сомон» |
| <i>чип</i> | <i>тук</i> | «жун» |
| <i>чүрмэч</i> | <i>кэд'э</i> | «кокил» |
| <i>қусақ</i> | <i>курак</i> | «курак» |
| <i>қағат</i> | <i>чазын</i> | «қоғоз» |

Бошқа сўз туркумларидаги фарқланиш

| | | |
|---------------|---------------|----------|
| Шимолий лаҳжа | Жанубий лаҳжа | |
| қандығ | қандый | «қандай» |
| д'ўғ/чуг | нэ | «нима» |
| парчын | бастыра | «хамма» |
| н'аа | д'анна | «янги» |
| эс | бийик | «юқори» |
| тунэ | сооқ | «совуқ» |
| қыбала | иста | «излаш» |
| тик- | көктэ- | «тинмоқ» |
| пыч- | кес- | «кес-» |
| элебин | кентэйин | «бирдан» |

Юқоридаги далиллар кўрсатадики, олтой тилининг шимолий гуруҳ шевалари жанубий гуруҳ шеваларидан сезиларли фарқларга эга, бу ҳолат шимолий гуруҳ шеваларини қўшни шор тилига анча яқинлигини кўрсатади. Шимолий гуруҳ шевалари, шор тили билан биргаликда, хакас гуруҳи тилларига ўхшаса, жанубий гуруҳ тиллари ўз хусусиятлари билан қирғиз тилига яқин туради.

Ҳозирги олтой адабий тили фонетик, лексик ва грамматик жиҳатдан шимолий гуруҳ шеваларидан (*туба, куманди, чалкан*) фарқ қилади. Кейинги пайтларда бу тил эгаларининг ёш вакилларида адабий тилда сўзлашиши орадаги фарқларнинг бартараф бўлишига олиб келмоқда.

1947 йилгача олтойлар ўзларини ўйротлар деб аташган, чунки бу ҳудудларда узоқ вақт мўғул уруғи ҳисобланмиш ўйротлар ҳукмронлик қилишган. Шу сабабдан ҳам олтойлар ўзларини ўйротлар деб атаб келишган. 1947 йилда «ўйротлар» "олтойлар" номи билан алмаштирилди, ўйрот мухтор вилояти Олтой мухтор вилояти номи билан атала бошланди.

Олтойлар тили 1917 йилга қадар ўз ёзувигача эга халқ ҳисобланади. XIX асрнинг 40-йилларида маҳаллий диндорлар рус ёзуви асосидаги телеут лаҳжасида иш олиб боришган. Улар асосан диний фаолият учун бу ёзувдан фойдаланишган бўлса-да, баъзи бадий асарлар

ҳам рус ёзувида пайдо бўла бошлаган: XIX аср охирида олтой тилининг айрим хусусиятлари ҳам ўрганилган эди.

Шундай қилиб, барча туркий тиллар тарихан энг асосий лисоний хусусиятларига кўра икки катта: Фарбий Хунн ва Шарқий Хунн тармоқларига бўлинади.

Туркий тилларнинг Фарбий Хунн тармоғи тарихан Хунн давлатининг фарбий қанотини ташкил қилган ва ўзида қуйида қабила иттифоқларини ва тилларини бириктирган: I — булғорлар; II — ўғузлар (булар ўз навбатида: ўғуз-туркман, ўғуз-булғор ва ўғуз-салжук кичик гуруҳларига бўлинади); III — қипчоқлар (булар ўз навбатида: қипчоқ-половец, қипчоқ-булғор, қипчоқ-нўғай кичик гуруҳларига бўлинади) ва IV — қарлуқлар (булар қарлуқ-уйғур, қарлуқ-хоразм кичик гуруҳлардан ташкил топган).

Шарқий Хунн тармоғи тиллари эса Хунн давлатининг шарқий қанотида жойлашган уруғ қабилаларининг тиллари ҳисобланади ва улар ҳам тарихан икки гуруҳ тилларига бўлинади: I — уйғур-ўғуз гуруҳи тиллари (булар уйғур-туку, ёқут ва хакас кичик гуруҳларини ўз ичига олади; II — қирғиз-қипчоқ гуруҳи эса фақат икки ҳозирги тилни қирғиз ва олтой тилларини ўзида мужассам этади.

ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА ҚЎЛЛАНГАН УНЛИ ВА УНДОШ
ТОВУШЛАР ТРАНСКРИПЦИЯСИ

Унлилар

КЕНГ УНЛИЛАР

a — туркий тилларнинг кўпида қўлланувчи кенг, лабланмаган, орқа қатор унли.

a' — лабланган *a* — татар ва ўзбек тилларидаги *a'* га тўғри келада *қа'лди* (татар.), *а'на* (ўзб. шеваларида) ад. она).

ə — кенг, лабланмаган, тил олди унли.

o — кенг, лабланган, тил орқа унли.

e — кенг, лабланган, тил олди унли.

ЎРТА КЕНГ УНЛИ

э (*e*) — туркий тилларнинг кўпида қўлланувчи тил олди, лабланмаган, ўрта кенг унли.

ТОР УНЛИЛАР

ы — туркий тилларнинг кўпида қўлланувчи тор, лабланмаган, орқа қатор унли.

ы' — *ы* нинг ўғуз тилларидаги кўриниши, масалан, туркман тилидаги *ы* ва турк тилидаги *і* га тўғри келади.

ы' — *ы* нинг қипчоқ (мас. қозоқ) тилидаги кўриниши.

ы' — *ы* нинг булғор тилларидаги (мас. татар тилидаги *ы'* ва чуваш тилидаги *я'*) кўриниши.

и — тор, лабланмаган тил олди унли (мас. татар тилидаги *кил* - «кел»-).

и' — ўғуз тилларидаги (мас. туркман) кўриниши.

и' — қипчоқ тилидаги (мас. қозоқ) кўриниши.

и' — булғор тилларидаги (татар ва чуваш) кўриниши, ўта қисқа ва очиқ.

у — тор, лабланган, тил орқа унли (мас. татар тилидаги *кул* «кўл»).

у' — ўғуз тилларидаги (мас. туркман) кўриниши.

у' — қипчоқ тилларидаги (мас. қозоқ) кўриниши.

у' — булғор тилларидаги (татар ва чуваш) кўриниши.

у' — тор, лабланган, тил олди унли (мас. татар

тилидаги *кул* «кўл»).

у' — ўғуз тилларидаги (мас. туркман) кўриниши.

у' — қипчоқ тилларидаги кўриниши, *ү* га нисбатан бир оз кенг ва қисқа (мас. қозоқ).

у' — *ү* нинг булғор тилларидаги (татар ва чуваш) кўриниши, ўта очиқ; мас. татар. *күл* (көл) «кул».

Ундошлар

ОЛД ҚАТОР ЁКИ ЛАБ УНДОШЛАРИ

б — лаб-лаб, портловчи, жарангли, сонор, соф ундош.

б' — *б* нинг чуваш, гагауз ва қараим тилларидаги юмшоқ кўриниши.

п — лаб-лаб, портловчи, жарангсиз, соф ундош.

п' — *п* нинг чуваш, гагауз ва қараим тилларидаги юмшоқ варианты.

ң — димоғда талаффуз этиладиган товуш.

в — лаб-тиш, сирғалувчи, жарангли, соф ундош.

в' — *в* нинг юмшоқ кўриниши.

в' — лаб-лаб, жарангли.

м — лаб-лаб, портловчи, жарангли, сонор, соф.

м' — *м* нинг юмшоқ кўриниши.

ЎРТА ҚАТОР (ОЛД ВА ЎРТА ҚАТОР) УНДОШЛАРИ

ä — тил олди, портловчи, жарангли, соф ундош.

ä' — *ä* нинг юмшоқ (мас. олтой тилида) кўриниши.

т — тил олди, пртловчи, жарангсиз, соф ундош.

т' — *т* нинг юмшоқ (мас. олтой тилида) кўриниши.

т' — *т* нинг димоғда талаффуз этиладиган кўриниши.

з — тил олди, сирғалувчи, жарангли, соф ундош.

з' — *з* нинг юмшоқ кўриниши.

с — тил олди, сирғалувчи, жарангсиз, соф ундош.

с' — *с* нинг юмшоқ кўриниши.

с' — *с* нинг тил-тиш кўриниши (мас. туркман ва бошқирд тилларида).

з' — *з* нинг тиши-тиш кўриниши (мас. Туркман ва бошқирд тилларида).

з — қоришиқ дз, (чулим ва барабин шеваларида).

ц — қоришиқ тс (мас. чўлим тили ва барабин шевасида).

с— чуваш тилидаги қоришиқ с.
 ж— тил олди, сирғалувчи, жарангли, соф ундош.
 ж— ж *нинг* юмшоқ кўриниши.
 ш— тил олди, сирғалувчи, жарангсиз, соф ундош.
 ш— ш *нинг* юмшоқ кўриниши.
 ж— тил олди, портловчи, жарангли, қоришиқ дж.
 ч— тил олди, портловчи, жарангсиз, қоришиқ ундош.
 л— тил олди, портловчи (ён), жарангли, сонор, соф ундош.
 л— л *нинг* юмшоқ кўриниши.
 н— тил олди, портловчи, жарангли, сонор, соф ундош.
 н— н *нинг* юмшоқ кўриниши.
 р— тил олди, титроқ, жарангли, сонор, соф ундош.
 р— р *нинг* юмшоқ кўриниши.
 ў— тил ўрта, сирғалувчи, жарангли, соф ундош.
 ў— тува ва ёқут тилларидаги ў бурун товуши.

ОРҚА ҚАТОР УНДОШЛАРИ

к — тил орқа, портловчи, жарангсиз, шовқинли, соф ундош.
 к— к *нинг* юмшоқ шакли.
 қ— к *нинг* димоғда талаффуз қилинадиган шакли.
 г— тил орқа, портловчи, жарангли.
 г— г *нинг* юмшоқ шакли.
 қ— тил орқа, портловчи, жарангсиз, шовқинли, соф ундош.
 қ— қ *нинг* димоғда талаффуз қилинадиган шакли.
 г— г *нинг* тил орқа, портловчи кўриниши (мас. туркман тилида).
 х — тил орқа, сирғалувчи, жарангсиз, шовқинли, соф ундош.
 г — тил орқа, сирғалувчи, жарангли, шовқинли, соф ундош.
 н — тил орқа, портловчи, жарангли, сонор, соф ундош.
 ҳ — бўғиз товуши.

2-ИЛОВА

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ВА ТУРКИЙ ТИЛЛАР РҲЙХАТИ

Рўйхатга илмий адабиётларда учрайдиган деярли барча туркий тил ва туркий халқлар киритилди. Бу рўйхатни тартибдада биринчи навбатда миллат ва элатларнинг гуруҳларлар таркибидаги номланиши келтирилди. Бундан ташқари, гуруҳ ва кичик гуруҳлар таркибига кирувчи энг кичик этник гуруҳлар ҳам рўйхатдан ўрин олган.

Туркий миллат ва элатларнинг номларини келтиришда ҳар бир халқлар номининг илмий адабиётларда учрайдиган вариантларининг деярли барчасини киришга ҳаракат қилинди (*қиёс. мас. олтойликлар, ўйротлар, оқ қалмиқлар каби*), ҳозирги замон туркий тиллари учун эскирган атамалар қавс ичида (*эск.*) тарзида қайд қилинди.

Бундан ташқари, рўйхатда туркий тилларнинг ривожланиш ва шаклланиш жараёнида бир неча номлар билан аталганлиги ҳисобга олинди ва улар маълум тартибда қайд қилинди.

Барча номлар алифбо тартибида келтирилди: аввал ўзбекча аталиши, катта қавс ичида халқ номининг транскрипцияда кўрсатилиши, айлана қавсда тилнинг гуруҳ ва кичик гуруҳлардаги ўрни жойлаштирилди. Барча халқ номлари (хоҳ у кўп сонли, хоҳ кам сонли бўлсин) мустақил тилга эга ҳисобланади, шунинг учун улар билан, адабий тилга эга бўлган халқлар эса билан белгиланди.

Тенг аталадиган бир хил номларнинг (= тенглик аломати орқали) иккаласи ҳам бир хил қўлланади, шу сабабли улар махсус белги билан кўрсатилди. У ёки бу гуруҳга кирувчи этник қатламларни бир-бирига солиштириш усун *қиёс.* (қиёсланг), бошқа атама билан чоғиштириш эҳтиёжи тугилган ҳолларда *қар.* (қаранг) ҳавола қўлланади.

Рўйхатдан қадимги халқлар ҳамда ўлик тилларнинг номлари ҳам жой олган, улар эса *қадим.* (қадимги) сўзи орқали ажратиб кўрсатилди.

Абаларлар [аба-кижи], бошқа номлари: абиндиклар — **қар.** шорликлар.

Абиндилар = абаларлар — **қар.** шорликлар.

Аварлар **эск.** — **қар.** булғорлар.

Адербижанлар **эск.** = озарбайжонлар.

Озарбайжонлар [озарлар, азэрбайжан] (ўғуз гуруҳининг ўғуз-салжук кичик гуруҳига киради) — **қиёс. муғаллар, қозоқ татарлари, қашқайлар, қизил-бошлар, терекемлар, қорапапахлар (бошқача аталиши: озарбайжонлар, адербижанлар, турклар, озарбайжон турклари, озарбажон татарлари, кавказ орти татарлари).

Озарлар **қадим. [озарлар] (ўғуз-салжук кичик гуруҳига тегишли эски озарбайжон тили) — **қар.** Озарбайжонлар.

Оқ нўғайлар [ақ ногай] — **қар.** нўғайлар.

Оқсуйлар — **қар.** уйгурлар.

Олтойлар [алтай кижиде] (қирғиз-қипчоқ гуруҳига киради) — **қиёс.** маймалар, теленгетлар (чуйликлар, чуй қалмиқлари, телеслар); телеутлар, кумандинлар, лебеденлар (оққушликлар), тубалар (бошқача аталиши: ўйротлар, олтойлар, тоғли олтойликлар, оқ қалмиқлар, тоғли қалмиқлар, олтой қалмиқлари).

Тоғли олтойлар **эск.** = олтойлар.

Аринлар = арин татарлари — **қар.** татарлар.

Балқарлар [балқар//малқар] (қипчоқ-половец кичик гуруҳига кирувчи қорачой-балқар тили).

Бараба = барабин татарлари — **қар.** татарлар.

Барабинликлар = барабин татарлари — **қар.** татарлар.

Бошқирлар [башқурт] (қипчоқ гуруҳининг қипчоқ-булғор кичик гуруҳига киради) — **қиёс. тептярлар.

Балтирлар [балтир] — **қар.** хакаслар.

Берендилар **қадим.** — **қар.** узлар.

Боутлар **қадим.** — **қар.** узлар.

Булғорлар **қадим. [булғар] (булғор гуруҳи тиллари) — **қиёс.** сабирлар, аварлар, суварлар.

Бурутлар [бурут] **эск.** = қирғизлар.

Сибир бухороликлари [бухарлық] — **қар.** татарлар.

Гагаузлар [гагауз] (ўғуз гуруҳининг ўғуз-булғор кичик гуруҳига кирувчи тил) — **қиёс. бессарабия гагаузлари, дунай орти гагаузлари (шарқий ёки

болгарияликлар) ва ғарбий (приморьяликлар ёки грецияликлар [хасыл гагауз]); бешалман гагаузлари, македония гагаузлари.

Ғажаллар — **қар.** болқон турклари.

Герловликлар — **қар.** болқон турклари.

Гўклан [гөклэн] — **қар.** туркманлар.

Двояданликлар **эск.** = теленгетлар — **қар.** олтойликлар.

Долғанлар [долған] — **қар.** ёқутлар.

Ишимликлар = ишим татарлари — **қар.** татарлар.

Йомудлар [йомут] — **қар.** туркманлар.

Қаепичлар **қадим.** — **қар.** узлар.

Қирғиз-қозоқлар **эск.** = **қар.** қозоқлар.

**Қозоқлар [қазак] (қипчоқ гуруҳининг қипчоқ-нўғай кичик гуруҳи тиллари), бошқача аталиши: қирғизлар, қирғиз-қайсоқлар, қайсоқ-қирғизлар, қозоқ-қирғизлар.

Олтой қалмиқлари **эск.** — олтойликлар.

Оқ қалмиқлар **эск.** — олтойликлар.

Тоғли қалмиқлар **эск.** — олтойликлар.

Чуй қалмиқлари = теленгитлар — **қар.** олтойликлар.

Қамасиликлар [қамажилар] (уйғур тилларининг хакас кичик гуруҳига киради), бошқача аталиши — кангаласлар.

Қарағаслар **эск.** — тоғаларлар.

Қараимлар [қарай] (қипчоқ гуруҳи тилларининг қипчоқ-половец кичик гуруҳига киради) — **қиёс.** литва қараимлари, луцкликлар, галицкликлар, қримликлар.

Қарақалпоқлар [қарақалпоқ, қаралпақ] (қипчоқ гуруҳи тилларининг қипчоқ-нўғай кичик гуруҳига киради) — **қиёс. хива қарақалпоқлари, хоразм қарақалпоқлари, тошкент қарақалпоқлари, фарғона қарақалпоқлари, қўқон қарақалпоқлари, астрахан қарақалпоқлари.

Қора қирғизлар [қара қырғыз] **эск.** = қирғизлар.

Қараманлийликлар — **қар.** болқон турклари.

Қора нўғайликлар [қара ногай] **қар.** нўғайликлар.

Қорапапахлар [қарапапах] — **қар.** озарбажонликлар.

**Қорачойликлар [қарачай] (қипчоқ гуруҳи тилларининг қипчоқ-ўғуз шаҳобчасига кирувчи қорачой-балқар тили).

Қарлуқлар **қадим.** [қарлуқ] (қарлуқ гуруҳи тил-

ларининг қарлуқ-уйгур кичик гуруҳига киради).

Қосимовликлар = қосимов татарлари — **қар.** татарлар.

Қочинликлар [хаас] — **қар.** хакаслар.

Қашқарликлар [қашқилиқ] — **қар.** уйгурлар.

Қашқайлар — **қар.** чулим татарлари.

Кезик — **қар.** чулим татарлари.

**Қирғизлар [қыргыз] (қирғиз-қипчоқ гуруҳи тиллари), бошқача аталиши: қора қирғизлар [қара қыргыз], бурутлар [бурут], ёввойи тош қирғизлар.

**Қадимги қирғизлар [қыргыз] (уйгур-ўғуз гуруҳининг уйгур-тукю кичик гуруҳига кирувчи тиллар), бошқача аталиши: енисей қирғизлари, қадимги турклар.

Қовулар қадим. — **қар.** узлар.

Қойбаллар, қойбалликлар = [хойбал] — **қар.** хакаслар.

Қондомликлар = [шор] — **қар.** шорликлар.

Қонярлар = юруқлар — **қар.** болқон турклари.

Қримчоқлар — **қар.** қрим татарлари (бошқача аталиши: қрим жуҳудлари).

Қряшёнлар [кряшон] **эск.** — **қар.** татарлар.

Қумандинликлар [қубанды//қуманды//қуванды-кижи] (уйгур-ўғуз гуруҳи тилларининг хакас кичик гуруҳига киради) — **қар.** олтойликлар.

**Қўмиқлар [қумуқ] (қипчоқ гуруҳининг қипчоқ-половец кичик гуруҳига киради).

Қизилбошлар I [қызылбаш] — **қар.** озарбайжонликлар.

Қизилбошлар II — **қар.** болқон турклари.

Қизилликлар [хызыл] — **қар.** хакаслар.

**Қипчоқлар қадим. [қыпчақ, қыпшақ] (қипчоқ гуруҳи тилларининг қипчоқ-половец кичик гуруҳига тегишли), бошқача аталиши: куманлар, половецлар, хардешлар.

Кэциклар [кэцик] — **қар.** чулим татарлари.

Кюэриклар [күэрик] — **қар.** чулим татарлари.

Лебеденликлар [куу-кижи] (уйгур-ўғуз гуруҳи тилларининг хакас кичик гуруҳига киради), **қиёс.** чалканликлар, шахшилиқлар — **қар.** — олтойликлар.

Лобнорликлар — [лоптуқ] — **қар.** уйгурлар.

Маймаларлар [майма-кижи] — **қар.** олтойликлар.

Матурликлар [шор] — **қар.** шорликлар.

Мешеряклар = мишарлар [мишөр] — **қар.** татарлар.

Мугаллар [мугал] — **қар.** озарбайжонликлар.

Нугайбоқлар [ноғайбақ] — **қар.** татарлар.

Нўғайликлар [ноғай] (қипчоқ гуруҳи тилларининг қипчоқ-нўғай кичик гуруҳига киради) — **қар. қоранўғайликлар, оқнўғайликлар, (бошқача аталиши: кубан нўғайлари, доғистон нўғайлари).

*Фарб ўғузлари [оғуз] (ўғуз гуруҳининг ўғуз-туркман кичик гуруҳи тиллари) — **қиёс.** ўн ўғуз, тўққуз ўғуз.

**Қадимги шарқ ўғузлари [оғуз] (уйгур-ўғуз гуруҳининг уйгур-тукю кичик гуруҳи тиллари), бошқача аталиши: тукю ва тукюэ, кўктурклар, қадимги турклар, урхун турклари.

Ўйротлар [ойрот] **эск.** = олтойликлар.

Усманийлар I қадим. [османли] (ўғуз гуруҳининг ўғуз-салжуқ кичик гуруҳига кирувчи эски усмонийлар тили), бошқача аталиши: оттоманлар, оттоманликлар — **қар. турклар.

Усмонлилар II [османлы] **эск.** — турклар.

**Печенеглар қадим. ўғуз гуруҳининг ўғуз-булғор кичик гуруҳи тиллари), бошқача аталиши — қора кулоҳлар.

Половецлар қадим. = қипчоқлар.

Сабирлар қадим. — **қар.** булғорлар.

Сағайликлар [сағай] — **қар.** хакаслар.

Саларлар [салар] — **қар.** уйгурлар.

Салирлар [салыр] — **қар.** туркманлар.

Сариқлар [сарық] — **қар.** туркманлар.

Сариуйгурлар [сары йогур] — **қар.** уйгурлар.

Саха = ёқутлар.

**Салжуқлар қадим. (ўғуз гуруҳи тилларининг ўғуз-салжуқ кичик гуруҳига кирувчи салжуқ тили).

Сойонлар **эск.** = туваликлар.

Сойотлар **эск.** = туваликлар.

Суварлар қадим. — **қар.** булғорлар.

Сургучлар — **қар.** болқон турклари.

Ташну-туваликлар **эск.** — туваликлар.

Таранчи [уйгур] — **қар.** уйгурлар.

Тарлиқлар = тар татарлари — **қар.** татарлар.

Татарлар [татар] (қипчоқ гуруҳи тилларининг қипчоқ-булғор кичик гуруҳига киради), **қиёс. волга бўйи

татарлари: қозон татарлари ёки қозонликлар, астрахан татарлари, қосимов татарлари ёки қосимовликлар, мишарлар ёки мишарликлар, кряшёнлар, нуғайбоқлар, типтарлар; сибир татарлари ёки ғарбий сибирликлар: турин татарлари, тюмен татарлари ёки тюменликлар, ишим татарлари ёки ишимликлар, ялутор татарлари ёки ялуторликлар, иртиш татарлари, тобол татарлари ёки тоболликлар, тар татарлари ёки тарликлар, сибир бухороликлари, чац татарлари, арин татарлари, барабин татарлари ёки барабинликлар, томск татарлари.

Абакан татарлари *эск.* = хакаслар.

Озарбайжон татарлари *эск.* — озарбайжонлар.

Белорус татарлари — *қар.* қрим татарлари.

Енисей татарлари *эск.* = хакаслар.

Кавказ орти татарлари *эск.* озарбайжонлар.

Ғарбий сибир татарлари = сибир татарлари — *қар.* татарлар.

Қозоҳ татарлари — *қар.* озарбайжон.

*Қрим татарлари [ноғай] (қипчоқ гуруҳининг қипчоқ-ўғуз кичик гуруҳига тегишли) — *қийёс.* литва татарлари, белоруссия татарлари, қримчоқлар, бошқача аталиши: таврия татарлари, қрим татарлари, шимолликлар ёки чўлликлар.

Жанубий қиргоқ қрим татарлари (ўғуз гуруҳининг ўғуз-салжуқ кичик гуруҳига тегишли).

Кузнец татарлари *эск.* = шорликлар.

Лебединск татарлари = лебединликлар — *қар.* олтойликлар.

Литва татарлари — *қар.* қрим татарлари.

Мелецк татарлари = чулим татарлари.

Волга бўйи татарлари — *қар.* татарлар.

Сибир татарлари — *қар.* татарлар.

Таврия татарлари = қрим татарлари.

Тар татарлари, бошқача аталиши — тарликлар — *қар.* татарлар.

Тобол татарлари, бошқача аталиши — тоболликлар — *қар.* татарлар.

Томск татарлари — *қар.* татарлар.

Томск-кузнецк татарлари *эск.* = шорликлар.

Туринск татарлари, бошқача номланиши — туринликлар — *қар.* татарлар.

Тюмен татарлари, бошқача номланиши — тюмен-

ликлар — *қар.* татарлар.

Чатск татарлари — *қар.* татарлар.

Қора татарлар [йыш//g'иш//m'иш-кижи]— *қар.* олтойликлар.

*Чулим татарлари [чулым] (уйғур-ўғуз гуруҳи тилларининг хакас кичик гуруҳига киради) — *қийёс.* чулимликлар, кюэрикликлар, кецик ёки кезиклар, бошқача номланиши — мелецк татарлари.

Ялутаровск татарлари, бошқача номланиши — ялутаровликлар — *қар.* татарлар.

Такаликлар [тэкэ] — *қар.* туркманлар.

Теленгитлар [тэлэңит], бошқача номланиши: чуйликлар, қалмиқлар,, двоеданликлар, телеслар — *қар.* олтойликлар.

Телеслар [төлөс] = теленгетлар— *қар.* олтойликлар.

Телеутлар [тэлэнут, теленһут] — *қар.* олтойликлар.

Типтарлар I [типтәр] — *қар.* бошқирдлар.

Типтарлар II [типтәр] — *қар.* татарлар.

Таракамалар [тәрәкәмә] — *қар.* озарбайжонликлар.

Тиргешлар = тубаларлар — *қар.* олтойликлар.

Тоболликлар = тоболлик татарлар — *қар.* татарлар.

Тўққуз ўғузлар *қадим.* [тоққуз-оғуз] — *қар.* ғарб ўғузлари.

Торклар *қадим.* — *қар.* узлар.

Тофаларлар [тофа] (уйғур гуруҳи тилларининг уйғур-ўғуз кичик гуруҳига киради), бошқача номланиши: карагаслар.

Трухманлар [түркпән] (ўғуз гуруҳи тилларининг ўғуз-туркман кичик гуруҳига киради), бошқача номланиши: ставрапол туркманлари, шимолий кавказ туркманлари.

Тубаларлар [туба//тува//тума-кижи] (уйғур-ўғуз гуруҳи тилларининг хакас кичик гуруҳига киради) — *қийёс.* тиргешлар, бошқача номланиши — қора татарлар — *қар.* олтойликлар.

*Туваликлар [туба, тув'а] (уйғур-ўғуз гуруҳи тилларининг уйғур-тукю кичик гуруҳига киради), бошқача номланиши: урянхайликлар, сойотлар, сойонлар, танну-туваликлар.

Тукю **қадим.** = қадимги ўғузлар, бошқача номланиши — тукюэ.

Тукюэ **қадим.** = тукю — **қар.** қадимги ўғузлар.

Туринликлар = туринск татарлари — **қар.** татарлар.

••Турклар [*түрк*] (ўғуз гуруҳи тилларининг ўғуз-салжук кичик гуруҳига киради), бошқача номланиши: анатолий турклари, усмонли турклар, оттоман турклари, оттоманлар.

Анатолий турклари **эск.** = турклар.

Усмонли турклар **эск.** = турклар.

Оттоман турклари **эск.** = турклар.

Тозлуқ турклари — **қар.** болқон турклари.

••Туркманлар [*түркмэн*] (ўғуз гуруҳи тилларининг ўғуз-туркман кичик гуруҳига киради) — **қиёс.** такаликлар [*тэкэ*], йомудлар [*йомут*], гүкланлар [*гөклэн*], чаудорлар [*чавдур*], салирлар [*салыр*], сариқлар [*сарық*], эрсариликлар [*эрсары*]; нурота туркманлари.

Шимолий кавказ туркманлари = трукманлар.

Ставрапол туркманлари = трукманлар.

Турпелар **қадим.** — **қар.** узлар.

Турфонликлар [*турпанлык*] — **қар.** уйғурлар.

Тюменликлар = тюмен татарлари.

Турклар [*түрк*] **эск.** — озарбайжонликлар.

Озарбайжон турклари **эск.** = озарбайжонликлар.

•Болқон турклари (ўғуз гуруҳи тилларининг ўғуз-булғор гуруҳига тегишли) — **қиёс.** сургучлар, қараманлийликлар, гажаллар, тозлуқ турклари, юруқлар ёки конярлар, герловликлар, қизилбошлар.

Кўк турклар **қадим.** [*көк түрк*] = қадимги ўғузлар.

Қадимги турклар **қадим.** — **қар.**: 1) қадимги ўғузлар; 2) қадимги уйғурлар; 3) қадимги қирғизлар.

Урхун турклари **қадим.** = қадимги ўғузлар.

•Узлар **қадим.** [*оғуз*] (ўғуз гуруҳи тилларининг ўғуз-булғор кичик гуруҳига киради) — **қиёс.** торклар, ковулар, беренделар, турпелар, боутлар, қаепичлар, бошқа номланиши — қора кулоҳлар.

••Уйғурлар [*уйғур*] (қарлуқ гуруҳи тилларининг қарлуқ-хоразм кичик гуруҳига киради) — **қиёс.** қашқарликлар, турфонликлар, ёркентликлар, хўтанликлар, хамийликлар, таранчлар, оқсуйликлар, саларлар, сариуғурлар, лобнорликлар, хотонликлар ёки хотонлар.

Қадимги уйғурлар [*уйғур*] (уйғур-ўғуз гуруҳи тилларининг уйғур-тукю кичик гуруҳига тегишли), бошқача номланиши — қадимги турклар.

Сари уйғурлар — **қар.** уйғурлар.

Урумлар [*урум*] (ўғуз гуруҳи тилларининг ўғуз-салжук кичик гуруҳига киради).

Урянхайлилар **эск.** = туваликлар.

••Ҳазарлар **қадим.** [булғор гуруҳи тилларига киради].

••Хакаслар [*хаас*] (уйғур-ўғуз гуруҳи тилларининг хакас кичик гуруҳига киради) — **қиёс.** қочинлар, соғайлар, балтирлар, қизилликлар, шорликлар, қойбаллар, бошқа номланиши: абакан татарлари ёки турклари, енисей татарлари.

Хамийликлар [*қомуллик*] — **қар.** уйғурлар.

Хардешлар **қадим.** = қипчоқлар.

Хўтанликлар [*хотанлик*] — **қар.** уйғурлар.

Хотонликлар [*хотон*], бошқа номланиши — хотонлар — **қар.** уйғурлар.

Чалканликлар [*қанығ, шалқандуу*] — **қар.** лебеденликлар, олтойликлар.

Чаудорлар [*чавдур*] — **қар.** туркманлар.

Қора кулоҳлар **қадим.** — **қар.** 1) узлар; 2) печенеглар.

••Чувашлар [*чүваш*] (булғор гуруҳи тилларига киради) — **қиёс.** қуйи чувашлар [*анатри, анатри чүвашсэм*] — **қар.** чувашлар.

Юқори чувашлар [*вирийал чүвашсэм*] **қар.** чувашлар.

Қуйи чувашлар [*анатри, анатри чүвашсэм*] **қар.** чувашлар.


Чуйликлар [*чуй-кижи*] — теленгитлар — **қар.** чувашлар.

Чулимликлар = чулим татарлари.

Шахшилиглар [*шахшылығ*] = лебеденликлар - **қар.** олтойликлар.

•Шорликлар I [уйғур-ўғуз гуруҳи тилларининг хакас кичик гуруҳига киради] - **қиёс.** абаларлар ёки абинликлар, кондомликлар, матурликлар, бошқача номланиши: шорлар, томск-кузнецк татарлари, кузнецк татарлари.

Шорликлар II [*шор*] - **қиёс.** хакаслар.



МУНДАРИЖА

| | |
|---|---|
| Сўзбоши..... | 3 |
| Кириш. Туркий тилли халқларнинг жойланишиш ўрнига кўра таснифи..... | 4 |

I БОБ

| | |
|---|----|
| Туркий тилларнинг ривожланиши ва шаклланиши | 10 |
|---|----|

II БОБ

| | |
|---|----|
| Олтой даври..... | 17 |
| Хунн даври..... | 20 |
| Қадимги турк даври..... | 24 |
| Ўрта турк даври ёки туркий тилларнинг асосий шаклланиши ва ривожланиши..... | 31 |
| Янги турк даври ёки халқ тилларининг ривожланиши ва шаклланиши..... | 40 |

III БОБ

| | |
|---|----|
| Туркий тилларнинг Ғарбий Хунн тармоғи..... | 42 |
| I. Булғор гуруҳи тиллари..... | 42 |
| Қ а д и м г и т и л л а р. Булғор тили..... | 44 |
| Ҳ а з а р т и л и..... | 46 |
| Ҳ о з и р г и т и л. Чуваш тили..... | 48 |
| II. Ўғуз гуруҳи тиллари..... | 50 |
| Ўғуз-туркман кичик гуруҳи..... | 53 |
| Қ а д и м г и т и л л а р. Ўғузларнинг X-XI асрлардаги тиллари..... | 54 |
| Ҳ о з и р г и т и л л а р. Туркман тили..... | 55 |
| Трухман тили..... | 58 |
| Ўғуз-булғор кичик гуруҳи..... | 59 |
| Қ а д и м г и т и л л а р. Печенег ва узлар тили..... | 60 |
| Ҳ о з и р г и т и л л а р. Гагауз тили..... | 63 |
| Болқон турклари тили..... | 64 |
| Ўғуз-салжуқ кичик гуруҳи..... | 66 |
| Қ а д и м г и т и л л а р. Салжуқ ва усмонийлар тили..... | 66 |
| Ҳ о з и р г и т и л л а р. Озарбажон тили..... | 68 |
| Турк тили..... | 70 |
| III. Қипчоқ гуруҳи тиллари..... | 71 |
| Қадимги қипчоқ (куман ёки половец) | |

| | |
|---|-----|
| тили..... | 74 |
| Ҳозирги тиллар. Қараим тили..... | 75 |
| Қўмиқ тили..... | 78 |
| Қорачой-балқар тили..... | 79 |
| Қримтатар тили..... | 80 |
| Қипчоқ-булғор кичик гуруҳи..... | 82 |
| Ҳозирги тиллар. Татар тили..... | 83 |
| Бошқирд тили..... | 86 |
| Қипчоқ-нўғай кичик гуруҳи..... | 88 |
| Ҳозирги тиллар. Нўғай тили..... | 89 |
| Қорақалпоқ тили..... | 90 |
| Қозоқ тили..... | 91 |
| IV. Қарлуқ гуруҳи тиллари..... | 93 |
| Қарлуқ-уйғур кичик гуруҳи'..... | 94 |
| Қадимги тиллар. Қорахонийлар даври ва ундан кейинги даврдаги уйғур тили..... | 95 |
| Қарлуқ-хоразм адабий тили..... | 97 |
| Қарлуқ-хоразм, Олтин Ўрда (Шарқий) ва чигатой тили..... | 98 |
| Янги уйғур тили..... | 100 |

IV БОБ

| | |
|--|-----|
| Туркий тилларнинг Шарқий Хунн тармоғи..... | 103 |
| Уйғур-ўғуз гуруҳи тиллари..... | 104 |
| Уйғур-тукю кичик гуруҳи..... | 105 |
| Қадимги тиллар. Қадимги ўғуз тили ёки Урхун-енисей ёдгорликлари тили..... | 106 |
| Қадимги уйғур тили..... | 108 |
| Ҳозирги тиллар. Тува тили..... | 110 |
| Тофалар (карагас) тили..... | 111 |
| Ёқут кичик гуруҳи..... | 111 |
| Ҳозирги ёқут тили..... | 112 |
| Хакас кичик гуруҳи..... | 113 |
| Ҳозирги тиллар. Хакас тили..... | 114 |
| Қамаси тили..... | 117 |
| Шор тили..... | 118 |
| Чулум татарлари, кюэриклар ва кециклар тиллари..... | 119 |
| Қирғиз-қипчоқ гуруҳи тиллари..... | 121 |
| Қадимги тиллар. Қадимги қирғиз тили..... | 123 |
| Ҳозирги тиллар. Қирғиз тили..... | 123 |
| Олтой тили..... | 125 |

| | |
|--|-----|
| 1-илова. Туркий тилларда қўлланган унли ва ундошлар транскрипцияси..... | 134 |
| 2-илова. Туркий халқлар ва туркий тиллар рўйхати..... | 137 |
| 3-илова. Туркий тиллар тараққиётининг умумий таснифи..... | 147 |
| 4-илова. Туркий тилли халқлар тарқалган худудлар..... | 148 |

ИЛМИЙ - ОММАБОП НАШР

ЖУМАЕВ ТУРСУНАЛИ

ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ - ТАРИХИЙ
ТАҲЛИЛИ

Ўзбек тилида

Муҳаррир: Ш. Пирматова
Техник муҳаррир: Ч. Раҳмонов
Мусахҳиҳ: Ш. Пирматова

ИБ № 0887

Теришга 22.09.2005 йилда берилди. Босишга
3.10.2005 йилда рухсат этилди. Бичими 60X84 1/16.
шартли босма табағи 9,07. шартли кр.оттиск. 9,20. нашр
б.т. 9,67. 91-2005-шартнома. 150нусада. Эркин нарҳда.

«Насаф» нашриёти. 730018. Қарши шаҳри, Мустақиллик
шоҳкўчаси, 22-уй.

Қарши Давлат университети босмахонасида босилди.
Қарши шаҳри. Кўчабоғ кўчаси, 17-уй.

ТИ
Х
Қ
Қ
Қ
Қ
Х
Б
Қ
Х
Қ
Қ
IV. Қа
Қ
Қ
ун,
Қ
Қ
тил
Ян

Ту
Уй
уй
Қ
Ур
Қ
Х
То
Ё
Қ
Х
Қ
Ш
Ч
тил
Қ
Қ
Х
Олт